


82.3
Ж-15

Жамолиддин ЖЎРАЕВ

КОМЁБ ҲАЁТМЎВА
РЕКОДИЙ МЕВОСИ
МАНБАЛАРИ
ТАДҚИҚИ



182.3
2/c-15


ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ НОМИДАГИ ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА
ИНСТИТУТИ

Жамолиддин Жўраев

КОМЁБ ҲАЁТИ ВА ИЖОДИЙ МЕРОСИ МАНБАЛАРИ ТАДҚИКИ

Монография



Тошкент
«MUMTOZ SO‘Z»
2019

УЎК: 821.512.133

КБК 82.3(5Ў)

Ушбу монография XIX асрнинг охири-XX асрнинг бошларида яшаб ижод қилган Хива хонлари оиласига мансуб тарихчи ва шоир Саййид Ҳомид тўра ибн Саййид Муҳаммадхоннинг ҳаёти ва ижодий мероси манбаларига бағишланган. Унда илк бор Комёбнинг илмий биографияси бирламчи қўлёзма манбалар ва архив ҳужжатларига асосан яратилган. Шунингдек, шоирнинг девони ва бадий-тарихий асарларининг қўлёзма манбалари аниқланиб, уларнинг матний қиёси амалга оширилган. Бадий-тарихий асарларининг XIX асрнинг охири-XX асрнинг бошлари Хива хонлиги ижтимоий ҳаётни ёритишидаги тарихий асарлиги билан бирга ўзига хос адабий манба эканлиги асосланган. Комёб асарларининг мавзу қўлами ва бадийяти таҳлилга тортилган.

Масъул муҳаррир:

филология фанлари доктори, профессор

Саидбек Ҳасанов

Тақризчилар:

филология фанлари доктори, профессор

Шухрат Сирожиддинов,

филология фанлари доктори

Нафас Шодмонов

82.3(5Ў)

Ж

Жўраев, Жамолiddин

Комёб ҳаёти ва ижодий мероси манбалари тадқиқи / Ж.Жўраев; масъул муҳаррир ва сўзбоши муаллифи С.Ҳасанов; ЎзР Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги А.Қодирий номидаги Жиззах давлат педагогика институти. – Тошкент: MUMTOZ SO‘Z, 2019. – 160 б.

*Абдулла Қодирий номидаги Жиззах Давлат педагогика институти
Илмий кенгаши томонидан нашрга тавсия этилган (2019 йил 30
майдаги 6-сонли баённома)*

ISBN 978-9943-5562-7-0

© Жўраев Жамолiddин, 2019

© “MUMTOZ SO‘Z”, 2019

КИРИШ

Ўзбек халқи мустақиллигини мустаҳкамлаш, миллий ўзлигини англаш даврини бошдан кечираётган кезде тарих ҳақиқатини би-лиш, аждодларнинг олам ва одам ҳақидаги тушунчалари, фалса-фий-эстетик, ахлоқий қарашлари акс этган адабий ёдгорликларни ўрганишда бирламчи қўлёзма манбаларни тадқиқ этиш, илмий исти-фодага олиб кириш ҳар қачонгидан ҳам аҳамиятлидир. “Ўзбекистонимизнинг китоб фондларида 100 мингдан зиёд қўлёзма асарлар сақланмоқда. Афсуски, бу нодир китоблар ҳали тўлиқ ўр-ганилмаган, улар олимлар ва ўз ўқувчиларини кутиб турибди. Уш-бу ноёб асарларни бугунги давр ўртага қўяётган жуда кўп долзарб муаммоларга жавоб топпиш мумкин... Лекин биз ана шундай ноёб мерос ворислари, шундай бойлик эгалари бўла туриб, уларни ҳар томонлама ўқиш-ўрганиш, ҳақимиз, аввало, униб-ўсиб келаётган ёшларимизга, жаҳон ҳамжамятига етказиш бўйича старли иш қил-маганимизни ҳам очик тан олиш керак”, – деган эдилар Президентимиз Ш.Мирзиёев¹. Хива хонлари оиласига мансуб шоир ва та-рихчи Саййид Ҳомид тўра Комёб томонидан ёзиб қолдирилган асарлар қўлёзмаларини ҳам Президентимиз қайд қилган сингари қўлёзмалар сирасига киритиш мумкин.

XIX аср ва XX юзйиллик бошлари Хоразм адабий муҳитининг Мунис, Огаҳий, Баёний, Аваз Ўтар сингари намояндалари ижодини тадқиқ этиш юзасидан адабиётшуносликда муайян ютуқларга эри-шилган бўлса-да, улар билан замондош Асад, Оқил, Саъдий, Комёб, Муродий, Султоний, Фаррух, Содик каби хон оиласидан егишиб чиққан ижодкорлар асарларининг қўлёзмалари ҳанузгача ўрганилмаган. Ушбу сулолага мансуб сермахсул ижодкорлардан бири Саййид Ҳомид тўра ибн Саййид Муҳаммадхон тўра Комёбдир (1862-1926/30). Бизгача ундан шеърлар девони, Мунис, Огаҳий, Баёний анъаналари давоми бўлган “Таворих ул-хавонин”, “Мунтахаб ул-воқеот” каби бадиий-тарихий асарлар ва “Хоразм мамоликинда фалак ҳодисасидин воқеа ажойиби зухур марҳаласига келгонининг зикри” номли эсдаликлар етиб келган².

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Қонунчилик палатасига Мурожаатномаси // Халқ сўзи.- Тошкент., 2017 йил 23 декабр №258

² Асар эсдалик характериға эға бўлгани учун бундан кейин қискача “Эсдаликлар” деб юритилади.

Гарчи Саййид Ҳомид тўрадан бой адабий мерос қолган бўлсада, ханузгача ижодкорнинг илмий биографияси яратилмаган; асарларининг матний тадқиқи амалга оширилмаган; ижодий мероси юзасидан монографик тадқиқот бажарилган эмас. Комёбнинг тарихий асарлари ва эсдаликларидан Ватанимизнинг дипломатия, фан, таълим, маданият, адабиёт каби соҳалари тарихига доир қимматли маълумотлар ўрин олган. Шоир девонида ғазал, қасида, маснавий, мустазод, мухаммас, мусаддас, мураббаъ, мусамман, таркиббанд, таржиббанд, рубойи, қитъа, туюқ, муаммо, чистон, фард, таърих жанрларига оид қарийб 6000 мисра шеър жамланган.

Бундан ташқари, Комёб асарлари кўлёмаларининг ўзаро матний қиёсини амалга ошириш, улар ўртасидаги фарқли ўринларни аниқлаш орқали муаллиф вариантыга яқин, нисбатан мукаммал матнларини тиклаш, шоир бадий-тарихий асарларида фойдаланилган манбалардаги тафовутларни таҳлил этиш, шунингдек, шеърларининг мавзу кўлами ва жанр хусусиятларини, бадий маҳорати сирларини ўрганиш, ижодкор меросининг ўзбек адабиёти тарихида тутган ўрнини кўрсатилмаган.

Комёб ҳаёти ва ижодий меросига доир баъзи фикрлар А.Самойлович, П.Иванов, Ҳ.Ҳофман, Л.Дмитриева, В.Абдуллаев, М.Юнусов, Б.Аҳмедов ва Б.Абдуллаева тадқиқотларида учрайди¹. Бироқ, уларда ушбу мавзу тадқиқотчининг мақсади доирасида талқин этилган, холос. Хусусан, А.Самойловичнинг шоир девони билан таниш бўлганига оид хабарни Л.Дмитриева тузган феҳристандан билиш мумкин. Шунингдек, Л.Дмитриева ва Ҳ.Ҳофман маълумотлари бир-бирини такрорловчи девон тавсифидан иборат бўлиб, шоир ҳаёти ва ижодий мероси манбалари тўғрисида тўлиқ тасаввур бера олмайди. П.Иванов шоир яшаган муҳитга муносабат билдирган. М.Юнусов Комил Хоразмий ижоди борасида сўз юритиб, Комёбни, ўша давр ижодкорларидан бири сифатида тилга олган.

¹ Иванов П.П. Архив хивинских ханов XIX в. – Ленинград: Издание государственной публичной библиотеки, 1940.; Hofman H. Turkish literature a bio-bibliographical survey. Sektion III. Utrecht, 1969. – P. 18-19; Дмитриева Л.В. Описание тюркских рукописей института Востоковедения. III том. – М.: 1980, Наука. – С. 131-132; Юнусов М. Сахий каламлар. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1975. – 174 б.; Аҳмедов Б. Ўзбекистоннинг атоқли тарихшунос олимлари. – Т.: Чўлпон, 2003. – Б. 87-88.; Абдуллаева Б. Комёб ва унинг кўлёмза девонлари // Адабий мерос, 1988. – № 2. – Б. 54-58.

“Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқ қўлёзмалари каталоги”-нинг VII жилдида илк бор шоир девони ва “Таворих ул-хавонин” асари қўлёзмалари ҳақида маълумот берилган. Муаллифнинг таваллуд ва вафот саналари, тарихий асари ҳамда “Эсдаликлар”ига оид умумий фикрлар баён қилинган¹.

Б.Абдуллаева шоирнинг тўрт асарини ўз ичига олган 3730 рақамли қўлёзма ва унинг таркибидаги “Девон” хусусида ахборот берган. Мақолада Комёбнинг туғилган йили, вафоти, у қолдирган мерос ҳажми, мавзу ва жанрлари, шоир ижодига салафлар таъсири, анъанавийлик ва ўзига хослик устида сўз юритилган. Булардан ташқари, шоир девонининг қўлёзма манбалари борасида фикр билдирилиб, баъзи асарлари таҳлилга тортилган. У қўлёзмага шоирнинг уч асари – “Таворих ул-хавонин”, “Мунтахаб ул-вақеот” ва девони киритилганини қайд этган. Лекин, ижодкорнинг “Эсдаликлар”и тилга олинмайди.

Сўнгги йилларда Комёб ҳаёти ва ижоди юзасидан бир қатор тадқиқот ва нашрлар амалга оширилди². Жумладан, Г.Исмоилова-нинг номзодлик ишида шоир ижодий мероси махсус тадқиқ қилинмаган бўлса ҳам, Комёб асарлари миллий истиқлол мафкураси нуқтаи назаридан илмий ўрганилиши зарурлиги ҳақида сўз юритилган. Д.Раҳим, Ш.Матрасул, Э.Мадраҳимов, С.Самандарова, Комил Аваз ишларида ҳам шоир адабий меросига муносабат билдирилган. Д.Раҳим ва Ш.Матрасул Комёбнинг аждодлари, ижодий мероси манбалари юзасидан қимматли маълумотларни келтирган. Р.Орзибеков ва Ж.Жўраев тадқиқотларида санъаткорнинг чистон ва муаммо жанрида яратган шеърлари таҳлил қилинган.

Комёб ҳаёти ва ижодини ўрганишда Лаффасий тазкирасининг нашри алоҳида эътиборга молик. Тазкирада шоир шахси ва шеърлятига оид қизиқарли маълумотлар бор. 2002 йили Комёбнинг 47

¹ Ўзбекистон ФА Шарқ қўлёзмалари каталоги, 7-жилд. – Т.: Фан, 1964. – Б. 40.

² Лаффасий. Тазкиран шуаро. – Урганч: Хоразм, 1992. – 118 б.; Мухаммад Раҳимхон Феруз. Элга шоҳу ишққа қул. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1994. – 157 б.; Исмоилова Г. Феруз даври алабий муҳити: Филол. фанлари номзоди ... дис. – Т., 1995. – 141 б.; Раҳим Д., Матрасул Ш. Феруз – шоҳ ва шоир қисмати. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа бирлашмаси. 1991. – 125 б.; Мадраҳимов Э. Комёб / Хоразм ҳақиқати, 1991. 31 авг.; Самандарова С. Лаффасий тазкираси ва унинг қўлёзмалари. – Т.: Хазина, 1995. – 30 б.; Орзибсков Р. Ўзбек шеърлятида сирли-синкретик жанр ва шакллар. – Самарқанд, 1990. – Б. 14.; Жўраев Ж. Хоразм шоирлари ижодидаги муаммо жанри ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти, 2001. – № 4. – Б. 47-49; Комёб. Девон / Нашрга тайёрловчи Абдуллаева Б. – Т.: Университет, 2002. – 56 б.

газалидан иборат сайланмаси Б.Абдуллаева томонидан сўзбоши билан бирга нашр қилинди.

Қайд этилган ишларнинг барчасида мавзу юзасидан муайян мақсад доирасидагина фикр билдирган. Ушбу монографияда шоир ҳаёти ва асарлари ягона мавзу доирасида ўрганилгани билан улардан алоҳида ажралиб туради.

КОМЁБ ҲАЁТИ ВА ИЖОДИЙ МЕРОСИ МАНБАЛАРИ

Саййид Ҳомид тўра ҳаётига оид манбалар талқини

Саййид Ҳомид тўра ибн Саййид Муҳаммадхон тўра шоирнинг тўлиқ исми, Комёб унинг адабий таҳаллусидир. У Хивадаги Кўҳна Арқда, Хива хони Саййид Муҳаммадхон тўра хонадонида таваллуд топган. Комёб ҳаёти Хиванинг сўнгги тўрт хони ва хонликнинг советлар томонидан тугатилиш даврлари оралиғида¹ Хивада кечган.

Саййид Ҳомид тўра тўғрисидаги дастлабки маълумот Муҳаммад Ризо Огаҳийнинг “Гулшани давлат” асарида учрайди. Огаҳий ҳижрий 1278 йил воқеалари баёни борасида сўз юритиб, “Яна улким, мазкур йилнинг раби ул-аввалида-ойнинг иккисинда шанба кечаси баҳри хангомидаким, барча кечаларнинг маҳмуди ва жамъи соатларнинг масъуди эрди”, дейди ва ўша куни хон оиласида бир ўғил туғилганлиги ҳамда Саййид Муҳаммадхон унга Саййид Ҳомид тўра деб исм қўйганлигини қуйидагича қайд этган: “Ҳазрати воҳиб ул-атоё, ҳодийи жаҳон... бир саодатманд ва хирадпайванд фарзанд ато қилдиким, фарр вужудидин жаҳон ахли руҳафзо бўлуб, файзи ҳузуридин ер юзига жаннатдек дилқушлиғ еткурди. Маснавий:

Саодат машриқидин туғди бир ой,
На ойким, офтоби оламрой...

...Подшоҳона жапшу хисравона айшу сурур инқизосидин сўнг ул салтанат қуррат ул-айиниға ғайб илҳоми била шохзода Саййид Ҳомид тўра от қўйдилар ва ул от онинг сиёдат ва жалолат камолиға далили равшан бўлди”.

Огаҳий шахзоданинг туғилиши муносабати билан шоирлар, жумладан, ўзи ҳам таърих ёзганлигини ҳам айтган. Мазкур таърих моддаси “Навнҳоли боғи иқбол” сўзларидан ҳосил қилинишига ишора этилган².

Бу воқеа “Шажараи хоразмшоҳий”да ҳам эслатиб ўтилган. Баёний ҳижрий минг икки юз етмиш саккизинчи - товуқ (1861-62) йили хонликда рўй берган энг муҳим давлат аҳамиятига молик

¹ 1855-1864 йиллар Сайид Муҳаммад; 1864-1910-йиллар Бобожон тўра Муҳаммад Раҳимхон II (Феруз); 1910-1918-йиллар Асфандиёр; 1918-1920-йиллар Сайид Абдулло.

² Огаҳий. Гулшани давлат. ЎзР ФА Шарқшунослик институти. инв. 7572. 236а-б-варак.

сиёсий ва дипломатик воқеалар борасида ахборот берар экан, шу аснода Комёбнинг туғилиши тўғрисида ҳам гапириб ўтган¹.

Комёбнинг ўзи туғилган йилини 1278 йил асад ва сафар ойлари оралиғида эди деб кўрсатган².

Юқоридаги манбаларнинг барчаси Комёб туғилган йилни бирдек ҳижрий 1278 йил деб тасдиқлаб турган бўлсалар-да, Б.Абдуллаева буни 1276 йил 2 раби ул-аввал (1861 йил 2 сентябр) тарзида кўрсатади³. Худди шундай қайд Г.Машарипованинг “Хоразмда битилган қўлёзмалар” рисоласи ва Комёб “Девон”ида ҳам такрорланган⁴. Э.Мадраҳимовнинг “Комёб” мақоласида бу сана 1861 йилнинг 2 сентябрга тўғри келади, дейилган бўлса⁵, Д.Раҳим ва Ш.Матрасуллар 1862 йил 2 сентябр деб кўрсатганлар⁶. Б.Аҳмедов эса, аниқ бир санани қайд қилмай, шоирни XIX асрнинг иккинчи ярмида яшаган деб ҳисоблайди⁷. Умуман, барча муаллифлар Комёбнинг туғилиш санасини бир-бирларидан унча ҳам фарқли бўлмаган йил асосида қайд этганлар. Тафовут шундан иборатки, ҳижрий 1278 йил мелодий 1861-1862 йиллар оралиғига тўғри келганлиги боис муаллифларнинг айримлари 1861 йилни, бошқалари эса 1862 йилни асос қилиб олганлар. Булардан умумий хулоса қилиб айтганда, Саййид Ҳомид тўра 1861 йилнинг 2 сентябрида дунёга келган.

Саййид Ҳомид тўранинг илмий биографияси яратишда Лаффасийнинг “Хива шоирлари ва адабиётшунослари таржимаи ҳоли” асари қўлёзма нусхалари ва нашри қимматли аҳамиятга эга. Асар қўлёзмалари турли даврларда кўчирилган бўлиб, вақт ўтиши билан Лаффасий уни янги маълумотлар билан бойитиб борган. Шунингдек, асарнинг 1992 йилда Урганчда амалга оширилган нашри ҳам эътиборли. Ношир Полвонназар Бобожоновнинг ёзишча, отаси Матёқуб Бобожонов асарга кирмай қолган баъзи янги топилмаларини қўшиб, унинг илмий аҳамиятини оширган. Шу

¹ Баёний. Шажагаи хоразмшоҳий. ЎзРФАШИ. 274 рақамли қўлёзма. 4316-варақ.

² Комёб. Таворих ул-хавонин. ЎзРФАШИ. 7717-қўлёзма. 191а-варақ.

³ Абдуллаева Б. Комёб ва унинг қўлёзма девонлари // Адабий мерос. –Тошкент, 1988. – № 2. – Б 54-55.

⁴ Хоразмда битилган қўлёзмалар / Тузувчи Г.Машарипова.–Т.: Шарқшунослик институти, 1997. – Б 16; Комёб. Девон. – Т.: Университет, 2002. – Б. 3.

⁵ Мадраҳимов Э. Комёб / Хоразм ҳақиқати, 1991. 31 авг.

⁶ Раҳим Д., Матрасул Ш. Феруз-шоҳ ва шоир қисмати. – Т.: Фафур Фулом номидаги Нашриёт-матбаа бирлашмаси, 1991. – Б.70.

⁷ Аҳмедов Б. Ўзбекистоннинг атоқли тарихшунос олимлари. – Т.: Чўлпон, 2003. – Б. 87-88

боис мазкур кўлёмалар ва асарнинг нашридаги айрим маълумотлар бир-бирини такрорламай, балки ўзаро мукамалликни таъминлайди¹. Тазкиранинг 12561 рақамли нусхасида шоир ҳаёти йўлига доир мана бундай маълумотлар берилади: “Комёбким, Саййид Ҳомид тўра ахволи:

Комёбким, Саййид Ҳомид тўра,

Анинг табъидин бир карра.

Эрур шаҳзодаи комёб,

Ёзиб “Тарихи хавонин” китоб.

Яна Комёб девон асарни,

Сухандонлиғ била жонон асарни.

Аммо Комёбким, ул шаҳзода Саййид Ҳомид тўрага мавсум бўлиб, Саййид Муҳаммадхоннинг кичик ўғли, Феруз Муҳаммад Раҳимхоннинг она бошқа, ота бир кичик биродари бўлгон ҳолда, отаси Саййид Муҳаммадхондин етишодур. Аммо, Саййид Ҳомид Хива уламо, мударрисларидин илм таҳсил этиб, ўзининг ғайрати орқасида онча маълумотлиғ бўлуб, арабий ва форсий луғат китобларни ўз она тили каби яхшигина таржима қилмоқликға анчаллиғ иқтидорлиғ бўладур.

Аммо, Саййид Ҳомид тўра ёшлиғидин торих илмига ҳаваскор бўлгонидин Хива хонининг ўзбекия хонлариким, ўз обо-аждодларининг жулуслари хусусида “Таворихи хавонин” бир тарих тасниф қиладур. Аммо, Комёб ҳамма вақтлар Хива уламо, мударрислари билан мажлис тузуб, тарих илмидан музокара қилиб турар эрди.

Аммо, Комёб ёзгон шеърлари зоҳиран ишқ муҳаббатдин бўлсада, ҳақиқат маънида бир дарёи муҳитдек. Илм ғаввослари андин мингларча маъни ҳосил этиб, дуру жавохир ҳосил қилур эрдилар. Комёб акаси Феруз Муҳаммад Раҳимхоннинг вузаро, умаро, амалдорларидин анча хушнуд бўлмай, доғи аларнинг жабр-зулмларидин шикоятлар қилиб турар эрди.

Комёб дунёнинг оқимларидин ва сиёсатларидин бохабар бўлуб турғонлиғи ўзининг сўзларидин маълум бўлуб, Асфандиёрхон ҳаракатларидин ва сиёсатларидин ва фуқароға қилгон ситамларидин воқиф бўлуб, онинг вузароларидин ношод бўлгон. Асафандиёр билан алоқаси кам эрди.

¹ Лаффасий тазкираси кўлёмаларининг ўзаро фарқи хусусида кейинги фаслда батафсилроқ тўхтаб ўтилади.

Аммо, Комёб шул тарих илмиг дунё сиёсатларидин бохабар бўлгон ҳолда, болаларин илми жадидия мактабларида ўқитадур. Комёбким, Саййид Ҳомид охиринчида тарих милодия 1922 йил, тарих ҳижрий 1340 да минг ҳасрат-армон билан дунё маъишатин тарк этиб, охират бўстониға бориб, жаннати жовидонда манзил-макон этадур”, – деб “Манга раҳм айлағил, эй хусн иклимининг яктоси” мисраси билан бошланадиган етти байтли ғазални ҳавола қилган.

Тазкиранинг 11499 рақамли бошқа нусхасида шоир тўғрисида қуйидагича ёзилган: “Комёб – Саййид Ҳомид тўра. Бу киши Саййид Ҳомид тўра ҳам Саййид Муҳаммадхоннинг ўғли бўлуб, отаси ўлганда жуда ҳам ёшлиқи сабабли акаси Ферузнинг тарбиясида камолға келиб, ул ҳамиша уламо ва мударрислар билан ҳамсуҳбат бўлуб тарих илмига моҳир бўлғони ҳолда “Тарихи хавонин” номлиғ бир асар ёзадур. Ва ҳам Комёб тахаллуси бирлан бир девон ёзадур. Аммо, Комёб ўз асарларида дунёи золим фалакдин шикоятлар қилиб, 1922 йил марҳум бўлдилар”.

9494 рақамли қўлёзмасида: “Комёб - Саййид Ҳомид тўра Саййид Муҳаммадхон ўғли.

Комёб – Саййид Ҳомид тўра Саййид Муҳаммадхоннинг кичик ўғли бўлиб, Саййид Ҳомид отасидан ёш қолгон ҳолда акаси Муҳаммад Раҳимхон тарбиясида камолға етиб, ул ёшлиғ хангомидин Хива олим ва фузалоларининг суҳбатларидин истифода этиб, ўзининг ақл ва фаросати билан онча маълумот орттириб, ўзига Комёб тахаллус этиб, бир девони комёб ижод этадур.

Саййид Ҳомид ёшлигидин тарих илмиға ҳавасманд бўлуб, муҳаббат ва ишқбозлик билан “Тарихи хавонин” номлиғ бир тарихий асар талғиф қиладур. Ул тарих жуда ҳам Хива уламо, машойих, умаро ва вузаро олдиға мақбули таъб бўлуб, Феруз доғи ул “Тарихи хавонин” китобини мутолаасидин ўтказиб, манзур қилғоч, котибларға фармойиш қилиб, нусхаларидин мутааддад қилдурди. Аммо, Комёбнинг ҳар бир шеър ва ғазаллари зоҳиран ошиқона бўлса-да, ҳақиқатда бир дарёи муҳитдурким, ғаввослар дуру жавохирлар териб олмоқлиқ учун ожизлик қилур эрдилар. Шундоқ бўлгон ҳолда ҳам Комёб ушбу золим фалакнинг ситамидин дод-

фарёдлар қилгон ҳолда муродиға етушолмай онча ҳасрату армонлар билан 1922 йил марҳум бўладур”, – деб ёзилган¹.

Асар нашрида: “Комёб. Комёбким Саййид Ҳомид тўра аҳволи:

Комёбким, Саййид Ҳомид тўра,
Онинг таъби шеъриким ажаб пурмаза.
Эрур шаҳзодаи комёб,
Онинг нуқтадонлиғидан бўлуб достони китоб,
Қилиб таълиф тарих, достоне,
Сухандонлиғида ҳар бир дурри маони.
Ёзиб бир Комёб девон асарни,
Китобат шавқида жонон асарни.

Комёб аҳволидин бир нуқта. Аммо, Комёбким, Саййид Ҳомид тўра Саййид Муҳаммадхоннинг олтиланжи ўғли бўлуб, ул Саййид Ҳомид отадин ёш, сағир қолиб, акаси Феруз Муҳаммад Раҳимхон тарбияси билан камолға етишиб, илм таҳсилини Хива уламо, мударрисларидин ўқиб, бир хейли маълумотли бўладур.

Комёб ёшлиғ замонасидин тарих илмига ҳаваскор бўлуб, доимо турлик тарихлар мутолаа қилиб, ҳамма вақтлар фикри-зикри тарих бўлур сабабли Комёб дағи Хива хонларининг аҳволоти хусусида бир тарихким, бир китоб таълиф этадур. Ва ҳамда Комёб тахаллуси бирлан “Девон” ҳам ёзиб, ўзидин асар колдирадур.

Аммо, Саййид Ҳомид тўра узун бўйлуғ, қора қова саққоллиғ бир содда, ҳар бир сўзларга ишонгучи бўлиб, ҳамма вақт ўз биродари уламо, мударрислар билан суҳбат қилиб, китоб мутолаа-музокира қилур эрди. Комёбнинг шеърлари ажаб бир дилкаш бўлиб, ҳар бир ғазали маъшуқона, ишқ муҳаббатдин бўлса-да, асли мақсуд ҳақиқатда бир дарёи илм муҳитким, илм ғаввослари ондин дуру жавоҳирлар териб олмоқлиғ учун ўз ожизлиғларин иқрор бўлур эрдилар.

Аммо, Комёб ҳамиша золим фалақдин додланган ҳолда Ферузнинг вузаро, амалдорларининг жабру ситамидин шикоятлар қилиб, додланиб турадур эрди. Комёб шундоғ тарихшунос бўлиб, дунёнинг сиёсатларидин ва онинг оқимларидин бохабар бўлиб турганлиғи аниқ маълум бўлиб турган эрди. Комёб охириги натижасида ҳасрат надомат билан тарих бир минг тўққиз юз дағи йигирма иккиланжи йили, тарих ҳижрий бир минг уч юз доғи қирқ-

¹ Лаффасий. Хива шоирлари ва адабиётчиларининг таржимаи холи. Ўз Р ФА ШИ. 9494 рақамли қўлёзма. 14а-варақ.

...кичи хибу ёлмончи зодим фалақдин додланиб, охират бўс-
томни сафар килмадур”, – деб шоирнинг юқорида зикр қилинган
сана билан санани келтирган¹.

Дарфасий таъкириси қўлэзмаларида гарчи Комёбнинг туғилиш
санаи кўрсатилмаган бўлса-да, унинг турмуш тарзи, феъл-атвори,
таъки кўриниши, дунёқарашининг шаклланиши, қизиқишлари
вад мўъом жихатлар юзасидан бошқа манбаларда учрамайдиган
бир-бирини тўлдирувчи эътиборли маълумотлар келтирилган. Ай-
ни ҳолда Саййид Хомид тўрани Саййид Муҳаммадхоннинг олтин-
чи ўғли деб таъкирлашни бир оз янглишдир.

Худди шунга ўхшаш англашилмовчилик “Шажараи хоразмшо-
ҳий” наشري муқофасида берилган шажарада ҳам мавжуд. Шажар-
да Саййид Хомид тўра “Санд Муҳаммад тўра-Комёб” деб зикр
қилинган². Шу шажара Д.Раҳим ва Ш.Матрасуллар қаламига ман-
суб “Феруз – шок ва шоир қисмати” рисоласига ҳам ўзгаришсиз
қилинган³.

Бу нашрдаги чалқаштикка Комёб “Девон”и нашрига ёзилган
қўлхатда ҳам дуч келамиз. Сўзбоши муаллифи: “Комёб, отаси
Саййид Муҳаммадхон вафотидан сўнг амакиси Муҳаммад
Раҳимхон (Феруз) кўлида тарбия топади”,-дея Ферузни Комёбнинг
аммакоти айлантариб кўяди⁴.

Комёбнинг ўли зикр қилишича, у Саййид Муҳаммадхоннинг
олта ўғлининг бешинчиси бўлган. Биринчиси – Муҳаммад
Раҳимхон – Феруз, иккинчиси – Саййид Аҳмад тўра, учинчиси –
Тўрамурад тўра, тўртинчиси – Аллоҳёр тўра ва олтинчиси –
Давлатёр тўра. Бобожон Тарроҳнинг келтиришича, Саййид
Муҳаммадхоннинг яна Чинижонбика исмли қизи ҳам бўлган⁵.

Сана била уч онадан туғилган бўлиб, уларнинг ичида Саййид
Хомид тўранинг бир ўғли бир онадан туғилган. Унинг ёзишича, бир
онадан бунга ўғил бўлганиги учун бўлса керак, отаси ака-укаларига
таъкирлашда унга кўрақ эътиборини қаратган.

¹ Саййид Хомид тўра тўра. – Урганч: Хоразм, 1992. – Б. 29.

² Саййид Хомид тўра тўра. Шажараи хоразмшоҳий. – Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти,
1994. – Б. 112.

³ Саййид Хомид тўра тўра. Шажараи хоразмшоҳий, на шоир қисмати. – Т.: Фафур Гулом номидаги
университет, 1994. – Б. 112.

⁴ Саййид Хомид тўра тўра. Шажараи хоразмшоҳий, на шоир қисмати. – Т.: Университет, 2002. – Б. 3.

⁵ Саййид Хомид тўра тўра. Шажараи хоразмшоҳий, на шоир қисмати. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1994. – Б. 42.

Д.Раҳим ва Ш.Матрасуллар Саййид Ҳомид тўранинг отаси Саййид Муҳаммадхон шажараси Саййидлар авлодидан бўлган Саййид атонинг ўғли Саййид Жаъфар Мусофирийга уланишини айтган. Лекин, ўша ўринда Мусофирийга оид батафсил маълумот берилмайди¹.

Мусофирий деган шахс тўғрисидаги мухтасар хабарга Али Сафийнинг “Рашаҳоти айн ул-ҳаёт”ида дуч келамиз. Муаллиф Мусофирийнинг исми ва кимнинг авлодиданлигини кўрсатмаган ҳолда хоразмлик эканлиги, Баҳоуддин Нақшбанднинг яқин шогирдларидан бири бўлганлигини ёзиш билан чекланган². Шу боис бу тўғрида бошқа сўз дейиш мушкул.

Комёб ўзи “Таворих ул-хавонин”нинг “Кўнғирот подшоҳларининг ва оларнинг авлодларининг зикри” деб номланган тўртинчи бобда Саййид ато ва унинг ўғли Ҳорун мирзо тўғрисида гапириб, уларни ҳам аجدодлари қаторида тилга олиб ўтади. Шунингдек, “Мунтахаб ул-воқеот”да оталарининг оналари Саййид Убайдулло эшон Ҳазораспий ва унинг оталари Хожа Саййид Боқир эшон бўлиб, Саййид Аҳмад атонинг авлодларидан эканлиги қайд этилган. Яна ўша ўринда ёзилишича, онасининг отаси кўнғирот уруғига мансуб бекларидан бўлган Шохниёзбек ва унинг отаси эса Шайхназарбекдир³.

Бундай мазмундаги қайд, мазкур асарнинг Саййид Муҳаммадхоннинг зикрига бағишланган фаслда ҳам учрайди. Муаллиф Саййид Муҳаммадхон томонидан Чинбойдаги Зорликхон бошчилигидаги кўзғолоннинг бостирилишини олқишлаб, бу ғалабани бежиз қўлга киритмаганлиги, унинг бунга Муҳаммад пайғамбар авлодларидан эканлиги туфайли эришганлигини куйидаги байтда ишора қилган:

Аз назди Ҳақ муаййя бо адл мулки сармад,

Султон Саййид Муҳаммад аз насли поки Аҳмад.

(3730/II, 147а-варақ)⁴

¹ Раҳим Д., Матрасул Ш. Феруз-шоҳ ва шоир қисмати. –Т.: Фафур Фулом номидаги нашриёт-матбаа бирлашмаси, 1991. – Б. 112.

² Сафий Али. Рашаҳоти айн ул-ҳаёт. ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейи фонди. 33-рақамли қўлёзма. 346-варақ.

³ Комёб. Мунтахаб ул-воқеот. ЎзР ФА Шарқшунослик институти. инв.3730/II. 280а-варақ. Ҳошия.

⁴ Бундан кейинги ўринларда Комёб асарларидан олинган иқтибосларнинг қўлёзма рақами ва варағи қавс ичида юқоридаги каби кўрсатилади.

Мазмуни:

Ҳақ олдида муайяд, алолат билан мулки абадий,
Султон Саййид Муҳаммад Аҳмад (Муҳаммад)нинг пок

наслидандир.

1865 йили отаси Саййид Муҳаммадхоннинг вафотидан сўнг Комёб етим қолади ва унинг кейинги тақдири акаси Муҳаммад Раҳимхон билан боғланади Феруз Саййид Ҳомид тўранинг тарбиясига алоҳида эътибор билан қараган.

Комёб Арабмуҳаммадхон мадрасасида ўз даврининг етук олимларидан турли фанлар бўйича таҳсил олади. Араб ва форс тилларини пухта эгаллайди. Унинг билим доираси ва дунёқарашининг кенгайишида, Феруз ташкил этган давлат сиёсатини юргизиш, унинг барқарорлиги ва келажакини таъминлаш, тараққий эттириш, халқ фаровонлигини ошириш, мамлакатнинг маориф, соғлиқни сақлаш ва бошқа қатор соҳаларига эътиборни қаратиши юзасидан давлат ва ҳукумат арбоблари ўртасида кечадиган суҳбат ва мубоҳасалар, шоир ва мусиқа билимдонлари иштирокида бўлиб ўтадиган адабий кечалар, шеърхонлик анжуманлари ҳамда мусиқа базмларига мунтазам қатнашиб боришнинг аҳамияти бекиёс бўлган. Ана шундай муҳитда вояга етган Комёб шеърятга қизиққан.

Комёб ўзининг илк шеърый машқлари ҳақида девонининг деб-бочасида мана бундай маълумот беради: “Ва менинг шоирликга ишқим кўблигини ул ҳазрати аъло хони Муҳаммад Раҳим Баҳодирхони Соний дома давлата эшитибдурлар ва менга хат машқ қилдурмоқ учун девонларидин бир устоз қилиб эрдилар, онга ойтибдурларким, Саййид Ҳомид тўранг ғазал машқ қилур эрмиш, онинг ойғон ғазалларидин келтургил? – деб. Мен ул ҳазратнинг ўзлари ойғон ғазалларидин бирин ҳамул вақтда мухаммас қилиб эрдим, они ул била ул ҳазратнинг хизматлариға йибордим. Ул ҳазрат они кўруб, зеҳни яхши эркон деб, буюрубдурларким, ойтғон ғазалларин келтур! – деб. Мен ойтғон ғазалларимни бериб йибордим. Ондин сўнгра ўзум ҳам салом бергали хизматлариға бордим. Кўрсам, менинг ғазалларимни мушоҳада қилиб ўлтуруб эрконлар, менга назарлари тушуб, илтифот юзидин кулуб, дедиларким: “Яхши шоир бўлғудек зеҳнинг бор эркон, ўлтур!” - деб меҳрибонлиғ қилдилар”¹.

¹ Комёб. Девон. ЎзР ФА Шарқшунослик институти. Инв. 1005. Дебоча.

Дебочада ёзилишича, Комёб ҳар бир шеърини Феруз назаридан ўтказиб турган. Акаси ҳам у келтирган янги шеърнинг ҳар бир мисраси устида мулоҳаза юритиб, маъно ва вазн сакталиги ёки ислоҳ қилиниши лозим бўлган ўринларни эринмай кўрсатиб борган. Ёш шоирнинг машқларни сусайтирмасликка даъват қилгæk. Шу билан бирга, Комёбнинг шеърини иқтидорини тарбиялаш учун ўша даврнинг энг кўзга кўринган шоирларидан бирини тарбиячи ва девон (котиб)лардан бирини иншо илмидан сабоқ бериш учун устоз қилиб тайинлайди¹. Булардан ташқари, Саййид Ҳомид тўранинг ўзи ҳам тинмай изланган ва шеърларини бошқа кишиларга ҳам кўрсатиб турган. Бу тўғрида қуйидагиларни ёзади:

Гаҳи илм аҳлиға ҳамсуҳбат ўлдим,
Гаҳи жуҳҳол ила ҳамулфат ўлдим...

(7717Л, 13а-14а-варақ.)

Комёбнинг отаси Саййид Муҳаммадхон ўз даврининг эшон ва шайхлари билан яқиндан алоқада бўлганлиги, уларга алоҳида эътибор билан караганлиги, мунтазам тарзда суҳбатлар қилиб турганлигини билдиради. Бундай муҳитда тарбияланган Муҳаммад Раҳимхоннинг турмуш тарзида ҳам сўфиёна ҳаёт белгиларини кўришимиз мумкин. Д.Раҳим ва Ш.Матрасулнинг ёзишича, Феруз уйда жуда оддий бўлиб, ҳар доим эски кийим кийган. Доим бўйра устида ўтириб намоз ўқиган ва Қуръони карим тиловат этишни қанда этмаган. Давлат ишлари билан машғул бўлгандагина шоҳона либос кийган².

Саййид Ҳомид тўра ҳам отаси вафотидан кейин, у билан мулоқотда бўлган эшон ва шайхлар билан алоқасини узмаган. Жумладан, “Таворих ул-хавонин”да: “Хусусан, эшони муршидон жамоасин дийдорларининг нуридин кўзларимни мунаввар, қалбларининг зикру санолари анворидин қалбимни равшан ва мубарҳан қилмоқ учун кўрмакка толиб ва суҳбатлари муборакларига роғиб эрдим”, – деб, суҳбат ва зикр тушиш маросимларида иштирок этган ўндан ортиқ яссавия, нақшбандия, кубравия сингари сулук шайхлари ҳақида маълумот келтирган. Лекин, ўзининг қайси сулукка эътиқоди кўпроқ эканлигини зикр қилмаган. Шундай бўлсада, унинг эътиқоди юзасидан хулоса қилишда “Мунтахаб ул-

¹ Дебочада шоирнинг исми кўрсатилмаган.

² Раҳим Д., Матрасул Ш. Феруз-шоҳ ва шоир қисмати. – Т.: Фафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа бирлашмаси, 1991. – Б. 63.

вокеот”да Мунис қабрини зиёрат қилгани борганлиги тўғрисида ёзгани эътиборли. Комёб: “...Фақир ул-ҳақир рамъаси ила шафоат ул-Аҳмад Шермуҳаммад мулаққаб бил Муниским, бихуруфи рақами мин-ал мавзу ташрифиди мақоми ҳузуъ ва тазарруъда ҳозир эрдим... Мен фақир камтарин, каминаи маоб – Комёб ҳам моҳи шавволнинг аввалида, буғдой хирмони мавсумида, сана минг уч юзда (1882-1883) ул остони шариф зиёратлариға мушарраф бўлуб эрдим, шул жиҳатдин ҳамул қитъа нисфини ихтиро қилиб ёздим”, – дейди ва 33 мисрадан иборат қитъани ҳавола қилади.

Айтилганларидан муаллиф зиёратга алоҳида рухий тайёргарлик ва ихлос билан борганлиги англашилади. Шу сабабли у қитъада дастлаб Мунисни кўтаринки сўзлар билан ёдга олади ва шундан сўнг унга бағишлаб қитъа ёзади. Қитъада Комёб, Мунис руҳига хаёлан мурожаат қилиб:

Хожа Аҳмад пиринг, жорубкашинг Саййид ато,
Санга мундоқ мартаба берди Худойи бениёз, –
дейди. Кейинги мисраларда муаллиф Мунисни ўзининг маънавий раҳбари деб ҳисоблаб, мана бундай мурожаат этган:

Комёбни бир муридинг силкида айлаб қабул,
Мўътабар қил дарғаҳингда, деб килурман арзи роз...

Навбатдаги мисраларда Мунис уни ўз муриди қаторига қабул қилиши, рад этмаслиги учун яссавия тариқатининг асосчиси Аҳмад Яссавий ва шу тариқатнинг машхур шайхларидан Ҳаким ато ва Саййид атоларга илтижо қилиб, мадад сўрайди:

...Ё пирим хожа Аҳмад, қил мадад аҳволима,
Йўқса шайтон мулки ақлим ичра солди турктоз.
Ё пирим Ҳаким атову ё пирим Саййид ато,
Айлаб алтофлар этинг сўфи малоз.

(3730/П, 226-варақ ҳошия)

Бу билан Комёб Муниснинг Хива ҳукмдорлари саройида ҳаммиша юксак қадрланган ақлу заковати, инсоний фазилатлари, иқтидори ва асарларига бўлган эҳтироми боис, рамзий маънода уни ўша даврнинг “пири” деб ҳисоблаган.

Умуман, Комёб асарларидаги қайдларга кўра, ўз даврида Хоразмда мавжуд бўлган барча тасаввуфий тариқат вакиллари билан доимий мулоқотда бўлиб турганлиги, фикрларидан озикланганлиги, айни чоғда унинг яссавия тариқатига эътиқоди кўпроқ эканлиги ойдинлашади. Шоирнинг мазкур тариқатга бўлган эъти-

коди энг аввало, шажаравий томондан отаси Саййид Муҳаммад-хоннинг онаси яссавия шайхларидан Саййид ато авлоди бўлганлиги билан боғлиқ деб ўйлаймиз.

“Таворих ул-хавонин”да ёзилишича, Саййид Ҳомид тўра хон фарзанди бўлишига қарамай, ўзига берилган ўн беш таноб ерида деҳқончилик қилиш билан кун кечирган.


Комёб давр анъаналарига кўра, ҳовлисининг олдида жомеъ масжидли бир мадраса, Алоиддин хўжанинг жаворида масжид ва хонақоҳли қорихона, Ҳалимбой мавзесидаги Қиличбой тавофида бир масжид қурдирганлиги, у ерда талабаларга билим бериш учун малакали устозлар ҳамда уларнинг хизматига лойиқ ҳақ тайин қилганлигини ёзади¹. У қурдирган мадраса тўғрисидаги маълумот Ўзбекистон Республикаси марказий архиви 125-фсд 1-тавсиф рўйхати 596-йиғма жилдда сақланмоқда. Комёб қурдирган мадраса “Мадрасайи Саййид Ҳомид тўра” деган ном билан зикр қилиниб, мадраса ишларига масъул бўлган шахсларнинг номи ҳам илова қилинган.

Комёб “Таворих ул-хавонин”да оиласи ва фарзандлари бўлганлигини ёзган. Юкорида Лаффасий берган маълумотларда кўриб ўтганимиздек, Саййид Ҳомид тўра дунё сиёсати, унда юз бераётган ўзгаришлардан яхши хабардор бўлиб турган. Шу боис фарзандларининг билим олишига эътибор билан қараб, уларни замонавий таълимга асосланган жаид мактабларига берган. Лекин, ҳозирча бирор ўринда шоирнинг оила аъзолари ва фарзандлари тақдири тўғрисидаги маълумотни қўлга кирита олмадик.

Шоирнинг вафоти билан боғлиқ санада ҳам ноаниқлик мавжуд. Жумладан, Лаффасий тазкирасининг барча нусхаларида Комёбнинг вафоти санаси 1922 йилга тўғри келиши эътироф этилган. Айни шу сана кейинги тадқиқотчилар томонидан ҳам тасдиқланган². Э.Мадраҳимов эса: “...Муҳаммад Раҳимхон вафоти (1910 йил) Комёб руҳиятига қаттиқ таъсир қилди ва оғир касалликка чалиниб, 1911 йил оламдан ўтди”, – деб бутунлай янги маълумотни ўртага

¹ Қаранг: Комёб. Таворих ул-хавонин. ЎзРФА Шарқшунослик институти. Инв.7717/Л. 1966-197а-варақлар.

² Лаффасий. Тазкираи шуаро. – Урганч: Хоразм, 1992. – Б. 29; Комёб. Девон. – Т.: Университет, 2002. – Б. 4; Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқ кўлэмалари каталоги, 7-жилд. – Т.: Фан, 1964. – Б. 40; Хоразмда битилган кўлэмалар / Тузувчи Г. Мапарилова. – Т.: Шарқшунослик институти, 1997. – Б. 16.



ташлаган¹. Ваҳоланки, Комёб: “Мунтахаб ул-воқеот”ни фи санайи (ҳижрий) минг уч юз қирқ тўртинчи сиғир йили (1925-26) моҳи раби ул-аввалнинг ўн олтисида сешанба куни эрди тамомладим”, – дейди². Ушбу далил, шоир бу даврда ҳали ҳаёт бўлганлиги ва унинг 1925-26 йилдан сўнг вафот этганлигини кўрсатади. Лекин, ҳозирча аниқ санаси борасида бирор сўз айтиш қийин. Шу боис шоир вафоти санасини 1926-1930 йиллар оралиғига тўғри келади деб ўйлаймиз.

Ушбу фаслдаги тадқиқот ва илмий кузатишлар натижалари қуйидагича умумлаштирилди:

1. Саййид Ҳомид тўра ибн Саййид Муҳаммадхон - Комёб 1861-1926/30 йиллар оралиғида Хивада яшаб, акаси Муҳаммад Раҳимхон раҳнамолигида вояга етган.

2. Комёб шеърий иқтидорининг шаклланишида хон ташкил қилган шеърият ва мусиқа билимдонлари иштирокидаги анжуманларда иштирок этишининг аҳамияти катта бўлган.

3. Шоир ўз дунёқарашини кенгайтиришга ҳаракат қилган, дунё сиёсатидан хабардор бўлишга интиланган, аждодларининг ўтмишини билишга қизиққан. Шу боис тарих соҳасига оид китоблар ва шу соҳанинг билимдонлари билан доимо мулоқотда бўлишга ҳаракат қилган. Улар билан баҳслашиш, мунозарага киришиш асносида ўз билимларини бойитишга интиланган.

Шоир асарлари қўлёзмаларининг монографик тавсифи ва манбалари

Комёбдан бизга битта шеърий девон, Хоразм тарихига оид “Таворих ул-хавонин”, “Мунтахаб ул-воқеот” каби тарихий асарлари ва XIX аср охири XX аср бошларида Хоразмда юз берган табиат ўзгаришлари тўғрисида маълумот берувчи эсдаликлар етиб келган.

Д.Раҳим ва Ш.Матрасул, Лаффасийнинг кейинчалик берган гувоҳлигига таяниб ёзишича, Саййид Ҳомид тўра “Тўрахоним” номли бошқа бир тарихий асар ҳам битган. Асар Ферузга маъқул

¹ Мадрахимов Э. Комёб / Хоразм ҳақиқати, 1991. 31 авг.

² Комёб. Мунтахаб ул-воқеот. ЎзРФА Шарқшунослик институти. Инв. 3730/II. 294а-варақ.

тушган ва ундан бир неча нусха кўчирилган. Лекин, ҳозирга қадар унинг қўлёзмаси топилган эмас¹.

Шуни қайд этиб ўтиш лозимки, Лаффасий тазкираси қўлёзмаларининг барчасида Комёбнинг фақат битта тарихий асари ва девони борлиги айтилган. Бу қўлёзмаларда ўша тарихий асарнинг номи “Тарихи хавонин” деб кўрсатилган. Фақат тазкиранинг 12561 рақамли қўлёзмасида асар дастлаб “Тарихи хавонин” дейилса, иккинчи ўринда “Таворихи хавонин” деб қайд қилинган. Тазкиранинг нашрида эса, тарихий асарнинг номи тилга ҳам олинмаган.

Бизнингча, Лаффасий Д.Раҳим ва Ш.Матрасулга Комёбнинг иккинчи асари номи юзасидан гувоҳлик бераётганда, асар “Мунтахаб ул-воқеот” деб аталишидан хабардор бўлмаган кўринади. Боз устига, бир асар икки ном билан айтилган ҳолда ҳам, Комёбни иккинчи тарихий асарининг ёзилиш санаси билан шу сана юзасидан Лаффасий берган гувоҳликда номувофиклик мавжуд. Яъни, Лаффасий Муҳаммад Раҳимхон унинг иккинчи асарини кўрган деб айтади. Асар муаллифининг қайдларига кўра бўлса, “Мунтахаб ул-воқеот” Феруз вафотидан сўнг ниҳояланган.

Д.Раҳим ва Ш.Матрасул келтирганларининг шу жиҳати эътиборлики, унда Лаффасий ушбу маълумотни қайси йилда ва қандай шаклда берганлиги айтилмаган. Шунингдек, иккала муаллиф ҳам Лаффасий сўзлари билан тазкира қўлёзмаларидаги маълумотлар ўртасидаги тафовутлар тўғрисида ҳеч нарса демаганлар.

Бизнинг хулосамизга кўра, шу ўринда Лаффасий берган маълумотлар унинг хотираси заифлашган вақтига тўғри келиб, у “Тўрахоним” деб “Таворих ул-хавонин” номини чалкаштириб юборган ва девондан кейинги иккинчи асарни, иккинчи тарихий асар деган фикрга борган. Чунки, тазкира қўлёзмаларининг бирортасида ҳам асар номи “Тўрахоним” шаклида учрамайди. Шунингдек, бу берилган маълумот ёзма бўлса, “تواريخ خوانين” сўзлари (бадхатлиги сабабли) Д.Раҳим ва Ш.Матрасуллар томонидан “Тўрахоним” тарзида нотўғри талқин қилинган.

Шуни ҳам айтиш лозимки, Комёбнинг ўзи бу икки асаридан ташқари “Равзат ус-сафо” сингари йирик ҳажмдаги тарихий асар ҳам яратиш нияти борлигини билдирган бўлса-да (3730/II, 282а-

¹ Раҳим Д., Матрасул Ш. Феруз – шоҳ ва шоир қисмати – Т.: Фафур Гулом номидаги нашриёт-матбаа бирлашмаси, 1991. – Б. 77.

варақ), унинг бу нияти амалга ошган ёки ошмаганлигини билдирувчи бирорта маълумотга эга эмасмиз.

Комёб ёшлигидан Феруз ташкил қилган шеърят анжуманларида иштирок этиб, шеър машқ қилиб турган ва ўн саккиз ёшидан жиддий тарзда шеър ёзишга киришган. Шоир девонига 6000 мисрадан зиёд ўн етти шеърый жанрга оид асарлари кирган.

Саййид Ҳомид тўра девонининг юзага келишига оид қайдларни қуйидагича баён қилган: "...Ул ҳазратнинг илтифотлари партавидин таъйим ганжи равшан бўлуб, шеърим фил-жумла ўткон шоирларнинг шеъри қатори силкига кирди...". Шундан кейин:

"... Уч йилда тамом бўлдики бу девони,

Тўккуз жуз эди, китоб этдим они.

Ҳар ким муни таърихин билмак истар,

Мисраъда ўкуб "Жоми жам" ўлғай имкони..." –

(3730/III, 179 б-варақ)

деб, ёзилган шеърларини маълум маънода тартибга солиб қўйганлиги тўғрисида хабар беради ва бу билан ҳали девон тўла талаб даражасига етмаганлиги, иш давом этаётганлигини маълум қилади. Буни: "Ондин сўнграғи иншо эткон абётларимни ҳам аросига ёздим ва ҳоло онга дебоча ибтидоъсин ибтидоъ қилғонимда ўтгуз уч ёшдаурман", – деб дебоча ёзишга киришганлиги қайд этувчи сўзлар ҳам тасдиқлайди. Ўша ўринда бу воқеа ҳижрий 1310 йилда содир бўлганлигини зикр қилинган.

Айтилганлардан қуйироқда ҳижрий 1323 йили Комёб Муҳаммад Раҳимхон ҳузурига масжид ва мадраса қуриш учун ер сўрагани борганлигини ёзади. Ер олишга ижозат берилгандан сўнг, хон унинг ижодига қизиқиш билдиради ва шеър машқини давом эттиришга даъват қилади. Шунга кўра шоир бир қанча ғазал, мухаммас, мусамман, қасида ва муаммо жанридаги шеърларни битганлигини ёзиб, қуйидаги қитъа орқали тасдиқлайди:

Амри олийи шоҳ вожибдурур раъйят аҳлига,

Шул сабабдин доғи шеър ишига журъат айладим.

(3730/III, 184а-варақ)

Худди шу маълумотни қувватловчи байтга шоирнинг "Айлади" радифли ғазалида ҳам дуч келамиз. 3730 рақамли қўлёзманинг ҳошиясида ушбу ғазал ҳижрий 1323 йилда ёзилганлиги қайд қилинган:

Тойири шеър ошени дилдан этмиш эрди рам,
Амри олийи шоҳ била доғи маъво айлади.

(3730/III, 184а-варак)

Булардан Комёб 1310 йилда дебочани ёзишга киришганлигини ёзган бўлса-да, том маънодаги девонга тартиб бериш ишни 1323 йилда 44-45 ёшларга кирганда ниҳоялаган деб хулоса қилиш мумкин¹.

Комёб девонига илк машқларидан тортиб девон тартиб берилганга қадар турли даражада ёзилган шеърлари жойлаштирилган.

Саййид Ҳомид тўра “Мунтахаб ул-воқеот”да девонини “Тумор ул-ошиқин” деб номлаганлигини ёзган². Лекин, девон икки қисмдан иборат бўлиб, дебочада биринчи қисми “Тумор ул-ошиқин”, иккинчи қисми “Анис ул-ошиқин” деб номланиши айтиб ўтилиб, “Тумор ул-ошиқин” номи девоннинг умумий ва ички бўлинган қисмларига ҳам тааллуқлими, деган саволга жавоб берилмаган:

Девоннинг “Тумор ул-ошиқин” қисмидаги ғазалларнинг барчаси беш байтгли бўлиб, араб алифбосидаги 28 ҳарф ва “лом-алиф” ҳарф бирикмаси иштирокида радиф ҳосил қилинган.

Шоир ижодида ғазал етакчи ўринда туради. Шунингдек, Комёб девонига қасида, маснавий, мустазод, мухаммас, мусаддас, мураббаъ, мусамман, таркиббанд, таржиъбанд, рубоий, қитъа, туюқ, муаммо, чистон, фард, таърих каби жанрдаги асарлари ҳам кирган.

Ғазалларнинг аксари анъанавий 5 ва 7 байтгли бўлиб, 9 ва 13 байтлилари ҳам учрайди. Маснавий жанридаги шеърлари 2 байтдан 126 байтгача ҳажмда.

“Анис ул-ошиқин” қисмидаги ғазаллар араб-форс алифбосидаги “пе”, “жим”, “гоф” ҳарфидан ташқари, барча ҳарфларга, шунингдек, “лом-алиф” ҳарфий бирикмасига ҳам алоҳида радиф ҳосил қилинган

Комёб шеърларининг асосий қисми ўзбек тилида. Шунингдек, форсча 3 та ғазал, 1 та мухаммас, 1 та фард, ҳамда 1 та муламмаъси ҳам бор. Ғазаллар ичида тематик жihatдан бир мавзунини очиб бе-

¹ Ҳ.Исломий ҳеч қандай асос кўрсатмаган ҳолда шоир 36 ёшда девон тартиб берган деган хулосани билдиради. Қаранг: Комёб. Девон / Нашрга тайёрловчи Б.Абдуллаева. – Т.: Университет, 2002. – Б. 3.

² Комёб. Мунтахаб ул-воқеот. ЎЗРФА Шарқшунослик институти. Инв. 3730/ II. 281а-варак.

ришга қаратилган якпора-яхлит ғазаллар катта қисми ташкил этади. Девонда кўпроқ анъанавий мавзудаги шеърлар учрайди.

Шоирнинг шеърӣ меросини ўзида жамлаган девоннинг тўртта қўлёзма нусхаси ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти хазинасида 2627, 3730/IV, 1257, 1005 рақами билан, шунингдек, бир нусхаси Россия ФА Шарқшунослик институти хазинасида В 2324 (Nov 1513)¹ тартиб рақами остида сақланади. Булардан ташқари, Комёб шеърларидан намуналар Лаффасий тазкираси нусхаларида ҳам учрайди. Ўтироф этиш ўринлики, Комёб асарларидан намуналар кейинчалик Лаффасий томонидан тузилган тазкира нусхаларини ҳисобга олмаганда, ўша даврда шахсан Феруз бошчилигида хон оиласига мансуб ижодкорлар асарлари асосида чоп этилган “Ҳафт шуаро” ёки Хоразм шоирлари тўғрисида маълумот берувчи Аҳмаджон Табибий тазкираси ҳамда ўнлаб баёзлар тузилган бўлса-да, уларнинг бирортасида учрамайди. Бундай ҳолнинг юз беришини бир қарашда шоир асарларининг ғоявий-бадий жиҳатдан саёзлиги, у қадар машҳур эмаслиги ёки бошқа бирор сабаб билан боғлай олмаимиз. Тўғри, Комёб шеърларининг ҳаммаси бирдек юқори даражада деб бўлмайди. Дебочада қайд этилганидек, девонга шоирнинг илк машқлари ҳам киритилган. Лекин, Табибий ва Лаффасий тазкираларида Умидий, Равнақий, Иноятулло сингари ўша вақтда у қадар кўп шеър ёзмаган, шу билан бирга у қадар истеъдоди баланд бўлмаган кўпгина шоирлар тўғрисида сўз юритилган ва ғазалларидан намуна келтирилган. Шунингдек, Хоразмда тартиб берилган ўнлаб баёзларда мазкур шоирларнинг шеърларидан энг камида биттадан намуна учрайди. Айни чоғда Ферузнинг иниси бўлишига қарамай Комёб ва ўғли Фаррух шеърлари ўша даврда хон буйруғига кўра тузилган баёзларда ҳам йўқ. Агар Асфандиёрхон шеърлари ўзининг даврида тузилган баёзларга кирмай қолганида, буни унинг каттиққўллиги ёки бошқа бир сабаб билан изоҳласа бўлар эди². Ваҳоланки, ўша баёзларга Носирий, Оқил сингари хон оиласига мансуб кичик авлод вакиллариининг шеърлари жалб этилган. “Ҳафт шуаро” номи билан атала-

¹ Қаранг: Дмитриева Л.В. Описание тюркских рукописей института Востоковедения. III том. – М.: Наука. 1980. – С. 131-132.

² Мисол учун ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейидаги 582-рақамли қўлёзма баёз Феруз кўрсатмасига асосан тузилганлиги қайд этилган.

диган тўплам ҳам Феруз буйруғи билан юзага келган бўлиб, унда эса Фаррухнинг фақат 17 та шеъри мавжуд¹.

Буларга қарамай, ҳозирда Комёб девонининг бешта қўлёзмаси ва шеърларидан намуналар кирган Лаффасий тазкираси нусхалари маълум. Қуйида шоир лирик мероси манбалари ва уларнинг матн хусусияти тўғрисида маълумот берамиз.

1) Комёб девони қўлёзмасининг Россия ФА Шарқшунослик институти фондида сақланаётган нусхаси тўғрисида Л.В.Дмитриева томонидан тайёрланган феҳристонда мана бундай маълумот берилди: “Девон. 1298/1880-81 йилларда тузилган. В 2324 (Nov 1513), 02+123+007 варақ (1236-1306 варақларда матн ёзилмаган); 20,5X12,2; 13,5X7;17.

Қўлёзма дебочасиз кўчирилган. Унга қасида (16-11а), ғазал (116-92а), маснавий (926), мустазод (926-93а), мухаммас (936-103а), мусаддас (1036-107а), мусамман (1076-111а), таржиъбанд (116-1176), рубой (118а-1186), туюқлар (119а), муаммо (119а) киритилган. Девоннинг тузилиши ва жамланган шеърини жанр турлари тўғрисида маснавийда айtilган (121а-123а).

Бошланиши: (16)

Бисмиллоҳир раҳмонир раҳим,

Кўнглум уйида бўлуб ишқ муқим.

1304/1886-87 йил. (123а) Ўрта Осиёда кўчирилган. 16-варақда араб ва рус ёзувида муҳр босилган: “Отабек тўра кутубхонаси”. 2-варақда А.Н.Самойлович томонидан ёзилган: “Хивалик шоир Отабек тўрадан эсдалик” деган сўзлар бор. Колл.: Самойлович, 1927 й. Рус қоғози. Қора сиёҳ. Настаълик. Муқоваси Ўрта Осиёники, картондан². Ушбу қўлёзма нусхаси тўғрисида Н.Ф.Ҳофман “Turkish literature a bio-bibliographical survey” китобида ҳам маълумот келтиради. Унинг берган маълумотлари айни Л.В.Дмитриева тузган феҳристондагига ўхшаш³.

Қайд қилинганидек, қўлёзма дастлаб Комёбнинг опаси Чинижон беканинг ўғли, яъни жияни Отабек тўранинги кутубхонасига тегишли бўлиб, кейинчалик соҳиби уни А.Н.Самойловичга совға қилган. Бундан Комёб асарларининг бир нечта нусхаси унинг

¹ Қаранг: ЎЗР ФА Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейидаги 36-рақамли босма китоб.

² Дмитриева Л.В. Описание тюркских рукописей института Востоковедения. – М.: Наука, 1980. – С. 131-132.

³ Hofman H.F. Turkish literature a bio-bibliographical survey. Utrecht 1969. – P. 18-19.

яқин қариндошларининг шахсий кутубхоналарида сақланган, деб хулоса қилиш мумкин.

Тавсифдаги маълумотларга таянган ҳолда шуни айтишимиз мумкинки, мазкур нусха шоирнинг ўз қўли билан ёзилган ва девоннинг ҳали тугалланмаган ҳолатдаги мусаввада нусхаларидан биридир. Фикримизни шоирнинг ўзи дебочада шеърлари тўққиз жузь ҳолида бўлганлиги ва уларни тўплаб девон ҳолига келтирганини айтганлиги қувватлайди. Буни Л.В.Дмитриева келтирганидек, дебочанинг йўқлиги, бошқа нусхаларда мавжуд айрим шеърӣ жанрларнинг учрамаслиги, мавжудларининг девон талабига асосан жойлаштирилмаганлиги ҳам тасдиқлайди.

2) 3730/IV рақамли қўлёзма қора сиёҳда ўртача катталиқдаги настаълик ёзувида. Қўлёзма жами 311 варақ. 15X22 см. ўлчамда.

Унинг деярли ҳар бир саҳифаси ҳошиясига кейинчалик майда хат билан қўшимчалар киритилган. Шуни ҳам айтиб ўтиш ўринлики, ушбу қўлёзма Комёбнинг тўртала асарини ҳам ўз ичига олган бўлиб, барчаси бир хил ёзувда кўчирилган. Шунингдек, бошқа асарларига ҳам кейинчалик баъзи ўзгартиришлар киритилган бўлиб, улар ҳам бир хил ёзувда.

Девоннинг ушбу қўлёзма нусхаси муаллиф дастхатига тегишлидир. Бунга далил эса “Таворих ул-хавонин”нинг ҳошиясида “Мунтахаб ул-воқеот” асари ёзилганлиги ва уни мукамал тарзда кўчиришни истаган киши биринчи китоб муқаддимасини қўшиши лозимлигини таъкидловчи сўзлар бўлиб, улар айнан муаллиф тилидан айтилганлигидир. Бундан ташқари “Таворих ул-хавонин” дебочаси тугаган вараққа босилган муҳр ҳам фикримизни қувватлайди. Муҳрда “Шаҳзода Ҳомид Комёб ибн Саййид Муҳаммадхони олижаноб” сўзлари битилган.

Девоннинг 311а-варағига котиб томонидан: “Сана минг уч юз эрди ва моҳи шавволда эрди, бу китоби назокатмаоб ибтидосига шуруъ қилиб эрди ташовиш сабаб даврни ихтитоми сана минг уч юз ўн учда моҳи рамазонда эрди, эмди доно ва шуаро ва фузало аҳлидин умид илтимос улким ҳар жойда саҳву ҳатоси бўлса, июнат юзидин афвиға қўшиш қилиб, карам илки била лутф хомасин анинг ислоҳида саъйи кўшишни дариф тутмағайлар. Омин, ё роббал оламин, бираҳматика ё арҳамар роҳимин. Сана ҳижрий 1313”,-сўзлари битилиб, қўлёзманинг ниҳояланган вақти зикр қилинган. Бу эса юқорида шоирнинг девон тартиб берган санасига мувофиқ келмай-

ди. Бизнингча, бу сана Комёб томонидан шеърларини девон ҳолига келтириш йўлидаги амалга оширилган ишларга оид қайдлардир. Чунки, девоннинг ниҳоясига етганлигини билдирувчи сана 1323 йилга тўғри келади. Шунга асосан ушбу қўлёзманинг ҳам ниҳояланган санасини 1323 йил деб хулоса қиламиз.

Девон 173а-311а-варақларда жойлашган. Қўлёзманинг 296 б-варағигача ҳошияда “Мунтахаб ул-воқеот”, асари ёзилган ҳошиянинг баъзи очиқ қолган ўринлари ғазал, маснавий, мухаммас ва изоҳлар билан тўлдирилган.

172б-варақда муъаққад санъатига асосан ёзилган ғазал учун айлана ёйсимон жадвал чизилган. Лекин, жадвал ичи бўш қолган.

173а-варақ қуйидаги маснавий билан бошланади:
ثنا و حمد اول تنگريغه بولسون

178а-184б дебеча, 186а-193а-варақларда “Тумор ул-ошиқин” ўрин олган. 193а-варақдан девоннинг “Анис ул-ошиқин” қисмига кирган ғазаллар бошланади.

266а-270а-қасида, 270а-280а-маснавийлар, 280а-281б- муста-зод, 281б-291б-мухаммас, 291б-293б-мусаддас, 294б-295б-мураб-баъ, 295б-298а-мусамман, 298а-300б-таркибанд, 300б-305б-тар-жеъбанд, 305а-рубойи, 305б-қитъа, 306а-туюқ, 306б-муаммо, 307б-чистон, 308а-фард, 308а-310б-маснавий. 310б-варақда хотима билан тугайди.

Шунингдек, бир қанча ғазал бутунича ҳошияга битилиб, улардан айримларининг ёзилган санаси кўрсатиб борилган. Масалан, 175а- варақда حقيقت نوريدور انده اعيان изоҳ берилган يعنى تصوير قدرت نوري. Бу билан котиб ушбу мисрадаги маънога ойдинлик киритиб, ўқувчи унда Тангрининг мусаввирлик кудрати тўғрисида сўз бораётганлигига эътибор қаратиши лозимлигини билдиришга ҳаракат қилган.

176б-варақдаги ғазалнинг қуйидаги мисрасига ҳам қўшимча мисра киритилган
ميسرا سمن ليک ايچره يکتا
تمام عضای ابدانی ايورر خوب

Ёки:

فغان سنگين اورار من تارتیبان آه تيشين ياد ايلاسم سينمگا ناگاه

Ёнига қуйидаги мисра ҳошияга ёзиб қўйилган

فغان ايلاب سماع سمين اوتسم سوزين سماع ايترگا گوش توتسم

194а-варақнинг ҳошиясига 7 байтдан иборат
194а-варақнинг ҳошиясига 7 байтдан иборат
деб кўридим اول جانان نى بار مفتاح رضوان ايلکيدا

1976-бетдаги мисрадаги تولدوروب جام قدح نی سوندی منگا اول پری کуйидагича мисра ҳосил қилинган: تولدوروب جام قدح نی سوندی منگا ناز ایله سۆзи кейинчалик қўшиб اول پری

2016-варақда:

ناز برله عارضینگدین ای پری الّغیل نقاب تا سخاب هجر کیتگای چهر، آچغای آفتاب

Байтининиг устига بدل ёзилган

هجر ابرین رفع ایّیب کورگوز عذاری

عارضینگدین ای پری ناز ایلابان

деб ёзилган.

ای ذات پاک سنگا لزوم بقا بقا ёзилган. Ғазалнинг яратилган вақти ҳижрий 1311 йилга тўғри келади.

Қуйидаги мисралар билан бошланувчи ҳошияда битилган ғазалларнинг барчаси 1323 ҳижрий йилда ёзилганлиги қайд этилган:

7 байт لطف ایّیب کلیم ساری ای یار جان خوش کیلینگیز

7 байт ای شوح که کیلدی ایشلمی عید

9 байт عرض تواز من عشرت شب گل میشود

7 байт ای شوح کونگلوم ایچره که عشقینگ مقیمور

7 байт اول پری جمالین مجلس آرا ایلدی

Мана бу мисралар билан бошланувчи ғазаллар ҳам ҳошиядан жой олган бўлиб, уларнинг битилган санаси 1324 ҳижрий йил деб кўрсатилган:

7 байт ای پری حسنینگ گلیدین دهر عجب نوروز ایرور

7 байт ناز ایله یاقیب کولوب من طرف ای مهربان

7 байт اول شوخ هجری شامیده بولمیش ایّدیم کوب تنگ بو کون

266а-варақгача саҳифаларнинг ҳошиясидаги очик жойларга ғазаллар киритилган ва қолган саҳифаларда “Мунтахаб ул-воқеот” давом этган.

266а-варақдан бошлаб қасидалар бошланади. Қасидалар қизил рангда ажратиб кўрсатилган. 266б-варақнинг ҳошиясига: دولتینگیزدین شهم بولدی همه گردون سوار деб бошланган маснавий ёзилган ва унинг охирида 1322 ҳижрий сана кўрсатилган.

270б-варақнинг ҳошиясига дастлаб бир ғазал ёзилиб, кейин кириб ўчирилган. Шу боис ўқишнинг имкони йўқ. 282а-286б-варақларнинг ҳошиясида муаллиф дастхатига мансуб кейинчалик битилган мухаммаслар учрайди. 286б-варақдаги мухаммас хира

рангда ёзилганлигидан ўқишнинг иложи бўлмади. 291а-варақдан мусаддаслар бошланади.

291б, 293а-294б-варақларда баъзи ҳарфлари бўялиб кетган. Масалан **دل کام** сўзининг коф ва мими, **غصه** сўзининг соди ва ҳаказолар.

293а дан 295б-варақгача мураббаълар, 295б-варақда мусамманлар, 295б-варақнинг хошиясида: **عارض اچيب بناگاه باقدينگ جهانہ دلير** деб бошланган мусамман ингичка ёзувда кейинчалик ёзилган. Девон қўлёзманинг жами 138 варағини банд қилган. 297а-дан 306б-варақгача хошия бўш қолиб, 306б-307а-варақларнинг хошиясига 2 та муаммо ёзилган.

3) 1257-рақамли қўлёзма қора сиёх билан настаълиқ хатида ипак қоғозга ёзилган. Матн зарҳал жадвал ичига олинган. Муқоваси картондан. Айрим варақларда намликдан доғ пайдо бўлган. Қўлёзма институт хазинасига келиб тушгандан кейин таъмирланган. 131-варақда девон соҳиби бўлган кишиларнинг муҳри босилган. Муҳрларнинг сони еттига. 142-варақдан иборат. Котибнинг номи кўрсатилмаган. Қўлёзма 1303 ҳижрий 1885-86 мелодий йили кўчирилган. Ўлчами 13X20,5 см.

Қўлёзманинг тузилиши: “Дебоча” 1а-7б-варақларга жойлашган. 8а-17а варақларда “Тумор ул-ошикин” ўрин олган. 17б-варақдан “Анис ул-ошикин” бошланади. 17б-86б ғазал, 87а-89а-қасида, 89б-99а маснавий, 99б-100б- мустазод, 101а-110б- мухаммас, 111а-113а-мусаддас, 113б-114б-мураббаъ, 115а-119а варақларда мусамман, 119а-121б-варақларда таркибанд, 121б-125а таржеъбанд, 126а-варақда рубоий, 126б-варақда қитъа, 127а-варақда туюк, 127б-128а-варақда муаммолар, 128б-варақда чистонлар, 128б-варақда фард, 129а-130а-маснавий, 132б-135б-мухаммаслар, 135б-137а-қасида, 137 а-142б-маснавий. Девон 142б-варақда ниҳоясига етади.

Ушбу қўлёзмада шеърлар миқдори мукаммал бўлмаса-да, айрим ўзига хос матний хусусиятлари мавжуд. Жумладан, 8а-варақда дастлаб **كونگنوم ارا بر كچه اميد اولوب** мисраси ёзилиб, сўнгра унинг тўғрисида хошияга **بدل** сўзи орқали мазкур мисранинг ўрнига куйидаги мисра келиши кераклиги билдирилган: **كونگنوم ارا راغب دين الهام اولوب**.

18а-варақдаги **كورديم اول جانان نى بار مفتاح رضوان ايلكیده** деб бошланган ғазал бутунича кейинчалик хошияга ёзилган.

206-варақдаги мисраси билан бошланувчи ғазалнинг иккинчи мисрасининг тўғрисида, қуйидагича қўшимча киритилган:
 قيا باقيب كه قاش كونگولگا شوق اوتين اوردينگ
 بودم ای ناز نينيم اوشبو انجامنگا سلما

246-варақнинг ҳошиясига *شکر بحددور خداغه کردی یاریم توش ارا* деб бошланган 7 байтли ғазал ҳошияга ёзилган.

26а-варақдаги *ليبين كام الديرم بو كيچه دفع خمار ايلاب* деб бошланган ғазалнинг 6-мисраси тушиб қолганлиги учун кейин киритилган. Киритилган мисра қуйидагича:

نيچه وقتلار انينگ هجرانیده اشفته حال ايريرم
 بو دم خرسند قلدی فلک الطاف یار ايلاب

526-варақдаги *كورگاج ای دلبر جمالينگدين تاپاركونگولم نشاط* деб бошланадиган ғазалнинг 3-мисраси бўяб тўғриланган.

55а-варақдаги *ای کونگیل زهد اهلی من دیب اورما لاف* деб бошланган 9 байтли ғазал ҳошияга ҳижрий 1312 йили ёзилган.

Яна шу бетнинг ҳошиясида *ای شوخ حسن خلقینگ بولمیش اوزینگه لایق* деб бошланган ғазал ҳам ҳошияга 1323 ҳижрий йилда ёзилган. 566-варақдаги 7 байтдан иборат *رشک اوتی باقعاچ کویدورور اغیارغه نهان کوزینگ* мисраси билан бошланувчи ғазалнинг 6-байти кейинчалик киритилган. Киритилган байт қуйидагича:

جان کونگیل کا شوق اوتین کورگاج که ساچدی ایلابان
 مژگان باشاق اوق باشین بر غمزه ایله خوبان کوزینگ

4) 2627-рақамли қўлёзма ҳафтранг фабрика қоғозига майда настаълиқ хатида тушунарли қилиб кўчирилган Девоннинг боши ва охирги қисмлари йўқ. Қачон кўчирилганлиги ҳам аниқ эмас. Китобнинг муқоваси таъмирланмаган. Варақлар бир-биридан ажраб, баъзи варақлар иккига бўлиниб кетган. Китобнинг умумий ҳажми 64 варақдан иборат. Матн 22х15 см

Қўлёзма *ای سینی ایگنینگ غه توشوب مشک ساچ* деб бошлаган ғазал билан очилиб, шеърлар қуйидагича жойлаштирилган: 36а-38а қасида, 38а-416-маснавий, 426-456-мустаназод, 456-486-мухаммас, 486-496-мусаддас, 496-50а мураббаъ, 506-54а-мусамман, 546-57а-таркиббанд, 57а-596-таржеъбанд, 59а-606-рубойи, 60а-варақда китъа, 606-616-туюқ, 616-62а-муаммо ва чистонлар, 626-636-маснавий, 64а-варақда таърих билан яқунланади.

5) 1005-рақамли қўлёзма оддий фабрика қоғозига майда настаълиқда қора рангли сиёҳ билан тушунарли қилиб кўчирилган.

Китобнинг ўлчами 15X25 см. Матн ўлчами 7X13,5 см. Ҳар бир бетга 14 қатордан матн жойлаштирилган. Пойгирлар қўйиб борилган. 160 варақдан иборат.

Бу қўлёзма ҳам юқоридаги сингари тузилган. “Тумор ул-ошикин”га кирган шеърлар бир-биридан “Радифи алиф”, “Радифи бо”, “Радифи то”, “Радифи со”, “Радифи жим” каби ишоралар қизил сиёҳда ёзилган. Шеърлар икки устун қилиб жойлаштирилган. Шунингдек, бошқа жанрдаги шеърлар ҳам алоҳида ном билан қизил сиёҳда ажратиб кўрсатилган. Улар “Қасида”, “Маснавиёт”, “Мухаммаслар”, “Мусаддас”, “Таржиъбанд”, “Қитъот” сингари кўринишда берилган. Баъзи ўринларда бир жанрга оид шеърларнинг навбатдагиси бошланишига “Валаҳу” ёки “Вала айзан” сўзлари ёзилиб, бу ҳам ўша турдаги шеър эканлиги билдирилган.

Девоннинг биринчи варағига “Китоби шаҳзода Комёб Саййид Ҳомиджон тўра. Фақир ул-ҳақир мулло Қурбонниёз Жирёнли ёзғучи” сўзлари битилган. Қўлёзманинг охирида эса: “Фи санаи минг уч юз йигирма олтида ражаб ойининг охирида ихтитом сарҳадиға етти. Эмди ушбу доно ва шуаро аҳлидин умид улким, ҳар жойда саҳву хатоси бўлса, иноят юзидин афуйиға кўшиш қилиб, қарам илки бирла лутф хомасин онинг ислоҳида сайю кўшишни дариг этмағайлар, омин ва ё Раббил оламин. Бу фақир ул-ҳақир ушбу китобни Саййид Ҳомид тўраамизнинг амри хоҳишлари бирла китобат қилиб тамом топилди. Ёзғучи фақир ул-ҳақир мулло Қурбонниёз ва мулло Паҳлавон¹ ибн домилло Муҳаммаджон Жирёнли ушбу амрлари бирла тағаййур ва табдил қилмай битқардим”, деган ёзувлар битилган. Бундан қўлёзма мулло Қурбонниёз ва мулло Паҳлавон – Комил Хоразмий томонидан Комёбнинг кўрсатмасига асосан кўчирилган ва унинг назаридан ҳам ўтган. Қўлёзмани икки қотиб томонидан битилганлигини ёзувнинг ҳар хиллигидан ҳам билса бўлади. Хусусан, девоннинг 84а-варағигача бўлган қисми майда ингичка настаблиқда чиройли қилиб кўчирилган. Шу варақдан бошлаб хат бироз йирик ва йўғонлашган. Қўлёзманинг биринчи саҳифасидаги ёзувда фақат мулло Қурбонниёз номининг қайд этилганлиги, матнни кўчиришни дастлаб у бошлаган ва мулло Паҳлавон давом эттирган деган хулосани беради.

¹ “Паҳлавон” Комил Хоразмийнинг лақаби. Бу тўғрида қаранг: Ҳожиева Р. Комил Хоразмий – хаттот ва ношир // Адабий мерос. – Т.: 1978. – № 11. – Б. 61-62.

Қўлёзмада шеърлар қуйидагича жойлашган: 1а-7а-дебоча, 8а-13а-маснавий, 13а-106б-ғазаллар, 106б-122а-маснавий, 122б-123б-мустаназод, 124а-137а-мухаммас, 137б-139б-мусаддас, 139б-141а-мураббаъ, 141а-147а-мусамман, 147б-149б таркибанд, 149б-154а-таржеъбанд, 154а-154б-рубойй 154б-қитъа, 155б-156а-туюқ, 156а-157б-муаммо. 157а-157б-чистон, фард, таърих, 158а-160б-маснавий, 160б-бет таърих ва хотима билан яқунланади.

Девоннинг биринчи котиб қаламига мансуб қисми анчагина хато ва камчиликлардан холи эмас. Бундай камчиликларни баъзан бир байт, баъзан сўз ва жумлаларнинг етишмаслигида кузатишимиз мумкин. Масалан, 15б- варақдаги:

ای لب لعلینگ بریبان جانغه فیض بردی داغی حال پریشان غه فیض

матлаъли ғазалнинг қуйидаги учинчи байти тушиб қолган:

هجر ارا گریان ایدی کوزلاریم بردینگ عجب ساغری دورانغه فیض

Бу камчилик кейинчалик иккинчи котиб томонидан тўлдирилган. Шунга ўхшаш тузатишни 29а-варақда ҳам учратамиз. Ушбу варақдаги:

آی و کون خجلتده دور اول گلعداریم نی کوروب بلبل هم خیرتده دور افغان زاریم نی کوروب
матлаъли ғазалнинг қуйидаги тўртинчи байти тушиб қолган:

بولمیشم وصلینگ شرابی آرزوسی صبحشام مرحمت اتگیل بو دم خماریم نی کوروب

Бу ҳам иккинчи котиб томонидан мукамаллаштирилган. Яна 44б-варақдаги:

آچیب جمالین ایگونگول کلبنگغه جانانینگ کیلور روشن کیلور غه بر کونی خورشید رخشانینگ کیلور
ғазалнинг қолдириб кетилган бир байти иккинчи котиб томонидан тўлдирилган.

Ушбу қўлёзма матнининг бошқа бир жиҳати шундан иборатки, унда котиб айрим шеър мисраларининг узунлиги боис бир радифли ғазалларнинг радифи такрорланишини эътиборга олиб баъзи ҳолларда тушириб қолдирган. Масалан, 45а-варақдаги “Келур” радифли ғазалнинг биринчи ва бешинчи байтларида радиф йўқ. Бу шеър матнининг аслида шундай сакталиқ билан ёзилганлиги боис бундай кўринишга эга бўлмай, балки юқорида биз қайд этган сабаб билан боғлиқ. Ғазал матнларининг шу шаклда кўчирилган ҳолларини 45а-варақдаги бошқа бир “Келур”, 49а-варақдаги “Эрур”, 51а-варақдаги “Хуш келдингиз” радифли ғазал матнида ҳам кузатишимиз мумкин. Бундай хусусият асосан қўлёзманинг биринчи котиб томонидан кўчирилган қисмига тегишли.

бойи, қитъа, туюқ, муаммо, чистон, фард, таърих жанридаги асарлар ўрин олган.

Ушбу қўлёзма нусха гарчи шоир ҳаётлик даври ва у яшаган муҳитда тартиб берилган бўлса ҳам, мукамал ва ижодкор шеърятини тўла қамраб олган дея олмаймиз. Хусусан, унда қасидалардан кейин 124 байтдан 4 байтгача бўлган еттита маснавий ўрин олган. Шунингдек, таърих жанридаги иккита шеърнинг ўртасида 3 та (биринчиси 47 байт, иккинчиси 2 байт, учинчиси 11 байт) маснавий жанридаги шеърлар жойлаштирилган.

6) Лаффасий “Хива шоирлари ва адабиётчиларнинг таржимаи холи” асарининг ЎзР ФА Шарқшунослик институтидаги 12561 рақамли қўлёзмаси қора сиёҳ билан настаълиқ хатида чиройли қилиб оддий бир чизиқли дафтарга кўчирилган. Қўлёзманинг 2а-варағида мундарижа бор. Котиби Ҳасанмурод Лаффасийнинг ўзи. Китоб 1945 йил 23 июнда яқунланган. Ўлчами 25х15 см. Қўлёзма 107 варақдан иборат.

Қўлёзмада Комёб 25 рақам билан белгиланиб, у тўғрисида 40а-б варақларда сўз боради. Лаффасий Комёб “Таворихи хавонин” асарини ёзганлиги ва “Девон” тартиб берганлигини айтиб, ижодига қуйидагича муносабат билдирган: “Аммо Комёб ёзгон шеърлари зоҳиран ишқ муҳаббатдин бўлса-да ҳақиқат маънида бир дарёйи муҳитдурким, илм ғаввослари андин мингларча маъни ҳосил этиб дуру жавоҳир ҳосил қилур эрдилар”.

У.Ҳамроев ва У.Каримовларнинг берган маълумотига кўра, ушбу қўлёзма 9494 рақамли А.Муродов нусхасининг юзага келишига асос бўлган. Мақола муаллифларининг эътироф этишича, 9494 рақамли қўлёзма А.Муродовнинг вақти қисқалиги боис тезлик билан кўчирилган ва айрим тушириб қолдирилган ўринларга ҳам эга. 12561 рақамли нусхага эса, 9494 да тушиб қолган маълумотлар ҳам кирган. Шу боис мақола муаллифлари уни “Имтиёзли” нусха деб атаганлар. Қўлёзма дастлаб Хивада сақланиб, 1974 йилда Шарқшунослик институти фондига олиб келинган¹.

7) Лаффасий “Хива шоирлари ва адабиётчиларнинг таржимаи холи” асарининг ЎзР ФА Шарқшунослик институтидаги 11499 рақамли қўлёзмаси оддий бир чизиқли дафтарга кўчирилган. Котиби

¹ У.Ҳамроев, У.Каримов. Хива шоирлари тазкирасининг нусхалари // Адабий мерос.-Т.: 1981. - № 4. - Б. 77-80. Бу мақолада 11499 рақамли қўлёзма матни хақида ҳам айрим фикрлар билдирилган.

Абдулла Болтаев. Кўчирилган санаси 1951 йил 7 сентябр. Ўлчами 25X15 см. Ҳажми 48 варак.

Лаффасий тазкирасининг ушбу қўлёзмаси матни юқорида кўрсатилган нусхасидан фарқ қилади. Котиб тазкиранинг бошқа нусхаларида бўлгани каби барча шоирлар ижодини қўлёзмага киритишни мақсад қилмаган. Унда фақат 45 та шоирнинг ҳаётига оид маълумот танлаб олинган. Ўз навбатида бу маълумотлар ҳам анчагина қисқартирилган. Шоирларнинг ижод намуналари кўрсатилмаган.

12561 рақамли қўлёздаги маълумотларда Комёбнинг ҳаёт йўли, ижодининг шаклланиши ва хусусияти юзасидан кенгрок маълумотларга ўрин берилган бўлса, бу қўлёзмага шоирнинг отаси, Феруз қўлида тарбия топганлиги, “Тарихи хавонин” асари ва девони борлиги ва 1922 йилда вафот этганлиги тўғрисидаги маълумотларгина киритилган.

8) Лаффасий “Хива шоирлари ва адабиётчиларнинг таржимаи холи” асарининг ЎзР ФА Шарқшунослик институтидаги 9494 рақамли қўлёзмаси сафсар рангли сиёҳда майда наъсталиқ хатида бир чизиқли дафтарга кўчирилган. Қўлёздаги қайдга кўра, Шарқшунослик институти ходими Абдуқодир Муродов томонидан 1951 йили август ойида Хивага қилинган командировка чоғида Хива музейи ходими А.Болтаев қўлида “Хива шоирлари ва адабиётчиларнинг таржимаи холи”нинг қўлёзмасини кўриб, ундан нусха кўчиришга рухсат олган. Ўлчами 16x27,5. 34 варак.

Унда 51 та хивалик шоир ҳақида маълумот берилган. Ушбу нусха матнидаги маълумотлар, асосан, Комёб ҳаёти, ижоди меросига таъриф бериш ва вафоти санасини кўрсатишга қаратилганлиги билан 12561 рақамли қўлёзма матнига яқин. Лекин, 9494 рақамли қўлёзда Комёб шеърятидан намуна учрамайди. Бу нусхада ҳам шоирнинг “Тарихи хавонин” ва девони борлиги айтилиб, шеърятига қуйидагича баҳо берилган: “Аммо Комёбнинг ҳар бир шеър ва ғазаллари зоҳиран ошиқона бўлса-да, ҳақиқатда бир дарёйи муҳит-дурким, ғаввослар дуру жавохирлар териб олмоқлик учун ожизлик қилур эрдилар”.

9) Лаффасийнинг “Тазкираи шуаро”си нашри. Комёб лирикасининг мукамал мундарижасини яратишда Лаффасий “Тазкираи шуаро”сининг 1992 йили Урганчда Полвонназир Бобожонов томонидан нашрга таёрланган нусхаси ҳам қимматлидир. Китобнинг

бошида “Нашрга тайёрловчидан” деб номланган қисмида ноширнинг ёзишича, Лаффасий 40-йилларда (XX аср назарда тутилмоқда – Ж.Ж.) Хива хони саройида ижод қилган шоирлар ҳақида маълумот тўплаган. 50-йилларга келиб Матёқуб Бобожонов бу маълумотларни мукамаллаштирган. Мазкур нашр М.Бобожонов томонидан мукамаллаштрилган кирилл ёзувида бўлган нусха асосида амалга оширилган. Ноширнинг бу сўзларидан М.Бобожонов тазкирани мукамаллаштиришда юқорида кўриб ўтилган 12561 рақамли нусхасига таянган деган хулосага келишимиз мумкин. Гарчи бу тўғрида ношир томонидан қайд учрамаса-да, тазкиранинг М.Бобожонов асосланган нусхаси йўқлиги сабабли айрим ўринларни тўла ўқишнинг имкони бўлмаганлигини эътироф этганлиги, иккала қўлёзма матнидаги яқинлик ва биринчисининг Шарқшунослик институти фондига келиб қолиш тарихига оид маълумотлар фикримизни қувватлайди. П.Бобожонов китобни нашрга тайёрлаётган вақтида мазкур қўлёзма ўша пайтда Ширқшунослик институти фондида эканлигидан хабардор бўлмаган ёки хабардор бўлса ҳам иккала нусхани ўзаро солиштириб чиқишга имкон топа олмаган кўринади.

Китобда Саййид Ҳомид тўра Комёбнинг ҳаёти ва ижоди тўғрисидаги маълумот ўн тўртинчи ўринда келади. Унда Комёбнинг ёшлиги, тарихий асар ва девон ёзганлиги ҳақида қисқача маълумот берилади. Лаффасий тазкирасида Комёб хусусида қуйидаги фикрларни билдиради: “Комёбнинг шеърлари ажаб бир дилкаш бўлиб, ҳар бир ғазали бир маъшукона, ишқ муҳаббатдин бўлса-да, асли мақсуд ҳақиқатда бир дарёйи илм муҳитким илм ғаввослари ондин дуру жавоҳирлар териб олмоқлиг учун ўз ожизлиғларин иқдор бўлур эрдилар”. Шоирнинг вафоти санаси мелодий 1922, хижрий 1340 йилга тўғри келиши билдирилган. Комёб ҳақидаги маълумотнинг сўнгида 12561 рақамли қўлёзмадаги 7 байтга ғазал келтирилган¹.

10) ЎЗР ФА Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейи фондидаги 213-рақамли “Хива шоирлари” тўплами қўлёзмаси. Қўлёзмада Хива шоирларидан Мунис, Огахий, Хисрав, Исо тўра, Зийракий, Мунший, Равнакий, Рожий, Хожа Музаффар, Хожа Нақиб, Нишотий, Ғозий ва бошқаларнинг айрим шеърлари жамланган. Тўпламни 1948 йилда حسن مراد محمد امين اوغلى لفسى Ҳасан

¹Лаффасий. Тазкирани шуаро. – Урганч: Хоразм, 1992. – Б. 28-30.

Мурод Муҳаммад Амин ўгли Лаффасий тайёрлаган. Қўлёзма котиби ҳам унинг ўзи. Ушбу манба “Хива шоирлари” деб номланишига қарамай Лаффасийнинг “Хива шоирлари ва адабиётчиларнинг таржимаи ҳоли” асарининг бошқа бир вариантыдир. Унда ҳам шоирларнинг ҳаёти ва ижодига оид маълумотлар ҳамда шеърларидан намуна берилган. Лекин, Нишотий, Ғозий, Холис, Муродий, Фаррух, Султоний, Саъдий, Оқил, Баёний, Асад каби шоирларнинг ҳаётига доир далиллар учрамайди. Шу жумладан, Комёб биографиясига оид маълумотлар ҳам кирмаган. Ушбу манбада ҳаммаси бўлиб 52 шоирнинг шеърларидан намуналар бор.

Комёбнинг шеърлари қўлёзманинг 33-36-варақларидан ўрин олган. Шоир тўпламда “Комёб-Саййид Ҳомид” номи билан қайд қилиниб, 15-тартиб рақами билан келган. Тўпламга шоирнинг учта етти байтли – “Ноз ила оразингдин, эй пари, олғил никоб”, “Лабдин ком олдим бу кеча дафъи хумор айлаб”, “Ҳалқа-ҳалқа зулфлар кўрсанг, бу жононимдадур” ғазали ва Мунис ғазалига боғланган битта тахмиси киритилган.

Ушбу манбанинг айрим матн хусусиятлари куйидагилардан иборат: котиб кўпгина ҳолларда пе, те ва ё ҳарфларини битта нуқта билан ифодалаган. Шунингдек, ё ва алиф ҳарфлари сўз охирида аввал алиф сўнгра ё келган ҳолларда кўпинча иккала ҳарф кўшиб юборилган. Яна қисқа “а” товуши сўз охирида келганда, бу товуш-ни ифодалайдиган хо ҳарфи тушириб қолдирилган. Масалан: ننگاه сўзи ننگا، اندوه сўзи اسا اندو шаклида учрайди. Гоф ҳарфи бошқа манбаларда бўлгани каби коф ёрдамида ифодаланган.

Қўлёзма бир чизиқли дафтарга сафсар сиёҳда ёзилган. Матн ўлчами 13,5x9,5. Шеърлар устун килиб кўчирилган икки қаватли жадвал ичига олинган. Тўплам 120 варақдан иборат. Саҳифаларнинг юқори қисмига котибнинг қўли билан рақам қўйилган. Бундан ташқари саҳифанинг куйисида пойгирлар ҳам мавжуд. Ҳар бир шоирнинг шеъри бошланадиган ўринга ўша шоирнинг исми ва тахаллуси алоҳида қилиб ёзилган ва рақам қўйилган. Китоб ўлчами 16,5X21.

11) Комёб девони нашрининг матний хусусияти. Саййид Ҳомид тўра шеърлари илк бор 2002 йилда “Университет” нашриёти орқали сайланма тарзида жамоатчилик ҳукмига ҳавола этилди. Сайланма Б.Абдуллаева томонидан нашрга тайёрланган. Нашрга дебоча ва 47 та ғазал киритилган. Ғазалларнинг асосий қисми

девоннинг “Тумор ул-ошикин” қисмидан олинган. Шунингдек, Комёб ҳаёти ва ижодий меросининг айрим қирраларини кўрсатишга қаратилган сўзбоши ҳам ёзилган.

Нашрдан кўзланган мақсад, шоир ижодини ўқувчиларга янгилик сифатида тақдим этиш бўлса ҳам, кўплаб хатоликлар билан чоп этилган. Уларнинг айримларига босмаҳона хатоси сифатида қараса бўлади. Баъзилари эса, ношир томонидан матнни нотўғри ўқишнинг натижасидир. Масалан, 5-бетда “Барча пайғамбарлардан айлаб аржуманд” мисрасидаги “пайғамбар” сўзи “пайгамбар”, 14-бетда “Бўлғали ишқингга сазовор ман” мисраси “Бўлғали ишқингга сазовороман”, 54-бетда “Етти ушбу хабари бирла кўп ором манго” мисраси “Етти ушбу хабарий бирла кўп ором манго” тарзида ва ҳоказо. Шунингдек, 5-бетда:

Жаҳон арсасин тутди одамнинг бори,

Қилиб Тангриға ҳамд онинг кўблори, –

байтидаги қофиядош бўлган “бори” ва “кўблори” сўзларининг иккинчисидаги равий “о” товуши “а” шаклида ёзилган. Натижада, қофиянинг бузилишига олиб келган. Саҳифанинг қуйроғида “Ва ул набиу мурсаллар ичра...” жумласи “Ва ул баниул мурсаллар ичра...”, 32-бетдаги ғазалнинг биринчи мисраси “ғулу” сўзи “ғалу”, 49-бетдаги “Пайдо” радифли ғазалнинг биринчи байтидаги “то ки” сўзи “ноки”, деб ўқилган. Бу сингари мисолларни бир нечта келтириш мумкин. Нашрдаги хатолар ўқувчининг матнни тўғри тушунишга халал бериш билан бирга, асар бадииятига путур етказган.

Хуллас, ҳозирги вақтда Комёб лирик мероси кирган ўн битта қўлёзма ва нашрий манба маълум. Ўз навбатида мазкур манбаларнинг нусхалари турли даврларда кўчирилиб, баъзан котибларнинг хоҳиш-истакларига кўра гоҳ матни олдинги нусхадан кўра мукамаллик касб эта борган бўлса, баъзан бунинг акси бўлган. Шундай бўлишига қарамасдан, Саййид Ҳомид тўра лирик мероси матнини қиёсий тадқиқ этишда мазкур манбаларнинг ҳар бири ўзига хос илмий қимматга эгадир.

“Таворих ул-хавонин”нинг монографик тавсифи

“Таворих ул-хавонин” – Хива хонлари тарихига бағишланган асар. Саййид Ҳомид тўранинг қайд қилишича, ушбу асарни ёзишга киришишдан аввал Муҳаммад Раҳимхонга: “Ва сизлар раҳнамун-

лиқингиз била бир девон тартиб қилдимким, агарчи ул девон гулистонидин бу орзуи мақсуднинг гули ҳосил бўлғусидур ва лекин насаб ва ҳасаб ва аҳволи саргашта ва обо ва аждод ва хешу табор баёни андин маҳсул бўлмағусидур”¹, – деб Хива хонлари тарихига оид бир китоб ёзиш нияти борлигини билдиради.

Комёбнинг амакиваччаси Исо тўра “Таворих ул-хавонин” қай йўсинда ёзилаётганлигига қизиққан. Муаллиф китобини Абулғозийхон услубида, асосан туркий тилли ўқувчиларга мослаб ёзаётганлигини билдиради. Исо тўра унинг бу фикри тўғри эмаслиги, фақат туркий сўзлар билан битилган асар қўпчилик китобхонлар учун унчалик маъқул бўлмаслигини айтади².

Юқорида Лаффасийнинг “Таворих ул-хавонин”ни “Тарихи хавонин” ва “Таворихи хавонин” шаклларида кўрсатилганлиги тўғрисида сўз юритган эдик. Юқорида зикр қилинган Исо тўра билан бўлган суҳбат асносида ёзилаётган китобнинг номи ҳам муҳокама қилинган. Саййид Ҳомид тўра китоб номини “Таворих ул-хивақин” деб қўйиш нияти борлигини айтади. Исо тўра асар Хива хонлиги тарихига бағишланганлиги боис “Таворих ул-хавонин”, яъни “Хонлар тарихи” деб қўйилса, мақсадга мувофиқ бўлишини айтади ва шунга кўра асар “Таворих ул-хавонин” деб номланади³.

Муаллифнинг таъкидича, “Таворих ул-хавонин” икки марта қайта ёзилган. Дастлабки қоралама анча мукамал бўлиб, уни кўлёзмада номи кўрсатилмаган киши ўқиш учун олади ва қайтармайди. Шу билан китобнинг биринчи варианты изсиз йўқолади. Комёб кейинчалик иложи борица ёзганларини тиклашга ҳаракат қилади. Биринчи ёзилган нусха йўқолганлигига қарамасдан, иккинчиси ҳам қимматли тарихий фактларга бой тарзда битилган. Комёб 1304 ҳижрий йил шаввол ойининг 2 куни, яъни, милодий 1886 йилнинг 4 июнида китобни ёзишга киришган ва 1894 йилда уни тугатган.

Асарда туркий мусулмон тарихнавислиги анъанасига мувофиқ инсониятнинг яратилишидан бошлаб, изчил тарзда туркий халқлар, туркий ҳоконлар, кўнғирот уруғи, улардан чиққан ҳукмдорлар тўғрисида сўз юритилиб, ниҳоят Хоразмда ҳокимиятни қўлга олган кўнғирот иноқлари тарихини ёзишга киришилган. Асар муқаддима,

¹ Комёб. Таворих ул-хавонин. ЎзРФА Шарқшунослик институти. Инв. 7717/1. 116-варақ.

² Исо тўра тўғрисида қаранг: Лаффасий. Тазкирани шуаро. – Урганч: Хоразм, 1992. – Б. 12.

³ Комёб. Мунтахаб ул-воқеот. ЎзРФА Шарқшунослик институти. Инв 3730/II. 281а-варақ. Ҳошия.

беш боб ва муаллифнинг ўз ҳаёти ҳамда ижтимоий муҳит тўғрисида маълумот берувчи бир мақола ва хотимадан таркиб топган.

Муаллиф, асарни яратиш учун бир қатор манбалардан фойдаланган. Унинг ўзи бу борада мана бундай хабар берган: “Мавлоно (Шер) Муҳаммад мироб ал-мулаққаб бил-Мунис Одам Сафи (а.с) дан то Муҳаммад Раҳимхон алайҳир-рахманинг воқеотларини китоб силкига чекиб отин “Фирдавс ул-икбөл”га нисбат берибдурур. Мавлоно Муҳаммад Ризо мироб ал-мулаққаб бил-Огаҳий Аллоҳқулихон воқеотин ёзиб, отин “Риёз уд-давлат”га мавсум қилибдурур ва Раҳмонқулихоннинг воқеасин айтиб, отин “Зубдат ут-таворих” кўюбдурур. Муҳаммад Аминхоннинг ҳолатини битиб, отин “Жомеъ ул-воқеот” дебдурур. Саййид Муҳаммадхони мағфурийнинг воқеотларин ёзиб, отин “Гулшани давлат”га мавсум этибдурур. Муҳаммад Раҳимхон Сонийнинг ҳолатини битиб, исмин “Икболи Ферузий” дебдурур. Ушбу китоблар ҳамул икки биродари мазкур миробнинг мусаннафотидиндурур. Менинг бул китобга ёзгон сўзларим ҳамул мазкур икки китобдиндурур. Ўзгаларин ҳарчанд жустужу қилиб, ҳар кимдин сўраштим, топа олмадим. Агар топсам, ҳар қайсидин интихоб этиб, икки уч воқеани ёзиб мухтасар қилиб, ҳар бирин ўз мартабасига лойиқ ва ўз вазнига мувофиқ жойга ёзғумдурур”¹.

“Таворих ул-хавонин”нинг оригинал ва қимматли бўлган қисми бешинчи боб ва муаллифнинг ўзи тўғрисида ёзган мақола қисмидир. Бу қисмда Комеб кўнғирот иноқларининг қай тарзда ҳоқимият тепасига келиши ва уларнинг марказлашган ҳукумат тузиш йўлида доим олиб борган кураши, ажраб чиқишга ҳаракат қилиб келган ямутлар, Оролбўйи, Кўнғирот аҳолисига қарши ҳамда чегара ерлари учун Бухоро билан олиб борган тинимсиз курашлари тўғрисида маълумотлар берилди. Шу билан бирга, рус кўшинларининг хонликка босқичма-босқич кириб кела бошлаши ва ниҳоят, босиб олинишига доир тарихий воқелик қаламга олинади.

“Таворих ул-хавонин”да, булардан ташқари, Хива-Бухоро, Хива-Афғонистон, Хива-Эрон, Хива-Россия дипломатик, ҳарбий ва савдо соҳасидаги муносабатларнинг баъзан ривожланиб, баъзан сусайиб кетиш сабабларини очиб беришда муҳим роль ўйновчи эътиборли далиллар келтирилган.

“Таворих ул-хавонин” тарихий асар бўлиши билан бирга, қимматли адабий манба ҳам ҳисобланади. Асарда тарихий воқеаларга

¹ Комеб. Таворих ул-хавонин. ЎзР ФА Шарқшунослик институти. инв. 3730/Л.281а-варак.

нисбаган хулоса билдирувчи кўплаб шеърӣй парчалар учрайди. Бу назмий хулосалар ўзига хос тарбиявий характерга ҳам эга. Шеърларнинг аксари муаллиф қаламига мансуб бўлса, баъзи ўринларда “давр шоири шундай деган эди” мазмунидаги ишора билан муаллифи кўрсатилмаган ижодкорларнинг шеърларини ҳам келтириб ўтилган.

Ҳозирча “Таворих ул-хавонин”нинг учта нусхаси маълум. Улар 3730/І, 7717/І ва 853/ІІ рақамлари остида ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти хазинасида сақланмоқда¹.

1) 3730/І рақамли кўлҳзма Комёбнинг тўртта асарини ўзида мужассам этган, муаллифнинг ўзи дастхати билан ёзган нусха. “Таворих ул-хавонин” кўлҳзманинг 1а-160а-варақларга жойлашган. Матн қора сиёҳда настаълиқда ёзилган. Муқоваси ва қоғози тўғрисида 3730/ІV-кўлҳзманинг тавсифида айтиб ўтганимиз боис такрорлаб ўтирмаймиз. Сарлавҳалар, Қуръон оятлари, ҳадис, маснавий, байт, китъа каби ажратиб кўрсатиши лозим бўлган сўзлар қизил сиёҳда.

Асар қуйидаги тартибда жойлашган: муқаддима (1а-166-варақ), биринчи боб (166-22а-варақлар), иккинчи боб (22 а-286-варақлар), учинчи боб (286-306- варақлар), тўртинчи боб (30 б -73 а варақлар), бешинчи боб (73 б -151 б варақлар). Кўлҳзманинг ҳошиясига “Мунтахаб ул-воқеот” асари ёзилган очиқ қолган жойларида “Таворих ул-хавонин”га кўшимча ва изоҳлар киритилган. 4б-бетида доира ичида муаққад санъати кўлланган ғазал ёзилган.

Кўлҳзма матнига кўп ҳолда тасвирдаги изчиллик ва мантиқийликни таъминлаш мақсадига қаратилган кўшимчалар қилиниб, улар ҳошияда бериб борилган. Масалан: 7б-варақда Мухаммад (а.с) га бағишланган маснавийнинг ҳошиясида қуйидаги сўзлар ёзилган: *أباى كرامى لارى عبد الله و اجداد ذو الاحترامى لارى عبد المطلب*

8а-варақда тўрт халифага бағишланган маснавийнинг тўғрисида ҳошияга қуйидаги сўзлар ёзилган: *اول تورت ياران دوستان على جناب فرحت انتساب*

9а-варақдаги:

اهل دانيش كوزيگه فانى جهان بر قسم توفراچه ايلمس بيگومان

¹ Б.Аҳмедов “Таворих ул-хавонин”ни кичик ҳажмдаги лекин, эътиборли асар эканлигини қайд қилиб, ЎзРФА Шарқшунослик институтидаги 7717 ва 853/ІІ рақамли кўлҳзмаларининг мавжудлиги ҳақида маълумот берган. Қаранг: Аҳмедов Б. Ўзбекистоннинг атоқли тарихшунос олимлари. –Т.: Чўлпон, 2003. –Б. 87-88.

деб бошланган 16 байтли маснавийнинг 7-байтидан сўнг қуйидаги байт қўшилиши кераклигини билдирувчи белги қўйилган:

قانى اول دل شاد حسنى كيچه كون ياتينگده ايردى مسكنى

Ўз навбатида унинг ҳам тагидан ингичка ёзувда юқоридаги маснавийнинг давоми ёзилган:

قىلدىلار راحت سريرى سارى كوج
دل ارا يوقتور شاييغه اوج
بى خير سن يازدى هم يازان دوست
كونگلونگ اولميش دانه بى مغزى پوست
آخيرت اسبابينى اماده قيل
اول سفر خوفيغه خوشليغ زاده قيل
بر نصحت ايتاي اى غمكش كونگيل
ياد حق دين اوزگا ايش دن سن تونگل
راست يوليدور ياد حق يتمككا بيل
ا يزيدين انلارنى گام اور اى دل
بيل موني سن بى خير اى ساده روح
بولوب انلار بارچه سى اراده روح

Маснавийнинг сўнгида хижрий 1314 йил кўрсатилган. 11а-126-варақларнинг хошиясида “Ҳикояти манзума” келади.

176-варақда Одам (а.с.) зикри бобида “Ва малоикалар Тангри таоло ҳукми била онга сажда килдилар” жумласидан сўнг қуйидаги: فسجد الملائكة كلهم اجمعون الا ابليس ояти қўшилиши кераклигини хошияга ёзиб қўйилган. Бу билан муаллиф ўз сўзини Қуръон оятини келтириш билан далиллаган.

60б-варақда эса امير كبير ابو المنصور محمد امين عناق نينگ تنكره حالاتى сарлавҳасининг ёнига хошияда صاحب سرير روشن дан кейин امير كبير سانكسار ايل بولونگ اگاه сўзлари ёзилиши кераклигига ишора қилинган. Комёб бундай кетма-кет сифатлашлар билан Муҳаммад Амин иноқнинг салтанат эгаси эканлигига сарлавҳадаёқ ўқувчи диққатини жалб қилишга ҳаракат қилган.

86а-варақнинг хошиясида 4 байтли қуйидагича бошланган маснавий ёзилган.

بر او اوچون قازار كيم دل ارا چاه اوزى توشار انگا ايل بولونگ اگاه

Шунингдек, муаллиф асарини бир бор таҳрир қилиш билан кифояланмаган. Масалан, олдинги таҳрирда қўшилиб кейинчалик унинг назарида оддий бўлиб туюлган жумлаларга таъсирчанликни ошириш мақсадида яна қўшган сўзларини ўша жумланинг тепасига ёзиб қўйган. 86а-бетдаги امرا اتاليق باشليق امرا و ارکان دولت

сўзларининг орасига *ى* ҳарфи ва *مملکت نظام* сўзлари қўшилган ва *دولت* сўзининг устида *اعيان حشمت لارى* сўзи ёзилган. Агар уни тузатишлар билан бирга ўқисак қуйидагича жумла чиқади:

حشمت لارى اتاليق باشليق امرای عظام مملکت نظام و ارکان دولت اعيان .

Бундай мисолларни кўп келтиришимиз мумкин. Чунончи, 116а-варақда *ايتيب بيله غارات ايتيب پناه آتليغ بر اونی اوز لاريغە حاکيم ايتيب* жумласидан сўнг, аввал *ياغی گرليق ابتدا* яна келтирилганлардан муаллифнинг сажъ санъати воситасида асар таъсирчанлиги ва бадииятини оширишга ҳаракат қилганлигини кўраемиз.

140б-варақда “Сайид Ҳомид тўранинг зикри жамили фасли” деб номланган сарлавҳага ҳам форс тилида қўшимча киритилган. Улар қуйидагича: *این از فر المراد و احقر العباد و ادراك الصواب و الملك الوهاب* *اعنى سيد حامد التخلص بالثوب والمتخلص باكامياب سيادت ماب سعادت اياب را ذكرى جميلي است.*

140б-143б-варақларда муаллифнинг таржимаи ҳоли форс тилида ёзилган. 144а-151а-варақларда ўзи ҳақидаги мақола ўзбек тилида ёзилган. “Таворих ул-хавонин” қуйидаги байт билан яқунланади:

*حق عنایت ایتماسه طاعت ایشینگ بیکار دور
زار لیغ برله تضرع ایله لطفی باردور*

2) 7717/І рақамли қўлёзма 1897 йили домла Рўзмуҳаммад томонидан Хоразмда муаллиф дастхатига асосан кўчирилган биринчи нусха хошиясидаги қўшимчаларни ҳам ўз ичига олган тўла нусхадир. Унинг хат услуби, имлоси ва биринчи нусхадаги киритмаларнинг ўз ўрнида тўғри қўйилганидан котибнинг анчагина саводли эканлиги билинади. Қўлёзма муаллиф яшаган давр ва муҳитда кўчирилганлиги боис унинг назаридан ўтган бўлиши ҳам мумкин. Қўлёзма ҳафтранг қоғозга, настаълиқда қора сиёҳ билан ҳуснихатда кўчирилган. Айрим сарлавҳа ва ажратиб кўрсатилиши лозим деб топилган ўринлар қизил сиёҳда ёзилган.

Ушбу нусхадан муқаддима (1а-19а варақлар), биринчи боб (21а-25а-варақлар), иккинчи боб (25а-33б-варақлар) учинчи боб (33б-35б-варақлар), тўртинчи боб (35б-84а-варақлар), бешинчи боб (84б-205а-варақларда) ва Комёбнинг ўзи тўғрисидаги мақола (19а-204а варақлар) ва хотима (205б-209а) ўрин олган. 220 варақдан иборат.

Қўлёманинг биринчи бетида еттига муҳр босилган бўлиб, муҳрлардаги ёзувнинг бўялиб кетганлигидан ўқишнинг имкони бўлмади. Асар “Басмала”дан сўнг *حمد اول قادير بچونغه كيم جهان گلشنين بهار* сўзлари билан бошланиб, 205а-варақда қуйидаги байт билан тугайди:

حق عنایت ایتماسه طاعت ایشینگ بیکار دور
زارلیغ بیرله تضرع ایله لطفی باردور

Қўлёма матни чиройли ёзувда саводли ёзилган бўлишига қарамай, матнда айрим сўзлар тушиб қолганлиги учун котибнинг ўзи томонидан кейинчалик ҳошияларига тўлдиришлар киритилган. 46-варақда 3730 рақамли қўлёманинг хошиясидаги каби Муҳаммад (а.с) га бағишланган қуйидагича:

نیچوک شهنشاه دور اول جهان برپا طفیلیدین
تامом бўлган жойининг тўғрисида ушбу ёзувлар ёзилган:

آبای کرامی لاری عبدالله و اجداد ذولا حترامی لاری عبدالمطلب دور بنی هاشم
ذوالاحتشام قبیلایسیدین.

86-варақдаги “Бу янглиғ хузуъ ва хушуъ, арзи аҳволу мақол килурким бу дунёи фонийда бир ҳикоят битмакнинг орзуи насими бўстони табъимға эсти” жумласининг хошиясида қуйидаги икки байт ёзилган.

بو یانگلیغ قیلور عرض تخشوع حال جهانده قالورمو کیشی ماه سال
بو دنیاده کراک یحشی آت یادگار او دنیاده ایمان کراک پایدار

12а-варақда баъзи сўзлар тушиб қолганлиги учун кейин ёзилган.

سۆзі یعنی شجره ترک اوراسیغا سۆзینینگ ابا و اجداد نینگ، واقعاتین
қўшилган ва тарихидин انتخاب ایтیب
қўшилиши кераклигини белги билан кўрсатиб, хошияга ёзиб қўйилган. У мана бундай: یازیلمای قالغان سونگراغی واقعاتلارنی

216-варақда Одам (а.с) зикрининг сўнгида беш байтли қуйидаги мисра билан бошланувчи маснавий ёзилган:

آدم نی اباسی ایردی جون خاک

Биз юқорида 3730 рақамли қўлёма Саййид Ҳомид тўранинг дастхатига тегишли деган эдик, 70а-варақнинг хошиясида “Амир Эшмуҳаммаднинг зикри” фаслини охирида 3730 рақамли қўлёма дастхатига ўхшаш ёзувда қўшимча жумлалар киритилган.

716-варақнинг хошиясида ҳам юқорида айтилган котиб томонидан жумлалар киритилган. 736-варақнинг охириги олти қатори намликдан бўялиб кетган.

قولین اوروب و من يتوکل علی الله فهو حسبہ غه 76a-варақда сўзларининг орасига куйидаги اعتماد و اعتقاد сўзлари кичик ёзувда киритилган.

1376-варақда “Абул Ғозий Саййид Муҳаммад Баҳодирхоннинг зикри” фаслидаги كتابت گویا باغ بهاری деб бошланган маснавийнинг олтинчи байти тушиб қолганлиги учун қуйидагича хошияга ёзиб қўйилган.

معانی بحریدین تاپسنگ اگر بهر کورونمس کوزونگگه نی شهر نی دهر

1916-варақдан “Саййид Ҳомид тўра Комёбнинг зикри жамили” фасли 196a-варақгача форс тилида ёзилган. 192a-варақнинг баъзи қаторлари қириб ўчирилган. 194a-варақ бўялиб кетганлигидан сўзлари тушунарсиз бўлиб қолган. 1966-варақдан 205a-варақгача муаллифнинг таржимаи ҳоли тўғрисидаги мақоланинг ёзуви 3730 рақамли қўлёзманинг дастхатига ўхшаш ёзувда ёзилган. Бизнингча, муаллиф ушбу қўлёзmani котиб ёзиб бўлгандан сўнг кўздан кечириб, йўл қўйилган камчиликларини тўғрилаган.

205b-варақда номаълум киши томонидан Асфандиёрхоннинг тахтга ўтириши ҳақида қисқача маълумот берилган. 206a-варақдан 209b-варақгача “Эсдалиқлар” ўрин олиб, 217a-варақда яна девон нусхаларининг сўнгида келган وفا بيلسنگيز بوی دهرده يوق بوی деб бошланувчи 11 байтли маснавий ёзилган. Маснавийдан сўнг асарнинг хотимаси келади. Унда айтилишича, котиби домла Рўзмуҳаммад томонидан ҳижрий 1318 мелодий 1897 йилда кўчирилган. 217b-варақнинг охирида битта муҳр бўлиб, унда داملا روز محمد номи ёзилган.

3) 853/II рақамли қўлёзма асарнинг номукамал нусхасидир. “Таворих ул-хавонин” қўлёзманинг 174a-198b-варақларда жойлашган. Настаълиқда қора сиёҳ билан кўчирилган. Котиби ва кўчирилган йили номаълум. Муқоваси теридан қилинган ва яхши сақланган. Ўлчови 25x18 см.

“Таворих ул-хавонин” асари қўлёзманинг 174a-варақдан (тўртинчи бобдан) бошланиб, 198b-варақда (бешинчи боб) “Абул Фатҳ ва Абул Ғозий ул ҳазрат аъло хони Саййид Муҳаммад Раҳимхон сонийнинг зикри жамили” фасли қуйидаги сўзлари билан ниҳоясига етган:

والار اوستيغه عساكيري پايان برله الار اوستيغه پی در پی حرايب اطاعت انقياد يولغه کرگوزوب

199-варақда А.Носиров томонидан 1963 йилда куйидаги сўзлар ёзиб қўйилган: “Комёбнинг “Таворих ул-хавонин” асарининг тўртинчи боби “Қўнбирот подшоларининг зикри” экан”, - деб ёзилган. Шундан кейин 36 варақ бўш ҳолича қолдирилган. 1936-1986-варақларининг чап бурчагида муҳр босилган. Унда куйидаги сўзлар ёзилган: “Фабрика Татаровский Протасьева № 6”.

Қўлёзманинг ушбу нусхасидаги мавжуд матнда бошқа нусхаларда учрайдиган ғазал, қасида, маснавийлар йўқ. Фақатгина Саййид Муҳаммад Раҳимхонинг зикри фаслида келган 34 байтли маснавийнинг куйидаги бир байти ёзилган:

دریغادور بو عالم جای اندو
کیلور هرلحظه تورلیک محنت اوترو

Қўлёзманинг хат услуби ҳам ўзгариб туради. Жумладан, 174-180 варақлар майда ёзувда ёзилган бўлса, 1886-варақдан бошлаб ўқилиши мураккаб бўлган бадхат билан ёзилган.

Булар билан бирга қўлёзмада котибнинг ўзи томонидан киририлган тузатишлар ҳам учрайди. Масалан, 175а-варақда 13 қатордаги куйидаги жумла ёзилиб, сўнгра устидан чизилган:

مونگا آتلیغ بر اوغلی و اروجه خاتون دیگان بر قیزی بار ایکان

1946-варақда هر طرف, 1956-варақ شهمی, 196а-варақ فتح, 197а-варақ کیلور сўзлари икки мартадан ёзилиб, биттасининг устидан чизиқча тортиб ўчирилган.

Қўлёзмада “Таворих ул-хавонин”дан олдин муаллифи номаълум боши ва охири йўқ, дунё иқлимлари ва табиатга оид “Дили ғаройиб” деб номланган асар ҳам жойлашган. Асар баён ва тасвир усули жиҳатдан Саййид Ҳомид тўранинг “Эсдалиқлар” мазмунига ўхшаб кетади. Ана шу сабабли бўлса керак Шарқшунослик институтининг собиқ ходими А.Носиров томонидан қўлёзманинг биринчи бетида سيد حامد توره сўзлари ёзилиб, сўнгра бу фикрга қўшилмайдиган бошқа бир киши томонидан қалам билан чизиқча тортилган. Ҳозирча ушбу асар тўғрисида етарлича маълумотга эга эмасмиз. Шу боис уни биз ҳам Комёб қаламига тегишли дея олмаймиз.

“Мунтахаб ул-воқеот” нинг монографик тавсифи ва қўлёзма нусхаси

“Мунтахаб ул-воқеот” Комёбнинг бизгача етиб келган иккинчи бадий-тарихий асаридир. Асарнинг ҳозирча маълум ягона нусхаси ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти хазинасида 3730/II рақами билан сақланади. У “Таворих ул-хавонин” асарининг ҳошиясига битилган.

Комёбнинг қайд қилишича, “Мунтахаб ул-воқеот” минг уч юз қирк тўртинчи сиғир йили моҳи рабиул аввалнинг ўн олтисида (1925-26) йилда ёзиб тугатилган (294б-варақ). Асарнинг тили, воқеаларни баён қилиш услуби ҳам “Таворих ул-хавонин” сингари таъриф ва тавсифлар, бир сўзнинг кетма-кет бир нечта муқобилини қўллаш асосида назму насрда ёзилган. Унда ҳам муаллиф кўплаб ўринларда тарихий воқеалар баёнидан сўнг назмий хулосаларини ҳавола этади. Хулосаларнинг аксари Қуръон оятлари ва ҳадислар билан асосланади. Шунингдек, муаллифнинг турли мавзулардаги шеърлари ҳам киритилган. Улар китъа, рубоий, таърих ёки маснавий шаклида берилади.

Юқорида “Таворих ул-хавонин”да ҳам муаллифнинг ўзи ва бошқа ижодкорларнинг шеърларидан намуналар мавжудлигини қайд этиб ўтган эдик. Шу асосга кўра, Комёбнинг ушбу икки тарихий асарини тарихий-бадий асар сифатида тадқиқ этамиз.

Муаллифнинг билдиришича, баъзи йигиб юрган маълумотлар қолиб кетмасин деган мақсадда уларни саралаб тартибга келтирилган. Шу боис ҳам китоб “Мунтахаб ул-воқеот” деб номланади.

“Мунтахаб ул-воқеот” уч бобдан иборат. Биринчи бобда Одам алайҳиссаломдан Нух алайҳиссалом авлодигача бўлган воқеалар хусусида сўз юритилса, иккинчи бобда Ёфасдан Қўнғирот уруғигача бўлган воқеалар баён қилинган. Муаллиф унда Турк наслининг пайдо бўлиши, унинг уруғлари хусусида маълумотлар беради.

Асарга муқаддима ёзилмаган. Бунга сабаб муаллиф унинг муқаддима қисмини ҳам “Таворих ул-хавонин”га ўхшаш бўлишини назарда тутган. Айни шу мақсадни баён қилувчи изоҳда: “Бу китоб “Тарвоих ул-хавонин”дур, ҳошиясиға ёзғоним “Мунтахаб ул-воқеот”дур иккисининг ҳам дебочаси бир тариқададур деб, аввалидин ёзмай Одам алайҳис саломдин бошлаб мунга ёздим. Агар “Мунтахаб ул-воқеот”ни мундин ўтқариб ёзмоқ истаса, ҳар киши-

ким дебочанинг аввали “Бисмиллохир раҳмонир раҳим”дан ибтидо қилиб ёзсин”, – деб қайд қилинган (16-варақ).

“Эсдалиқлар”нинг монографик тавсифи ва қўлёзма нусхалари

“Хоразм мамоликинда фалак ҳодисасидин воқеа ажойиби зуҳур марҳаласиға келгонининг зикри” номли асар самовий ҳодисаларға бағишланган. Комёб унда XIX асрнинг сўнги чораги ва XX бошларида Хива хонлигида рўй берган табиат ўзгаришлари, ер силкинишлари, турли хил ғаройиб ҳодисалар, самовий ҳаракатларға оид маълумотларни тўплаган. Тўплам эсдалиқлар характериға эға. Шу сабабли биз уни кейинги ўринларда қисқароқ қилиб “Эсдалиқлар” деб атаёмиз.

Муаллиф эсдалиқларнинг ёзилиш сабаби ва санасини ҳеч қаерда зикр қилмаган. Бизнингча, у бу ишға махсус киришмай, балки тарихий асарлари учун маълумотлар тўплаш жараёнида улар билан бирға, турли хил ҳодисаларға оид эшитганларини ҳам ёзиб борган кўринади. Ундаги воқеалар баёни шоирона эҳтирос ва бўрттирма тасвирларға бой. Муаллиф самовий ҳаракатлар, табиат инжиқликлари оқибатида юзаға келган ҳолатларни ёзар экан, улар олдида инсоннинг ожизлиги борасида мушоҳада юритади. Бундай ўринлар наср ва назм шаклида берилиб, унинг бадий қимматини ҳам белгилайди. Масалан, 1895-1896 йилда бўлиб ўтган ер силкиниши куйидагича тасвирланади:

“Ва санаи хижрия минг уч юз ўн учға ирсол этгонда моҳи муҳаррамнинг (август) ўн саккизланжиси, сешанба оқшоми эрди, тонг отар чоғида ва муаззин азон айтар вақтида ва саратон фасли ва буғдой хирмони мавсумида ва йигирма дақиқа кам етгида, кун чиқар қибла жонибидан ер таҳти била зилзила пайдо бўлуб, тамом ашё ларзонға кирди. Ва ҳамул зилзила кун ботар орқа тарафға кетти. Бўйла ваҳималиқ соз овозин кўруб кушлар ошёнидин хуркуб фарвоз этди. Ҳануз ер ва жумла ашённинг изтирори барқарор бўлмай, тўрт ё беш дақиқа миқдор кечмай ондин ҳам ҳайбат(ли) ваҳималиғ зилзила гулдираб, онинг кейнидин борди. Деворлар ва фитиклар ва учаклар изтирорға кириб, бекарор зарраосор икки тараф, гоҳи тўрт жонибға ҳам чайқалиб копу ва фитак ва ўралар ғаришиға кирди. Ва ернинг титратмасидин одамнинг боши айланиб кўнгли беихтиёр бўлуб, қайд қилғали ёвушти ва инсон худ эмин эмасдур кўнглиға рубу хироси бекиёс юзланиб, Тангри Таоло қаҳри газ-

бидин кўркиб ва лутфи карамидин умид этиб, тавба ва истиғфор марҳаласига етти. Ва зилзиланинг ҳаракати била ернинг субути бесаботлиғ кўргузгони чаҳори як соат миқдори эрди, яна Тангри Таолонинг бори лутфи карами бирла аввалғидек барқарор бўлди. Қитъа:

Туштиму оламга гўё ишқдин зарра ғубор,
Йўқса нечун бу тун қилди ишқ элидек беқарор.
Гоҳ ғаришиға кириб ушшоқнинг афғонидек,
Изтироби жисм янглиғ айлади кўб изтирор.
Ларзаи фарёдида ушшоқ ҳолин билдуруб,
Кўнглининг титратмасидек бўлди ер беихтиёр”.

(3730/III, 161-варақ)

Хулоса қилиб айтганда, эсдалиқлар келажакда об-ҳаво, ер сил-кинишлари ва экологик жараёнлар юзасидан тадқиқот олиб боровчи мутахассисларга қўл келиши мумкин. Шунингдек, адабиётшунослиқда табиат ҳодисаларининг тасвири бўйича олиб бориладиган изланишларда ҳам муҳим манба бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Эсдалиқлар”нинг айна пайтда икки қўлёзма нусхаси маълум. Иккала қўлёзма ҳам ЎЗР ФА Шарқшунослиқ институтида сақланади. Биринчиси 3730/III тартиб рақами билан, иккинчиси 7717/III рақами билан сақланади. Қўлёзмаларнинг хусусияти тўғрисида аввал маълумот бериб ўтилганлиги учун такрорлаб ўтирмаймиз.

7717 рақамли қўлёзманинг тавсифи ва матн хусусияти ҳақида юқорида айтган эдик. “Эсдалиқлар” қўлёзманинг 206а-209б-бетларидан ўрин олган. Ҳар бир сана ажратиб кўрсатилиши учун қизил сиёҳда ёзилган.

3730/III рақамли қўлёзманинг 160б-163б-бетларига эса, настаълик ёзувида кўчирилган. Унинг хошиясида ҳам баъзи кўшимчалар киритилган.

Қўлёзмаларнинг қиёси шуни кўрсатадики, 7717/III рақамли қўлёзмада 3730/III нинг матнини айнан такрорлайди яъни, иккинчи қўлёзмада ҳам биринчи қўлёзмадагидек воқеалар баёни тарихий кетма-кетлик асосида жойлаштирилмаган.

Ушбу фаслдаги илмий тадқиқот натижаларидан қуйидаги хулосаларни чиқариш мумкин:

1. Комёбнинг 6000 мисрадан зиёд 17 жанрдаги лирик мероси ҳақида маълумот берувчи ўн битта қўлёзма ва нашрий манба маълум. Ўз навбатида мазкур манбаларга кирган шоир ижодий мероси

баъзан котибларнинг хошиш-истакларига кўра гоҳ матни олдинги нусахадан кўра мукамаллик касб эта борган бўлса, баъзан бунинг акси бўлган. Мазкур манбалар ичида 3730 рақамли қўлёзма муаллиф дастхати билан кўчирилганлиги аниқланди.

2. “Таворих ул-хавонин” ўзига хос бадиий-тарихий асардир. Асарда тарихий воқеалар баёни билан бирга улар юзасидан хулоса чиқарувчи кўплаб назмий парчалар учрайди. Шеърларнинг аксари муаллиф қаламига мансуб бўлса, баъзи ўринларда бошқа муаллифларнинг асарларидан ҳам фойдаланилган. Ҳозирча “Таворих ул-хавонин”нинг ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти хазинасида сақланаётган 3730/1, 7717/1 ва 853/1 рақамли учта нусхаси маълум. 3730/1 рақамли қўлёзма муаллиф дастхатига тегишли эканлиги, 7717/1 рақамли қўлёзма эса муаллиф иштирокида кўчирилганлиги билан эътиборли.

3. “Мунтахаб ул-воқеот” Комёбнинг бизгача етиб келган иккинчи тарихий-бадиий асаридир. Унга турли мавзудаги тарихий воқеалар саралаб киритилган. Асарнинг ҳозирча маълум ягона нусхаси ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти хазинасида 3730/II рақами билан сақланади.

4. “Эсдаликлар”да XIX асрнинг сўнги чораги ва XX бошларида Хива хонлигида рўй берган табиат ўзгаришлари, ер силкинишлари, турли хил ғаройиб ҳодисалар, самовий ҳаракатларга оид маълумотларни тўплаган. “Эсдаликлар”нинг икки нусхаси маълум. Биринчиси 3730/III иккинчиси 7717/II рақами билан ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти хазинасида сақланади.

КОМЁБ АСАРЛАРИНИНГ МАТНИЙ-ҚИЁСИЙ ТАДҚИҚИ

Комёб шеърятининг матний-қиёсий таҳлили

Комёб девон тартиб берар экан, гарчи такомилига етмаган шеърларимни ҳам киритдим, деб ёзган бўлса-да, кейинги иш жараёнида уларнинг айримларини ислоҳ қилиб, девонни янги шеърлар билан тўлдириб борган. Буни иловада девонлардаги мавжуд шеърый жанрларнинг қиёсида ҳам кўришимиз мумкин. Шу билан бирга олдинги бобда айтилганидек, бир қўлёзма нусханинг ўзида ҳам тахрирга учраган байт ва мисраларга изоҳ ва қўшимчалар киритилганлиги кўзга ташланади. Бу киритмалар шоир томонидан шеърдаги поэтик фикр изчиллиги ва бадиийликни таъминлаш учун амалга оширилган.

Шоир девони қўлёзмаларини қиёслаш натижасида кейинги кўчирилган нусхаларда муаллиф дастхатига тегишли нусхада мавжуд ўзгаришлардан ташқари баъзи бир байт ёки мисрага қўшимча киритилганлиги ё бўлмаса, бир сўзнинг ўрнига муқобилини алмаштирилганлигини ҳам кўрамыз. Чунончи, 3730/IV рақамли қўлёзма тавсифида қайд қилинганидек, ундаги бир қанча шеърлар девон тартиб берилгандан кейин битилган ва хошиядан ўрин олган. Булардан ташқари, ушбу нусхага кирмай қолган бешта ғазалнинг 1005 рақамли қўлёзмадан ўрин олганлиги ва битта ғазалнинг эса Лафасий тазкирасига кирганлиги ҳам яна бир бор шоирнинг девон тартиб бергандан кейин ҳам ижоддан тўхтамаганлиги, янги асарлар яратганлиги, такомилига етмаганларини тахрир қилганлигидан дарак беради. Шу билан бирга шоир шеърларининг ҳали маълум бўлмаган манбаси ҳам мавжуд деган хулосага келишга асос бўлади.

Айни чоғда таянч нусха тартиб берилган санага яқин бўлган даврда кўчирилган бўлишига қарамай, 1005 рақамли қўлёзмада ҳам баъзи шеърлар мавжуд эмас. Куйида мавжуд қўлёзмалар асосида Комёб шеърятдаги матний тафовутларнинг юзага келиш сабаблари, мазкур қўлёзмаларнинг девон мундарижасини тиклашдаги аҳамиятини кўрсатиб ўтамыз.

Олдинги бобда шоирнинг 1323 ҳижрий йилда дебочани ниҳояланганлиги борасидаги қайдлар хусусида ўз фикрларимизни билдирган эдик. Девон қўлёзмалари матнини қиёслаганимизда дебоча ниҳоялангандан кейин ҳам унга баъзи бир киритмалар қўшганлиги

ойдинлашади. Жумладан, дебочадаги ҳамд, наът ва чаҳорёр васфидан кейин шоирлик таъбининг шаклланиши, тарбия топиши, бир шеърни ёзиш учун кўп бор уринганлиги борасидаги фикрларни мана бундай ёзади: “Ҳамул тариқа қилиб, ислохкорлик этиб, аларға яна кўргузуб эрдим, эмди ислохкорликға саъи ва кўшиш қилинг! — деди. Ва бир неча мартаба байт иншо этиб ва ғазал тартиб қилиб, шуаро жамоасиға кўргузуб, ихлос бердуруб, абёти ғазалим андак кўнглумға маъкул бўлди”. Шундан сўнг ўзининг шоирлик таъби борлигидан хоннинг хабар топиши борасида қуйидагича ёзади: “Ва менинг шоирликға ишқим кўблигини ул ҳазрати аъло, хони Муҳаммад Раҳим Баҳодирхони соний дома давлата эшитибдурлар ва манга хат машқ қилдурмоқ учун девонларидин бир устоз қилиб эрдилар”. Кейинги нусхаларда эса бу орага шеър ёзиши, шоирлик таъби шунчаки эрмак эмас, балки ички туғёнлар, илоҳий илҳом натижасида юзага келганлигини айтувчи ушбу сўзлар билан кенгайтирилган: “Ва дунёи дун фикратидин кулфат ва фалаки ғаддор гардишидин озор ва олам гулзори беҳжатидин ишорат ва жаҳони фонийнинг вафосизлиғидин сийнасиға кудурат занги ётар ва гоҳо масаррат сайқали ранги била кетар эрди ва фархатафзо анвари жилва малъаси акси била тўлур эрди, ҳамул фикрлар золи кўнглум кўзгусида ҳар бири аксин ишванамо этса, машшотаи таъбим маъни арусин зеб-зийнат била они дафъи ўртасида ғамзаоро қилиб, рафъи ранж ва мухзам ва мифтоҳи санж бўлур эди, яъни бир гўфтигў сояи фатан ва шеваи пурфан зоири хаёлида зан бўлса, лўлў анга лойиқ ва дифоъиға мувофиқ байтлар иншосин оғозин ва таъбим бебоди созин қилур эрди. Қитъа:

Ганжи максуд келди, хоҳиши Аллоҳдур,
Тобқай они ким, басират ишидин огоҳдур.
Варзиши аҳли ҳақиқат деб муни қилдим рақам,
Айласа мақбул, ажаб йўк, раҳматлик шохдур.
Айлагил, ё Раб муни даргоҳи изнингда қабул,
Лойиқ эрмас дарғаҳингға гарчи ҳадсиз гоҳдур,

(1005, 4а-варақ)

Яна 3730/IV рақамли кўлёзмада дебочанинг бир оз қуйироғида дебочани ниҳоясига етказганлигини ва девонга кирган шеърлар ўқувчиларга манзур бўлишини Тангридан тилаб уч байтдан иборат ушбу маснавийни битган:

Ё Раб, муни қил жаҳонға марғуб,

Ҳар шуруъсин элу элга бир маҳбуб.
Ҳар мисраси бир нигор бўлсун,
Маъни эли анга зор бўлсун!
Ҳар бир ғазални айла Лайли,
Мажнунсифат ўлсун эл майли! (1756- varaқ)

Кўриниб турганидек, маснавийда фақат ғазаллар тўғрисида сўз юритилган. Кейинги манбаларда эса мазкур уч байтга яна уч байт қўшилган ва улар орқали шоир таянч нусхада ниҳоясига еткиза олмаган фикрларини ривожлантириб, мухаммас ва мураббаъларни ҳам ғазаллари сингари барчага машхур бўлишини истаган:

Мухаммас ила мисли Узро,
Вомикдек эт жаҳонни шайдо!
Мураббаъсин элга айла Ширин,
Оламдин олиб қарору тамкин.
Фарҳод ила мисли Хисрав ўлсун,
То кўрмаса бешакиб бўлсун! (1005, 46- varaқ)

Девон қўлёзмалари қиёси уларда мавжуд ғазалларнинг жойлашиши ва матнида бир қатор фарқларнинг мавжудлигини кўрсатмоқда. Масалан, “Икки шўх” радифли ғазалнинг 3730/IV рақамли қўлёзмадаги учинчи ва бешинчи байтлари ўрни кейинги кўчирилган нусхаларда бешинчи байтнинг учинчи байт, учинчи байтнинг бешинчи байт ўрнига ўтганлигини кўрамиз. Бундай қилинишига сабаб 3730/IV рақамли қўлёзмадаги матнда лирик қахрамоннинг икки шўхни кўриш иштиёқи ва уларнинг етказаетган жабру ситами тасвиридаги поэтик фикр тадрижийлигига эришилмаганлигидир. Кейинги тахрирда эса бу изчиллик таъминланган.

Яна девоннинг “Анис ул-ошикин” қисмидаги биринчи ҳамд ғазалнинг ўнинчи байти 1005 рақамли нусхасида қуйидагича:

Буларға мунча тартиб ила қилдинг тарбият, лекин,
Бурундин борчасига бўлди изнингдин қазо пайдо (196-varaқ).

Байтдаги “изнингдин” сўзи ўқувчида Тангрининг қазо ва қадар соҳиби эканлигини англатиш борасидаги ислом дини қарашларини баён этишда муҳим аҳамиятга эгадир. 3730/IV рақамли нусхада мазкур сўзнинг ўрнига “амрингдин” сўзи берилган. Назаримизда, матннинг бундай ўзгартирилишига, муаллифнинг кейинчалик тақдирнинг қандай белгиланиши ёлғиз Парвардигорнинг изнига боғлиқлигини билдирувчи диний-ақидавий асарлар билан чуқурроқ танишиши сабаб бўлган.

“Ҳеч” радифли ғазалнинг ушбу:

Кўруб ҳолимни анга арз қилғоч,

Кўзум ёши, не бўлди окмадинг хеч, – (224а-варақ)

байти 1005 рақамли қўлёзмада йўқ.

Булардан ташқари, бир нечта ғазалининг айрим байти таҳрир қилинган ҳолатига ҳам дуч келамиз. Масалан, “Нигоро, айлаб ҳолимға иноят!” мисраси билан бошланадиган ғазалининг охириги байти 1005 рақамли қўлёзмада:

Умид, эй Комёб, инъоми шахдин,

Қилурман савмда олтин жомли соат, – (32а-варақ)

тарзида ёзилган. 3730/IV рақамли қўлёзмада эса:

Не бўлур Комёбни шод қилсанг,

Наъими васл ила, эй сарвқомат, – (203а-варақ)

бўлган. Яна тўққиз байтли “йигит” радифли ғазалнинг еттинчи байти 1005 рақамли қўлёзмада:

Жон берур ҳажрида ўлганга каломи нутқидин,

Ё лаби ҳайвон суйиму ё Масихосо, йигит, – (33а -варақ)

деб ёзилган. 3730 рақамли қўлёзмада:

Жон берур ўлганлара нутки ул ойни ҳар нафас,

Ё лаби ҳайвонмудур ёким Масихо, йигит, – (230б-варақ)

кўринишига эга. Ушбу мисолда, биринчи таҳрирда йўл қўйилган вазн сакталиги иккинчи таҳрирда баргараф этилганлиги билиниб турибди. Бундай мисолларни бир нечта келтириш мумкин.

2627, 3730/IV, 1257 рақамли нусхаларда мавжуд бўлган *يانيمه كيل* *اي سروناز* *لطف ايله اي سروناز* деб бошланувчи ғазал гарчи Комёб назаридан ўтган бўлишига қарамай 1005 рақамли қўлёзмада йўқ.

2627 рақамли қўлёзмада бошқа нусхаларда мавжуд бўлган кўпгина ғазаллар учрамайди. Масалан, қолган уч нусхага киритилган куйидаги мисралар билан бошланувчи ғазаллар мазкур қўлёзмага кирмаган:

اي ذات پاك سنگه لزوم بقا بقا

حمد ببعددور ذاتينگا اينبينا

الهي ايروسن پادشاهها

3730/IV рақамли қўлёзмадаги 246а-варақдаги куйидаги *تون جانانيم بو تون* *كيرديلار توشيم ارا اول ايكي جانانيم بو تون* *7* байтли ғазал 1005 рақамли қўлёзмада учрамайди.

3730/IV рақамли қўлэзманинг 286а-варақнинг ҳошиясидаги
مخامماس قولغان 1257, 2627, 1005 рақамли нусхаларда йўқ.
ايلابان اقبال دولت ناگه من ساری گذر
ای رسول لار پادشاهی زینت خیر البشر
بیریدور بو بکر صدق دین ایلیده دادگیر
ای هوای کوینگا کونگولوم اچیبان بال وپر
ای جمالینگدین مزین بوجهان نینگ زینتی

деб бошланувчи ғазаллар 2627, 1257 рақамли қўлэзмаларда мажуд эмас.

Яна 1005 рақамли қўлэзмадаги معشوق خوش خال غنه ای جان دل
مخامماس قولغان 3730/IV, 1257, 2627
рақамли қўлэзмаларда, қуйидагича: معشوق خوش چابک سوار ای جان دل
مخامماس قولغان 3730/IV, 1257, 2627
рақамли қўлэзмаларда, тарзида бошланади.

دهرده یوق بوی وفا بیلسنگیر
қўлэзмадаги 15 байт бўлса, 1005, 1257 рақамли қўлэзмаларда 11
байт, яъни 3730/IV рақамли қўлэзмадаги охириги тўрт байти йўқ

1005 рақамли қўлэзмадаги ای دوست که کیلدی آقشامی عید
مخامماس قولغان 3730/IV, 1257, 2627
рақамли қўлэзмаларда ай شوخ ای деб
бошланади.

Девон нусхаларининг ғазал тартибида ҳам баъзи тафовутлар
мавжуд. Масалан 1257 рақамли қўлэзмадаги
اه کیم ای دلربا ترک محبت
ايلابان وعده بارین یوسف نشانیم
کیلمدینگ
деб бошланувчи ғазалдан сўнг
1005 рақамли қўлэзмада эса
اه کیم ای دلربا ترک محبت
ايلابان وعده بارین یوسف نشانیم
کیلمدینگ
деб бошланувчи ғазал бошқа ўринда келади.

Ғазаллар билан бирга муаммо жанридаги шеърларнинг мат-
нида ҳам айрим тафовутлар учрайди. Жумладан, рақамли қўлэзма-
нинг 1566-варағида “Иброҳим” номига ёзилган муаммо матни мана
бундай:

چو حسنونگنی سینینگ ای حسن ماهم
نتانگ بیلدورسه آنی ابر آهیم

Муаммонинг биринчи мисраси 1005 рақамли қўлэзмада ҳам
дастлаб چو حسنونگنی سینینگ ای حسن ماهم
сўзининг ўрнига ҳошияда اسمینگنی деб муаллиф томонидан тузатиш
киритилган ва бу вариант тўғридир. Чунки, муаммода исм яширил-
ган бўлиб, иккинчи тузатилган вариантдаги сўз, муаммо жанри
талабларига ҳам мос тарзда исмнинг топилишига мантиқий ишора
вазифасини бажариб келган. Шунингдек, мазкур таҳрир натижа-

сида иккинчи мисрадаги фикр билан биринчи мисрадаги фикр мазмун жиҳатдан ҳам ўзаро боғланишга эга бўлган. Зеро, муаммо маъшуқа тилидан айтилган бўлиб, нотаниш йигитнинг исмини унинг ўзидан эмас, балки “оҳининг булути”, яъни “абри оҳи”дан билиб олишга умид қилмоқда. Агар бу ерда биринчи вариант қўлланганда, исмининг топилишида чалкашлик юзага келган бўлар эди.

Муаммодаги исм “ابراهيم” изофий бирикмаларини изофий боғловчисиз ўқисак, яширилган “Иброҳим” исми чиқади.

3730/IV рақамли қўлёзмада “Ҳалим” номига ёзилган муаммо куйидагича حکيم بخشي ليک جو بيت ليک قیلور تلفکين کييب قیلور деб бошланса, 1257 рақамли қўлёзмада эса تلفکين کييب قیلور خود بينليک بخشي حکيم тарзида. 1005 рақамли нусхада эса, تلفکين کيوبان تلفکين قیلور خودبينليغ جاه حکيم кўринишида. Ушбу муаммода исм иккинчи мисрадаги تلفکين باشدين الغيل ишораларига кўра, биринчи мисрадаги حکيم сўзининг ک ҳарфи устидаги чизикчасини олиб ташлаш натижасида исм ҳосил қилинади. Кўриниб турганидек, حکيم сўзи исмни чиқаришда асосий иштирок этувчи сўз бўлган. Барча нусхаларда ушбу сўз сақлаб қолиниб, асосий эътибор мисранинг мусиқийлигини таъминлашга қаратилган. Фақат 1005 рақамли нусхада мисранинг мусиқийлиги ва муаммо жанрига хос ишора сўзнинг ўз ўрнида келишига аҳамият берилган. Ана шу жиҳатга кўра, танқидий матн учун ушбу нусха асос бўла олади.

Комёбнинг 9 та маснавийси маълум. Булардан иккитаси 2627 рақамли қўлёзмага кирмаган. Булар билан бирга бир қўлёзмада мавжуд бўлган маснавий иккинчисида учрамайди. Ўз навбатида мавжудлари ўртасида ҳам матний фарқлар кўзга ташланади. Масалан, ساقى منگا جامى فراغت деб бошланувчи икки мисрали маснавий 1005, 2627 рақамли қўлёзмаларда учрамайди.

Яна, 3730/IV рақамли қўлёзмасида дебочадан кейин келган биринчи маснавийнинг 35-байтининг биринчи мисрасида (“Бу сўзни дебон аҳли суханвар”) “суханвар” сўзининг ўрнига 1005 рақамли қўлёзмада “сухансанж”, иккинчи мисрада (“Ёритибдур ҳикоят ичра аксар”) “аксар” сўзининг ўрнига “кўб ганж” берилган.

1005 рақамли қўлёзмадаги “Эй жамолингдин музайян бу жаҳоннинг зийнати” мисраси билан бошланадиган қасида 3730/IV рақамли нусхада учрамайди. 1005 рақамли нусхадаги “Эй ҳавойи кўйингга кўнглум очибон болу пар” мисраси билан бошланадиган қасиданинг:

Шўхлиғ айлаб бода тутсанг қўлга олиб жоми зар,

То ани нўш айлабон Жаннат шаробидек билиб, – (109а-варақ)
байти 3730/IV рақамли нусхада тушиб қолган.

Яна “Ҳамдинг дегали қаламни сурдим” мисраси билан бошланувчи маснавийнинг ҳам беш байти 3730/IV рақамли нусхага кирмай қолган.

Комёб девонида 19 та мухаммас мавжуд. Уларнинг ичида 9 таси Навоий (1 та), Мунис (1 та), Феруз (6 та), Фаррух (1 та) ғазалларига боғланган тахмислардир. Мазкур тахмислар матни ҳам Комёб девони қўлёзмалари ва биринчи манбалар билан қиёсланганда, улар ўртасида бир қанча фарқлар кўзга ташланади. Жумладан, Комёб Муниснинг “Қон тўкармен” деб бошланадиган ғазалига тахмис боғлаган.

Ғазал аслида ўн бир байтдан иборат¹ бўлиб, матлаъдан бошлаб изчил тарзда ошиқнинг маъшуқидан айрилиб, унинг ҳажрида чекаётган дарду аламлари, гарчи ўзини бу дунёнинг соф гулистопининг булбули деб ҳисобласа ҳам, ўша гулистоннинг шодликларидан ҳижрон алами боис таскин топа олмаётганлиги каби тасвирлардан иборат. У ошиқнинг висол онларининг барча нарсадан азиз эканлигини англаганлиги ва ўша тотли дамларнинг қадрига ундан жудо бўлгандан кейингина етаётганлиги, шунингдек, висолнинг қайта насиб қилиши, бунинг учун энг аввало, умрнинг вафо қилишига ишонч йўқлигини билдирувчи мисралар билан ниҳояланган. Комёб тахмисиде 3, 4, 6, 9-байтларга банд ҳосил қилинмаган. Тахмисларда бу сингари байтларнинг тушиб қолиши учраб турадиган ҳол. Буни икки сабаб билан изоҳлашимиз мумкин. Биринчидан: тахмис учун олинган ғазал қўлёзмасидаги матннинг номукамаллиги билан боғлиқ бўлса, иккинчидан: тахмис боғловчи шоирга танланган ғазалда кўтарилган умумий ғоя маъқул келган бўлса ҳам, ўша кирмай қолган байтларга мос фикр топа олмаганлигидир. Комёб тахмисиде Мунис ғазали байтларининг етишмаслигига қарамасдан, ундаги ҳижрон азобининг тасвиридаги изчиллик тахмис орқали тўлдирилган:

Тахмисда ғазал байтларининг етишмаслигидан ташқари, мавжуд байтларнинг мисраларида ҳам матний ўзгаришлар мавжуд. Масалан, ғазалнинг биринчи байти аслида қуйидагича:

قان توکارمین فرقتینگده ایلاب اول کونلارنى یاد
کیم چیکار ایردیم وصالینگدین امید جام مراد

¹ Қаранг: Мунис. Девон. ЎЗР ФА Шарқшунослик институти. Инв. 940. 776-варақ.

Ушбу байт Комёб тахмисид мана бундай ўзгаришга учраган:

قان يوتارمن فرقت ايچره ايلاب اول كونلارنى ياد نوش ايتار ايرديم وصالينگ مژده جام مراد

Икки матн қиёсланганда энг аввало, Комёб тахмисид м ким кучайтирувчи боғловчисининг йўқлиги сезилади. Биринчи матнда биринчи мисра тугалланмаган мазмунга эга ва унда ошиқнинг қон тўкишининг сабабига иккинчи мисрада аниқлик киритилган. Шу сабабли икки мисрадаги ягона гоёни ким кучайтирувчи боғловчиси бирлаштирган. Тахмисда эса бу бошқачарок кўринишга келтирилган. Яъни унда лирик қаҳрамон куйидаги байтлар:

كوننگلومه سالميش نگارا هجر انداق غم فساد

جسيمىمى ايلاب شكاف قويمى دور هوشدين وجه زاد

ايمدى اوتكان وقت نى فكرين قىليبان اسرو ياد

(1005, 1246-варақ)

орқали ҳижрон унинг бошига нечоғлик қийинчиликларни солаётганлиги, шу боис қандай аламларни тортаётганлигини мисрама-мисра бўртириб борган ва унинг оқибатларини баён қилиб, Мунис байтидаги тасвирнинг янги қирраси кашф этилган. Бунинг учун ғазал байти ўзгаришсиз олинмай, балки юкоридаги мисралардаги тасвирнинг тадрижийлигини таъминлаш учун:

قان يوتارمن فرقت ايچره ايلاب اول كونلارنى ياد نوش ايتار ايرديم وصالينگ مژده جام مراد
кўринишига олиб келинган. Шунга кўра, шоир Мунис байтидаги боғловчини тушириб қолдириб, ҳар бир мисрада алоҳида поэтик тасвирни берган. Худди шундай ҳолатни кейинги бандда ҳам кўрамиз.

Комёб тахмислари ичида Феруз ғазалларига боғланганлари кўпроқни ташкил қилади. Мазкур тахмисларнинг ҳам матни кузатишганда бир қанча фарқлар мавжудлиги кўринади. Масалан, Ферузнинг:

Кулуб деди манга бу кеча дилдор:

“Бўлубмусен манга асру гирифтор”.

матлаъли ғазалига боғланган тахмисини матний қиёсига эътибор берайлик: ғазал байтлари аслиятда етти байтдан иборат бўлиб, ошиқ ва маъшуқнинг саволу жавоби шаклида севишганларнинг ички кечинмалари очиб берилган. Лекин, бир мисра савол ва бир мисра жавоб ёки бир байт савол-бир байт жавоб шаклида эмас. Унинг биринчи байти келтирилганидек шоирнинг маъшуқа ҳолатини тасвирловчи изоҳи ва маъшуқанинг саволи билан бошланган.

Комёб тахмисида мазкур байт асосида мана бундай банд ҳосил қилинган ва Феруз ғазалидаги тасвирий ҳолат бир қадар кенгайтирилган. Яъни, маъшуқанинг ошиққа савол беришига сабаб бўлган ҳолатлар батафсилроқ гавдалантирилган:

Қилиб эрдим ажаб мажлис намудор,
Эшиқдин кирди бир махваш баякбор,
Қўюб оллида қилдим ажзи бисёр,
Кулуб деди манга бу кеча дилдор:
“Бўлубмусан манга асру гирифтор?” (1005,1236-варақ)

Иккинчи байт Феруз ғазалида мана бундай:

Дедимким: “*Ошиқи зорингман, оре,*
Нетайким, васлинга йўл бермас ағёр.

Комёб эса ушбу байт асосида қуйидаги бандни битган:

Бу сўз бирла бўлуб ман зора дилжу,
Келиб ўлтурди, билдим манга қаршу,
Талтафидин намуна деб очик ру,
Дедимким: “*Ошиқи зорингман асру,*

Нетайки висолингга йўл бермас ағёр” (1005,124а-варақ).

Ушбу банда, ошиқ ва маъшуқ ўртасидаги савол-жавоблар ва ошиқнинг ички кечинмалари, маъшуқанинг унга нисбатан муносабати белгиларидаги поэтик тасвирлар изчиллиги давом этган. Шоир бу тасвирдаги изчилликни таъминлаш, олдинги байтда маъшуқанинг савол берганидан кейинги бўлган муносабатларини очиб бериш учун “дилжу”, “қаршу” ва “ру” каби қофиядош сўзларни танлаган. Уларда “у” товуши равий бўлиб келиб, Феруз ғазалидаги “оре” сўзининг ўрнига “асру”нинг келишини талаб қилган. Мазкур иккала сўз ҳам кучайтириш, тасдиқлаш маъносини билдирганлиги учун Феруз ғазали мазмунига путур етказмай, балки ошиқнинг ҳиссиётини янада ёрқинроқ ва жонлироқ қилиб кўрсатган. Шунингдек, Комёб Ферузнинг:

Манга, эй дилрабо, мунча итоб этмак недур, билмон?!

Ҳазин жонимга жавринг беҳисоб этмак недур, билмон?!

матлаъли ғазалига ҳам тахмис боғлаган. Ушбу ғазалга боғланган тахмисда ҳам юкоридаги сингари ҳолатга дуч келишимиз мумкин. Ғазал Феруз девонининг ЎзР ФА Шарқшунослик институти хазинасидаги 3449, 738, 12066 рақамли кўлёмаларида етти байтдан иборат. Комёб тахмисида эса тўртинчи байт тушиб қолган. Айтишу ғазал Ферузнинг “Элга шоҳу ишққа қул” тўпламидан ҳам ўрин

олган. Ноширнинг қайдига кўра, шеърларни нашрга тайёрлашда биз юқорида санаб ўтган ракам остида сақланадиган қўлёзмалардан фойдаланган. Лекин, кўрсатилган қўлёзманинг барчасида ғазал етти байтдан ташкил топган бўлса-да, нашрда олти байт кўринишида бўлиб, иккинчи байт мавжуд эмас¹.

Умуман олганда, Комёб тахмисларидаги бундай матний фарклар, шоирнинг тахмис учун танланган ғазал матнига нисбатан эркин ёндашганлигини кўрсатади. Шоир баъзи ҳолларда танланган ғазал байтларини ўзи айтмоқчи бўлган фикрга мослаштириш мақсадида мавжуд матнга ўзгартиришлар киритган.

Ушбу фаслдаги илмий тадқиқот натижаларини қуйидагича умумлаштириш мумкин:

1. Шоир гарчи дебочада такомилга етмаган шеърларимни девонга ҳам киритдим, деб ёзган бўлса-да, кейинги иш жараёнида уларнинг айримларини ислоҳ қилган. Шунингдек, девонни янги шеърлар билан тўлдириб борган. Бу билан бирга мавжуд шеърларнинг ғоявий-бадий такомилга эришиш учун таҳрир қилиб борган. Ана шундай таҳрирга учраган ёки кейинчалик ёзилган шеърларнинг баъзилари девоннинг кейинги нусхаларидан ўрин олган.

2. Комёб лирик мероси кирган 3730/IV рақамли қўлёзма автограф бўлса-да, девоннинг 2627 рақамли нусхасида бошқа нусхаларда учрамайдиган шеърларнинг ҳам мавжудлиги билан таянч манба вазифасини ўтай олади. Девон қўлёзмаларидаги фарқлар, ўз навбатида, котиблар томонидан матнга нисбатан бўлган “ижодий ёндашиш” ёки нотўғри кўчиришнинг натижаси ҳам бўлиши мумкин. Худди шу маънода, Комёб девони қўлёзмаларининг ҳар бири девон илмий-танқидий матнини тузиш, у қолдирган адабий мерос ҳажми, мавзу кўлами, бадий салмоғини баҳолаш, матнни тўғри тушуниш, шеърий жанрларнинг сони, девоннинг дастлабки таҳрирдан ўрин олмай қолган асарларини аниқлашда муҳим аҳамиятга молик.

¹ Феруз. Элга шоҳу ишққа қул. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1994. –Б. 78.

Комёбнинг бадий-тарихий асарлари матний тадқиқи “Таворих ул-хавонин”нинг матний қиёси

Юқорида Комёбнинг “Таворих ул-хавонин”ни яратиш учун Мунис ва Огаҳийнинг асарларидан фойдаланганлиги борасидаги қайдларини келтириб ўтган эдик. Муаллиф бирор давр воқеаларни ёритиш учун мазкур муаллифларнинг асарларидаги тарихий воқеалар баёнидан фойдаланган бўлса ҳам, уларни тўлиғича келтирмай, фақат асосий мазмунини бериш, зарур ҳолларда мавжуд назмий мисраларни олиш билан кифояланган. Комёб асарини у фойдаланган асар билан қиёслаганимизда “Таворих ул-хавонин” мундарижаси салафлари асарлари мундарижасини такрорлаши билан бирга асар тили ва баён услубида ҳам ўхшашлик мавжудлиги сезилади.

Хусусан, Муниснинг “Фирдавс ул-икбол” асари беш боб ва хотимадан иборат бўлиши назарда тутилган. Асар Шарқ тарихнависларининг анъанавий тарзда ҳамд, наът, муаллифнинг ўзи ва китобнинг ёзилиш сабаблари ҳақидаги маълумотлардан сўнг асосий қисмга киришилган.

Биринчи боб-Одам атодан Нух пайгамбар авлодигача бўлган ходисалар ҳақида, иккинчи боб – Ёфасдан Кўнғирот шўъбасигача бўлган мўғул ҳукмдорлари ҳақида, учинчи боб -- Курлос авлодига мансуб подшоҳлар даврида содир бўлган воқеалар ҳақида, тўртинчи бобда Элтузархоннинг ота-боболари ҳақида ва бешинчи бобда Элтузархоннинг туғилишидан то асар ёзилиб тамом бўлишига қадар бўлган воқеалар қаламга олинган. Хотимада муаллиф Элтузархон даври олим, шоир, уста, рассом ва ўша даврнинг кўзга кўринган кишилари ҳақида маълумот беришни ҳам мақсад қилган. Лекин, асар ниҳоясига етказилмаганлиги сабабли режалаштирилган маълумотлар кирмай қолган. Чунончи, Баёний “Шажараи хоразмшохий”да мазкур ишнинг амалга ошмай қолганлигини куйидагича ачиниш билан қайд этган: “Мунис мироб хотимада ул асрдаги авлиёю изом ва уламои киром ва умарои зулихтишом ва сохиби давлат беклар ва закий табъ шоирлар ва донишманд ва фозиллар ва Фалотунфитрат хирадмандларнинг ва яна ул ошонда зухуриға еткан баъзи умури ғарибанинг зикрин айтмакчи эркан. Аллоҳқулихон айтадурларким, онинг хотимасин ҳам муаллифнинг мақсудича баён эткин. Бу кунда ҳақирға ул кудрат йўқдур. Токим хотимани ул зоти шарифларнинг ҳолатлари зикри била тамом этолғаймен.

Навучунким, ул воқеот китоб қайдиға кирмай қолибдур. Баъзи аҳд сабабидин они билур киши ҳам йўқ турур. Даригким, умр қискадур”¹.

Огаҳийнинг “Риёз уд-давла” асарида эса, 1825 йилдан 1842 йилгача Аллоҳқулихон Хива хонлигида ҳукмронлик қилган даврда рўй берган воқеалар ёритилган. “Зубдат ут-таворих”ида 1842 йилдан 1846 йилгача Раҳимқулихон ҳукмронлик давридаги воқеалар баён қилинган. “Жоме ул-воқеоти султоний”да 1846-1855 йиллар оралигида ҳукмронлик қилган Муҳаммадаминхон, Саййид Абдуллохон ва Қутлукмуродхонларнинг хонлик даври қаламга олинган. “Гулшани давлат”да Саййид Муҳаммадхон даври (1856-1865), “Шоҳиди иқбол” Муҳаммад Раҳимхон иккинчининг ҳукмронли даври (1865-1910) воқеаларини қамраб олган².

“Шажараи хоразмшоҳий”нинг мундарижаси ҳам ўзига хос. Асар ўн олти бобдан иборат. Биринчи боб – Одам алайҳис саломдан Нух авлодигача. Иккинчи боб – Ёфасдан-Қўнғирот шўъбасигача ўтган мўғул хонлари ҳақида. Учинчи боб – Қурлос авлодидан хон бўлганлар ҳақида бўлиб, уларнинг охиригиси Абулғозихондир. Тўртинчи боб – Элтузархоннинг ота ва боболари ҳақида. Бешинчи боб – Муҳаммадамин иноқнинг ҳукмронлик вақтидаги воқеалар ҳақида. Олтинчи боб – Авазбий иноқнинг қилган ишлари ҳақида. Еттинчи боб – Элтузарнинг авлодлари ва унинг даврида бўлган воқеалар. Саккизинчи боб – Муҳаммад Раҳим биринчи ҳукмронлиги даври воқеалари ҳақида. Тўққизинчи боб – Аллоҳқули ҳукамронлиги давридаги воқеалар. Ўнинчи боб – Раҳимқули ҳукмронлиги даври, ўн биринчи боб – Муҳаммадаминнинг ҳукмронлиги, ўн иккинчи боб – Абдуллахоннинг ҳукмронлиги, ўн учинчи боб – Қутлукмуродхоннинг ҳукмронлиги, ўн тўртинчи боб – Саййид Муҳаммадхон, ўн бешинчи боб – Муҳаммад Раҳим ва ўн олтинчи боб – Асфандиёрхон даврига бағишланган³.

“Таворих ул-хавонин” асари беш бобдан иборат: I боб-Одам атодан Нух э.с.гача бўлган давр зикри II боб – Ёфасдан қўнғирот уруғи воқеасигача; III боб – Қурлос авлодидан подшоҳлик мартабасига етганлар зикри: IV боб – Қўнғирот подшоҳларининг ва улар-

¹ Қаранг: Баёний. Шажараи хоразмшоҳий. ЎзРФА Шарқшунослик институти. Инв. 9596. 46-варақ.

² Қаранг: Муниров Қ. Мунис, Огаҳий ва Баёнийларнинг тарихий асарлари. – Т.: Фан, 1960. – Б. 38-52.

³ Қаранг: юқоридаги асар. – Б. 51-52.

нинг авлодларининг зикри; V боб- Муҳаммад Амин инокнинг авлодларидан Хоразм мамлакатида подшоҳлик қилганларнинг зикри ва хотима. Мундарижаданок, “Таворих ул-хавонин” салафлари асарларининг мазмунини айрим жиҳатлари билан такрорлаши кўринади. Асарнинг биринчи-тўртинчи боблари “йиғма” (бошқа тарихий асарлардаги воқеалар баёни саралаб олинган) характерга эга. Шу билан бирга бешинчи бобда Комёб Огаҳийнинг “Риёз уд-давла”, “Зубда ут-таворих”, “Жомеъ ул-воқеоти султоний” сингари ҳар бири битта ҳукмдорнинг фаолиятини ёритишга қаратилган йирик асарларининг асосий мазмунинигина бериб ўтган. Масалан, “Риёз уд-давла”да 1825 йилдан 1842 йилгача бўлган катта даврда ҳукмронлик қилган Аллоҳқулихоннинг хонлик фаолияти кенг кўламда ёритилган бўлса, “Таворих ул-хавонин”да уч-тўрт саҳифа ҳажмида мазкур хон фаолиятига умумий баҳо бериб ўтилган. Худди шунингдек, Рухимқулихоннинг даври ҳам қисақча экскурс билан чекланилган.

Айни чоғда “Таворих ул-хавонин” Огаҳийнинг “Шоҳиди иқбол”, Баёнийнинг “Шажараи хоразмшоҳий” каби асарларининг Феруз ҳукмронлиги даврини ёритишда ҳам бир-бирини тўлдирувчи маълумотларга эга. Хусусан, асарнинг қимматли бўлган қисми – муаллифнинг ўз ҳаёти ҳамда ижтимоий муҳит тўғрисида маълумот берувчи бир мақола ва хотима қисмидир. “Таворих ул хавонин” ана шу жиҳати билан Муниснинг “Фирдавс ул-иқол”ининг амалга оширилмаган қисми ёдга солади.

Бу қисмда Комёб хон оиласи аъзоларининг ҳаёти, хонликнинг рус кўшинлари томонидан босиб олинishi, шунингдек, ўз даврининг эшон ва шайхларнинг давлат бошқарувига таъсири, кароматлари, мавжуд тасаввуфий тариқатлар, уларнинг турмуш тарзи, сулук одоб-ахлоқ қоидалари каби масалалар ҳақида қимматли маълумотлар берилган.

Жумладан, асарда Умар эшон деган шахс тўғрисида сўз борганда қуйидагича ёзади: “... Умар эшонимиз марҳумий билан отам мағфурий қиёматлик ота ва ўғил эрдилар. Бизлар шул жиҳатдин эшон бобо дер эрдик. Мен аксар вақтлар кичик замонимда ул ҳазратнинг муборак бобаракот ёнларида бўлар эрдим. Ул бузрукворни билгич одамлар замонининг кутби дер эрдилар. Филвоқеъ, рост дейилса ҳам, ёлгон бўлмас эҳтимоли бор. Валоят макомин макон этган эрдилар. Андоқким, бир кун отамни кўргали келганларида

Сўфи сарҳанг йўлида айвончада ўлтиргон эркан. Туриб салом бериб, яна жойида ўлтириб, кўнглига келтирибдурким, агар валий бўлса, мулозаматлик этиб, бу жойга келмас эрди, деб. Ул ҳазрат койтиб чикқонларида яна туриб салом бериб, кўл қовуштуруб турдилар. Ёнига келган вақтларида туриб, тўбих (дакки бериш) ва сарзаниш била дедиларким, “Сўфи отини кўтаргунча, кўнглингни ростла. Подшоҳларнинг даргоҳига яхши ҳам ямон ҳам келурлар. Ҳатто, ҳазрати Хизр алайҳиссалом ҳам келур”, – деб у киши билан боғлиқ кизиқарли воқеани баён қилган.

Қатағон мавзесида яшовчи машҳур обид ва зоҳид Исмоилхўжа эшоннинг қай тарзда ибодат билан шуғулланиши, турмуш тарзи хусусида, чоткўфрикли ҳазрати Ибодулло эшон дохил бўлган сўфийлик тарикатининг зикр тушиш одобини баён қилишга эътиборини қаратади.

Яна “Эшон чафидоғи ҳазрати Саййид Абдулло пиримиз била муносабатим бор эрди. Гоҳ баногоҳ ёнимга келур эрдилар. Токи отни ялғотиб, кўпинча от устида гузар этар эрдилар. Ва гоҳ уйларида ташқариға чиқмайин беш-олти ой ўлтурур эрдилар. Чихилладин чиқгон кунлари семириб, от чекмас янглиғ бўлиб, “ҳой-ху” деюб, от чопиб, беш-олти ой кезиб, ориқлаб, қоқ устихон бўлиб, яна чихилла ўлтурур эрдилар”, – деб ёзади.

Комёб ҳазораспик пири ҳазрати Муҳаммадшариф ва унинг нақшбандия сулукида эканлиги ҳамда қаландархонада мақом тутганлигини билдириб:

“Тарки дунё айламак бўлса қаландар варзиши,
Жумладиң Ҳақ ёнида ортуқдур онинг зебиши”

(7717, 201а-варақ)

мисраларини келтириб ўтади. Бу билан муаллиф қаландар одоби қай йўсинда бўлмоклигига ишора қилади.

Муаллифнинг Ғозиободдаги ҳазрати Улуғжон эшон тўғрисидаги маълумотлари ҳам ниҳоятда аҳамиятли. Ушбу маълумотда сўфийларнинг зикр тушиш қоидаси борасида сўз юритади: “...Сухбати жаҳрлари бу тариқада эркан: жаҳр халқасига кўхна сўфийлари кириб, тоза сўфийлари халқа ташқарисида туриб жаҳр этар эрканлар... гоҳ-багоҳ сўфийлари била келиб, зиёфат олиб, масжид ичида суҳбат тузуб, жаҳр қилар эрдилар”.

Хулоса қилиб айтганда, “Таворих ул-хавонин”нинг мундарижаси қайд этилган жиҳати билан салафлари асарларидаги Хива

тарихининг ижтимоий, маданий, маънавий ҳаётини тадқиқ этиш, бу даврга оид тарихий маълумотлардаги бўшлиқни тўлдириш ва мукаммалаштиришга хизмат қилади.

Олдинги бобда “Таворих ул-хавонин”нинг 3730/ рақамли қўлёзмаси майда ҳарфлар билан кейинчалик муаллиф томонидан баъзи ҳолларда воқеа тафсилотини мукаммаллаштириш, баъзан эса тасвирларга аниқлик киритиш учун сўз, жумла ёки бирор абзац даражасида киритмалар қўшганлигини айтиб ўтган эдик. Ана шундай киритмалар айрим варақларнинг ҳошиясида зич ва кетма-кет бир нечтасининг келганлиги боис уларни керакли ўринга жойлаштиришда мураккабликни туғдиради. Бу киритмаларни ўз ўрнида жойлаштириш учун котиб айтилаётган воқеадан хабардор бўлиш ёки муаллифнинг бевосита иштироки асосида қўлёзмани кўчириши керак бўлади. Шу боис 7717 рақамли қўлёзмада шу сингари киритмаларнинг кўплари котиб томонидан тушириб қолдирилган. Бундай тушириб қолдирилган киритмаларнинг айримлари деярли асар матнига ҳеч қандай путур етказмайди. Лекин, баъзи тушириб қолдирилган ўринлар воқеалар баёнига бевосита алоқадор фактлар бўлиб, уларнинг тушиб қолиши оқибатида асарнинг илмий қиммати пасаяди. Ана шу сабабли уларнинг баъзилари котиб, баъзилари муаллиф дастхати билан тўлдирилган.

Жумладан, муқаддимадаги *گهی علم اهلی غه هم صحبت اولدیم* деб бошланувчи маснавийнинг бир неча байти 3730/ рақамли қўлёзмада ҳошияда ёзилган бўлишига қарамай 7717 рақамли қўлёзманинг котиби қолдириб кетган ва кейинчалик ҳошияга кўчириб қўйган.

3730/ рақамли қўлёзма 15б-варақнинг ҳошиясида ушбу байтидан сўнг:

ذقن ساری کوزوم توشتی بناگاه
ایکاندور سیم خاملیغ بیله دیلخاه

қуйидаги байтлар қўшилиши кераклигига ишора қилинган:

گه رقبه گردنی اوزیگه لایق
باقرغه بس عجایب دور موافق
یقاسن آچسسه عشرت شمالی
کورینور صدری آیدیندیک مثالی
بیلینور عیش رفعت انده
که سیب نارینی شیرین جهانده
یدیغه لحظه کوز سالدیم من انی

قويوبدور حجلتده حور جنانی
بیلاک ترسکی نسریندین خوب
ولی بارماقی مرغوب کف محبوب
مونینگ سونگغیدین بیان قیلماقنی عشاق
لزوم ایتمایدور هیچ شایر در آفاق

3730/І рақамли қўлѐзманинг 17б-варақниг хошиясидаги мана бу қитъа:

شیطان نی اصلی دیو لعین ایردی نعتی
بولدی سبب تمریدیغه اوشبو نسبتی

7717 рақамли қўлѐзманинг 20 б-варағида дастлаб тушириб қолдирилган. Кейинчалик 3730/І рақамли қўлѐзма хатига ўхшаш хат билан тузатиш киритилган.

7717 рақамли қўлѐзманинг 43б-варағидаги Таним Кўргоннинг зикри фаслида, қуйидаги “Олти юз ўтуз учда ҳам дебдурлар жаҳони фонийдин олами боқийға азимат қадамин қўйғали муборизот кўргузуб, интиқол карнайин чертиб, рихлат одиға суворий бўлуб, ато ва бобосининг ёниға бормоқни” жумласидан сўнг “ор номус ила” сўз бирикмаси, ундан кейин, “тарк этиб” ундан сўнг “ташлаб” сўзи, “авлоди учун бошқа бир роҳи омма бошлаб” жумласидан сўнг қуйидаги لاری اولغی ابای کرامی و اجداد ذوالاحترامی طریق سلسله سین یعنی اولغی ابای کرامی و اجداد ذوالاحترامی لاری اوشلاب жумласи кўчирилмай қолиб кетганлиги учун 3730 рақамли қўлѐзманинг 37а-варақниг хошиясидаги киритмалар асосида тўлдирилган.

3730/І рақамли қўлѐзманинг 68а-варағи хошиясидаги қуйидагича бошланган: دين اولی اول طریقہ ده و آخری بول طرزى بولغانلیقى جهتی دین деб бошланган жумла 7717 рақамли қўлѐзманинг 70б-варағига кирмай қолганлиги учун муаллиф томонидан кўчириб қўйилган.

7717 рақамли қўлѐзманинг 57а-варақдаги Оқмон Баҳодирнинг зикри фаслида پنج اورگنج خان ایلبرس جوملاسیدан сўнг 3730 рақамли қўлѐзманинг 52б-варақниг хошиясида ушбу: مما لیکنی تمام تحتی تصرفیغه کيوروب و خوارزم غوغای رزم شرش حزم تحتی تصرفیغه қолиб кетган ва кейинчалик киритилган.

Яна шу қўлѐзманинг 169а-варақда Саййид Муҳаммад хоннинг зикри фаслида ушбу: جمع نظر ایشان و حضرت محمد کریم ایشان و حضرت جملة سيدین قاضی عسکر عبد رحيم مخدوم ایشان و محمد صالح قاضی عسکر عبد رحيم مخدوم ایشان و محمد صالح қуйидаги

қадам бардам кўймай, ондоқким олар подшоҳлиги таърифида
Мунис мироб дебдур, байт” деб, Аваз иноқнинг тахтни эгаллаши
муносабати билан ёзган таърихидан қуйидаги парчани келтирган:

Авазбий иноқи шаҳаншоҳи дин,

Бинни хони Хивақ Муҳаммад Амин (3730/1, 876-варақ).

“Таворих ул-хавонин”да Муниснинг шеъри таърих эканлиги
айтилмаган ҳолда унинг бир байти келтирилган. Ушбу таърих
Муниснинг “Фирдавс ул-иқбол”да мавжуд бўлиб, 39 байтдан иборат.
Комёб асаридagi парча таърихнинг 29-байтига тўғри келади.
Унгача бўлган байтларда Мунис Аваз иноқнинг мамлакатни мустақамлаш,
Тўра сўфи каби Кўнғиротни Хивадан ажратиб олишни мақсад қилган
фитначилар билан олиб борган жанглари ва зафарли юришларини эсга олиб ўтиб,
уни олқишлаган. Лекин, Комёб асарда Аваз иноқ фаолиятини ёритиш учун
озгина ўрин ажратилганлиги боис, таърихнинг тўла матнини келтириш
мақсад қилинмаган. “Фирдавс ул-иқбол”да таърих берилган байт қуйидагичадир:

که بو یل گه هجرت بله تا بودم مینگ ایکی یوز ایردی اون آلتی هم

Ундан мелодий йил ҳисобига кўра 1801-02 йиллар чиқади.

Шунингдек, асарда Аллоҳқулихоннинг вафоти муносабати билан
Огаҳий томонидан ёзилган қуйидаги таърих ҳам берилган:

Аллоҳқулихон маъдалат кияш,

К-он шоҳи фалак жаноб омад.

Аз неъматин илтифоти омаш,

Олам ҳама баҳраёб омад.

Сарҳойи шаҳони ҳафт иқлим,

Дар раҳгузараш туроб омад.

Жисми адувон зи хавфи қаҳраш,

Бар раъшаву изтироб омад.

Ногоҳ сипехри бемадуро,

Бар гардиши инқилоб омад.

Аз ҳукми қазо ба бистари марг,

Он шоҳи жаҳон баҳоб омад.

Дар мотамаш оҳи оташолуд,

Дилсўзи шайху шоб омад.

Таърих бар ин воқеа гуйи,

Фикри ту бaси савоб омад.

Гуфт аз сари осмон гузашта,

Маҳ рафтаву офтоб омад. (7717, 117а-варақ)

Ушбу таърих Ф.Ғанихўжаев томонидан тузилган танкидий матнда 19 байтдан иборат бўлиб, “Таърихи вафоти Аллоҳқулихон ва жулуси Раҳимқулихон” деб номланади. Комёб асарида эса, унинг 9 байти танлаб олинган. Шу боис айрим ўринларда шеър мантиқий давом этмай қолган. Ўз навбатида олинган матнда ҳам айрим фарқ мавжуд. Бу фарқ “Таърих бар ин воқеа гўйи” мисрасида бўлиб, танкидий матнда “Таърих бар ин ду воқеа гўйи” шаклида. Таърих Аллоҳқулихоннинг вафоти ва Раҳмонқулихоннинг тахтга ўтириши мунсабати билан ёзилганлиги боис, шу мисра орқали Огаҳий матнида бир йўла бу икки воқеага ҳам ишора қилиб кетган. Лекин, Комёб матнида “ду” сўзи тушириб қолдирилган ва таърих фақат Аллоҳқулихоннинг вафотига тегишлидек мазмун касб этган.

Худди шу таърих Баёнийнинг “Шажараи хоразмшоҳий”сида ҳам мавжуд бўлиб, унинг 10 байти йўқ. Шундай бўлса-да, Баёний ва Комёб матни асосида Ф.Ғанихўжаев томонидан тузилган танкидий матнда сакталиклар мавжудлигини аниқлаш мумкин. Чунончи, танкидий матндаги тўртинчи байт мана бундай:

Жисми адувон зи хавфи қаҳраш,
Пур раъшаву изтироб омад¹.

Баёний ва Комёб матнида эса қуйидагича:

Жисми адувон зи хавфи қаҳраш,
Бар раъшаву изтироб омад.

Маълумки, Шарқ адабиётида сифатларнинг кетма-кет синоними қўллаш орқали воқеа ёки предметнинг ҳолатини бўрттириб кўрсатиш оммавийлашган ҳолдир. Бу ўринда ҳам худди шу ҳолат мавжуд бўлиб, Огаҳий хоннинг қаҳридан душманларнинг титроққа келганини “Бар раъшаву изтироб омад” сўзлари орқали берган. Танкидий матнда эса, “бар” сўзи “пур” тарзида нотўғри талқин қилинган.

Шунингдек, Шарқ китобнавислигига хос тарзда котиблар томонидан “ва” боғловчиси кўпгина ҳолларда тушириб қолдирилади². Буни котиблар ёзишни тезлаштириш мақсадида амалга оширганлар. Ф.Ғанихўжаев фойдаланган матнида “раъша” ва “из-

¹ Ғанихўжаев Ф.А. Огаҳийнинг “Таъвиз ул-ошиқин” девони ва унинг илмий-танкидий матни. Фил.фан. док. дисс.... –Т., 1998. Танкидий матн 2-жилд. “Ашъори форсий” қисми. – Б. 42.

² Бу тўғрида қаранг: Самойлович А. Два отрывка из “Хорезм-намэ”. – Санкт - Петербург: Типография императорской академии наук, 1909. – С. 8.

тироб” сўзлари аслида “ва” боғловчиси орқали боғланган бўлса ҳам, котиб томонидан боғловчи тушириб қолдирилган. Танқидий матнда бу ҳол ҳисобга олинмай, икки сўз изофий боғловчи орқали ўқилган ва оқибатда мисра мазмуни мавхумлашиб қолган.

Шунга ўхшаш яна бир мисол:

Огаҳий ба фикр буда як шаб,
К аз хотифаш ин хитоб омад.
Таърих бар ин ду воқеъа гўй,
Фикри ту базе савоб омад.

Баёний матнида ушбу кўринишда кўчирилган:

Огаҳий, ба фикр будам имшаб,
Аз хотифам ин хитоб омад:
“Таърих бар ин ду воқеъа гўй,
Фикри ту базе савоб омад”.

Иккала матн қиёсланса, улар “як шаб” ва “имшаб” сўзлари орқали фарқланиши кўринади. Бизнингча, Баёний матни тўғрироқ. Чунки, унда таърихнинг айнан Аллоҳқулихоннинг вафот этган ва Раҳмонқулихоннинг тахтга ўтирган куни гўёки илоҳий хабардан илҳомланиб айнан ўша куни битилганлиги “имшаб” сўзи орқали билдирилган. Танқидий матнда эса, “як шаб” сўзи орқали бу аниқлик йўқолган. Баёний матнидан таърихнинг қайси куни битилганлигини ҳам билиб олиш мумкин.

Худди шундай матний фарқларнинг эътиборлиси таърих моддаси чиқариладиган сўнгги байтда бўлиб, танқидий матнда:

Кифт аз сари осмон гўзашта,
Маҳ рафтаю офтоб омад.

Комёбда:

Гуфт аз сари осмон гузашта,
Маҳ рафтаву офтоб омад (7717, 117 а-варақ).

Баёнийда:

Гуфтам зи сари адаб гузатта:
“Маҳ рафтаву офтоб омад”¹.

Танқидий матн ва Комёб келтирган матнга аҳамият берилса, иккаласи бир манбадан олинганлиги сезилади. Лекин, танқидий матнда “гуфт” сўзи “кифт” тарзида ўқилиб, умуман тушунарсиз ҳолатни юзага келтирган. Огаҳий бу байт орқали айтмоқчи бўлаётган

¹ Баёний. Шажараи хоразмшоҳий. ЎЗР ФА Шарқшунослик институти. Инв. 9596. 311а-варақ.

фикрида сакталиқ мавжудлигини олдинги байтлар билан мантикий боғланмаётганлигини оддий ўқувчи ҳам англай олади. Бу сакталиқ Баёний матнида баргараф қилинган ва уни танқидий матн учун асос қилиб олиш ўринли бўлади.

Яна асарнинг Муҳаммад Аминхоннинг зикрига бағишланган қисмда қуйидаги тўрт мисра шеър берилган ва “Онинг жулусида шоири мазкур демисдурким”, дея бу мисраларнинг муаллифи кимлиги кўрсатилмаган:

Шаҳи кишваргушо Муҳаммад Амин,
Сарвари Хисравон, чархи ҳашам.
Дар жаноби рафеъ манзилаташ,
Бандаи камтарин Сикандару Жам. (7717, 1266-варақ)

Бу шеърдан олдин эса Огаҳийнинг Аллоҳкулхон вафоти муносабати билан битилган таърихи келган. Шу боис Комёб бу ўринда ҳам Огаҳийнинг номини қайта зикр қилиб ўтирмасдан “шоири мазкур” деб қўя қолган. Ушбу шеър аслида 13 байтдан иборат бўлиб, “Таворих ул-хавонин”да унинг биринчи ва бешинчи байтларигина олинган. Қолган байтлар тушириб қолдирилган.

Огаҳийнинг Саййид Муҳаммадхоннинг тахтга ўтириши муносабати билан ёзилган етти байтдан иборат “Шоҳи олий манзалат” деб бошланувчи таърихи асарга тўлиқ киритилган. Таърихнинг биринчи байти танқидий матнда қуйидаги кўринишга эга:

Шоҳи олий манзилат к-аз иртифои ҳимматаш,
Махжари иқбол ўро довари даврон бигуфт.

Байтда “махжар” сўзи мазмунни тушунишга ҳалал бермоқда. Ушбу сўз Комёб матнида “мухбир” тарзида ёзилган. Агар танқидий матндаги “махжар” сўзининг ўрнига “мухбир”ни қўйиб ўқилса, шоир айтмоқчи бўлган фикр ойдинлашади. Яъни ундан “мухбири иқбол” – “келажак хабарчиси” хоннинг одиллик билан узоқ йиллар ҳукмронлик қилиши ҳақида хабар қилди, деган мазмун чиқади.

Шу таърихдан кейин Яъқубхўжа девон Холиснинг ҳам Саййид Муҳаммадхоннинг тахтга ўтириши муносабати билан битган қасидаси ҳам илова қилинган. “Таворих ул-хавонин”да қасида қитъа деб айtilган ва тўрт байти келтирилган. Қасида Холис девони қўлёзмасида 31 байтни ташкил қилади. Комёб асарида эса унинг фақат 18, 19, 20 ва 22 - байtlари мавжуд.

Асарга мазкур воқеа муносабати билан Муҳаммадназар Муншийнинг 15 байтдан иборат қасидаси ҳам киритилган.

Мунший девони қўлёзма нусхаларини топиш имкониятига эга бўлмаганимиз учун қасида матнини қиёслай олмадик. Шундай бўлса ҳам, мазкур қасида орқали Мунший шеърини юзасидан тасаввур ҳосил қилишимиз мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, “Таворих ул-хавонин”га кирган турли шоирлар қаламига мансуб шеърини парчалар, мазкур ижодкорлар асарларининг мукамал матнини яратишда ҳам эътиборли манба вазифасини ўтай олади.

“Мунтахаб ул-воқеот” нинг матний тадқиқи

“Мунтахаб ул-воқеот” уч боб ва хотимадан иборат. Биринчи бобда Одам алайҳиссаломдан Нух алайҳиссалом авлодигача бўлган воқеалар хусусида сўз юритилса, иккинчи бобда Ёфасдан Кўнғирот уруғигача бўлган воқеалар баён қилинган. Муаллиф унда Турк наслининг пайдо бўлиши ва уруғлари хусусида маълумотлар беради. Жумладан, қиёт, қипчоқ, қангли уруғларининг ташкил топиши, уларнинг мазмуни хусусида сўз юритаркан, бу тўғридаги батафсил маълумотлар мавжуд бўлган манбаларни ҳам айтиб ўтади. Ушбу бобда “Таворих ул-хавонин”даги каби асосий диққат-эътибор кўнғирот уруғининг пайдо бўлиши, унинг тармоқлари, бу номнинг келиб чиқиш тарихи, мазмуни сингари масалаларни ёритишга қаратилган.

Учинчи боб икки фаслдан иборат. Биринчи фасл Элтузархоннинг Хоразмда хонликни эгаллаши ва ҳукмронлик даврини ўз ичига олса, иккинчи фасл турли даврларда яшаган таниқли кишиларнинг ҳаётига оид қайдлар, улардан чиқарилган хулосалар, Комёб ва бошқа муаллифларнинг ранг-баранг мавзуга оид шеър ҳамда турли хабарлардан ташкил топган. Бу боб Саййид Муҳаммадхоннинг вафоти ҳақидаги қайдлар билан якунига етган. Шу билан бирга Комёб ўша ўринда ота-боболарининг шажараси хусусидаги маълумотларни ҳам ҳавола этган.

Асарга муқаддима ёзилмаган. Бунга сабаб муаллиф унинг муқаддима қисмини ҳам “Таворих ул-хавонин”га ўхшашлигини назарда тутган. Айни шу мақсадни баён қилувчи изоҳда: “Бу китоб “Тарвоих ул-хавонин”дур, ҳошиясиға ёзғоним “Мунтахаб ул-воқеот”дур иккисининг ҳам деб-часи бир тариқададур деб, аввалидин ёзмай Одам алайҳиссаломдин бошлаб мунга ёздим. Агар “Мунтахаб ул-воқеот”ни мундин ўтқариб ёзмок истаса, ҳар киши-

ким дебочанинг аввали “Бисмиллохир раҳмонир раҳим”дан ибтидо қилиб ёзсин”, – деб қайд қилинган (16-варақ).

“Мунтахаб ул-воқеот” мундарижасининг “Таворих ул-хавонин”га яқинлигининг ўзиёқ, иккала асар айрим жиҳатлари билан ўхшаш эканлигини англатади. Муаллифнинг билдиришича, баъзи йиғиб юрган маълумотлар қолиб кетмасин деган мақсадда уларни саралаб тартибга келтирилган. Шу боис ҳам китоб “Мунтахаб ул-воқеот” деб номланади. Гарчи “Мунтахаб ул-воқеот” мазмун жиҳатдан “Таворих ул-хавонин”ни такрорласа-да, ундаги айрим маълумотлар фақатгина унда мавжуд бўлиб, кўнғирот хонлари тарихига оид манбаларни бойитиш учун хизмат қилади. Юқорида қайд қилиб ўтганимиздек, Комёб аждодлари шажараси борасидаги қайдлар “Таворих ул-хавонин”да мавжуд эмас.

Учинчи бобдаги тарихий воқеалар баёни кўпроқ афсона ва ривоятларни эсга солади. Ўз навбатида муаллиф бирор воқеа ҳақида гапираётиб, уни батафсил баён қилишга ҳаракат қилмайди ва бу борада мукамал маълумотга эга бўлишни истаган одам қайси манбага мурожаат қилиши мумкинлигига ишора қилиб ўтади. Шу билан бирга муаллиф келтирилаётган воқеалардан маълум хулосалар чиқаришга ҳаракат қилади.

Чунончи, мўғуллар босқини ва улар етказган талофатлар, Муҳаммад Хоразмшоҳнинг тадбирсизлиги оқибатида қудратли давлатнинг душман оёғи остида топталганлиги, шох умрининг сўнгги дамларини дарбадарликда ўтказиб, ҳатто, кафанлик насиб қилмаганлигини ачиниш билан ёзади. Шу билан бирга, ёвуз душман ҳаётдан олинган бир ибратли ҳикоятни ҳам келтирган. Унга кўра, Чингизхон ўлими олдидан ўғилларини чақириб, учта ўқ-ёй келтиришни буюради ва уларни якка-якка осонлик билан синдириб кўрсатади. Кейин учаласини бирлаштириб, бирлашган ўқларни синдириш қийинлигини ҳам намоён қилади. Чингизхон бу билан ўғилларига ана шу ўқлардек ҳамжихат бўлинг, дея васият қилади. Бу ҳикоятни келтириш билан Комёб ўқувчиларни ҳам мазкур ҳикоятдан тегишли хулоса чиқаришга ва ўша учта ўқ-ёй сингари бир-бирларига жипслашишга чақирган (316-варақ).

Қайд қилиб ўтганимиздек, Комёб бу асарда ҳам турли воқеалар баёнига мос келадиган айрим шоирларнинг ижод намуналаридан келтирган. Хусусан, Огаҳийнинг Саййид Муҳаммадхон вафоти муносабати билан ёзган ўн беш банддан иборат марсия мусаддаси

ҳавола этилган. Ушбу марсия мусаддас Ф.Ғанихўжаев томонидан тузилган танқидий матндан ўрин олмай қолган. Мусаддас Огаҳийнинг “Гулшани давлат” асарида ҳам мавжуд бўлиб, Комёб асаридаги матни билан қиёсланганда айрим матний фарқларнинг мавжудлиги аниқланди¹.

Ушбу фаслдаги тадқиқот натижаларидан куйидаги хулосаларни чиқариш мумкин:

1. “Таворих ул-хавонин”нинг мандарижаси қайд этилган жиҳати билан салафлари асарларидаги Хива тарихининг ижтимоий, маданий, маънавий ҳаётини тадқиқ этиш, бу даврга оид тарихий маълумотлардаги бўшлиқни тўлдириш ва мукаммалигини таъминлашга хизмат қилади.

2. “Таворих ул-хавонин” қўлёзмаларининг матний қиёси 3730/І рақамли автограф нусхасидаги маълумотлар 7717 рақамли қўлёзмага муаллиф иштирокида кўчирилганлиги, айти чоғда биринчи қўлёздаги киритмалардаги тарихий воқеалар баёнидаги аниқликнинг йўқолишига сабаб бўлмайдиган қисимлари тушириб қолдирилганлигини кўрсатади. 853/ІІІ рақамли қўлёзма асарнинг тўла бўлмаган нусхасидир.

3. “Таворих ул-хавонин”даги Огаҳий, Холис, Мунший каби муаллифлар қаламига мансуб шеърлар қиёси асарнинг мазкур ижодкорлар асарларининг мукамал мундарижасини тиклашда ўзига хос манба эканлигини кўрсатади.

4. Саййид Ҳомид тўраининг “Мунтахаб ул-воқеот” асари ҳам бадий-тарихий асардир. Берилган тарихий маълумотлар, улар юзасидан муаллиф томонидан билдирилган хулосалар, ўша давр адабиёти, адабий муҳити, муаллиф дунёқараши, шунингдек, тарихнависликнинг ўзига хос жиҳатларини тадқиқ этишда қимматли манба бўла олади.

¹ Бу матний фарқлар иловада кўрсатилган.

Шоир асарларининг мавзу кўлами

Шоир асарларида қаламга олинган мавзулар доирасини тадқиқ этганимизда, улар орасида Аваз Ўтар, Доъий сингари Хива шоирларининг ижодида бўлгани каби замон билан ҳамнафаслик, воқеликни танқиднинг ўткир тиғи остига олиш руҳидаги байтлар учрамайди. Юқорида Лаффасийнинг Саййид Ҳомид тўра фарзандларини жадид мактабларида ўқитганлиги ҳақида берган маълумотларни келтирган эдик. Шундай бўлишига карамай, унинг асарлари мавзуини тадқиқ этганимизда XX аср бошларида юзага келган жадидчилик, тараққийпарварлик ва маърифатпарварлик ғояларидан илҳомланиб ёзилган ўринларни учратмадик. Бизнингча, шоир мазкур мавзуларга оид асарлар битган бўлиши ҳам мумкин ва фақат бу каби асарлари девони кўлёмаларига кирмай қолган. Шунингдек, бундай мавзудаги асарлари Феруз қариндошларининг совет ҳукумати томонидан таъкиб ва сургун қилинган вақтида йўқ қилинган бўлиши ҳам эҳтимолдан холи эмас. Комёб асарларида кўпроқ анъанавий мавзулар қуйланган. Биз уларни қуйидагича таснифладик: 1) Диний-маърифий; 2) Ахлоқий-таълимий ва ижтимоий-сиёсий; 3) Тасаввуфий; 4) Ишқ-муҳаббат; 5) Табиат ва фасллар тасвири.

Шарқ мумтоз адабиёти вакиллари ижодини ислом дини ғояларидан айри ҳолда тадқиқ этиб бўлмайди. Навоий ижодининг ана шу хусусияти юзасидан А.Ҳайитметов томонидан билдирилган қуйидаги хулосалар эътиборли: “Шарқ ўрта асрлари муҳотида Навоий ижодини баҳолашга умуминсоний кадриятлар нуқтаи назардан ёндашадиган бўлсак, Навоийнинг ва унинг асарларининг “Қуръон” ва “Ҳадис”ларга муносабати биринчи даражали аҳамиятга молик масаладир. Далиллар шуни кўрсатадики, бу масалада Навоий юксак даражада турган. У ҳеч қачон “Қуръон” ва “Ҳадис”ларга қарши борадиган йўлни тутмаган. Бу эса унинг асарларининг катта ва умумбашарий мазмун касб этишига олиб келган. Масалан, “Ҳадис”ларда “Ҳеч ким ҳеч кимдан ортиқ эмас”, “Ўзингга назар қил, сен кизил ёки қора танли одамлардан афзал эмассан, балки Тангридан кўрқиб ва тақво билангина фазилатларинг зиёда бўлиши мумкин”¹. Шу мазмундаги фикрлар Р.Воҳидов ва А.Рустамий-

¹ Ҳайитметов А. Навоийхонлик суҳбатлари. – Т.: Ўқитувчи, 1993. – Б. 35.

лар томонидан ҳам эътироф этилган¹. Ўз ўрнида А.Рустамий бундай руҳдаги асарларнинг маърифий характерга эга эканлигини айтиб ўтган². Шу хулосадан келиб чиққан ҳолда, Комёбнинг диний мавзудаги асарларининг маърифий характерини ҳам инобатга олиб, диний-маърифий мавзу сифатида талқин қиламиз.

Шоирнинг *диний-маърифий* мавзудаги асарларини ҳамд, наът ва диний аҳкомларга муносабатини билдирувчи шеърлар гуруҳига бўлиш мумкин.

Шоир ҳамд асарларида Тангрининг буюклигини кўрсатган. Мавзу тарихий асарларида тақдир ва тадбир қарама-қаршиликлари асносида билдиришга ҳаракат қилинган. Эсдалиқларда Аллоҳнинг яратувчилиги ва кудрати, Раззоқ экани ва инсоннинг ожизлиги табиат манзарасида ёрқин тасвирланади. Мисол учун, дебочада басамаладан кейин қуйидагича ҳамдала берилган: “Ҳамд ул Холиқи кулли шайъ ва Розиқи кулли ҳайғаким, исми сифоти Раҳмони-р-Раҳиму Гаффори-л-Кариму Қодиру-л-Жаббори-л-Яктову Воҳибу-л-Аътоёдур. Баъзиға Раҳмони-р-Раҳиму Гаффори-л-Карим сифати бепоён ва баъзиға Қодиру-л-Жаббору-л-Якто сифоти фарвондур, ул Худойиға ҳамди фаровон ва ситойиши бепоён сазовордурким, Одамни офтоби вужудин адам манзилгоҳидин жаҳон корхонаси арсасиға чиқорди”. (1а-варақ)

Ҳамдаладаги ушбу сўзлар А.Рустамий Навоий ижоди мисолида кўрсатиб ўтилгани каби, барча жонли ва жонсиз нарсаларнинг азалдан мавжуд бўлмай, улар Аллоҳ томонидан яратилганлигига ишора қилмоқда³. Шу сабабли, унда энг аввало, борлиқнинг ибтидоси хусусида сўз юритилади. Навбатдаги ўринда, “розиқи кулли ҳай” дейилиб, ҳар қандай тирик махлуқот, гарчи у тошнинг орасида бўлсин, унга фақат Парвардигоргина ризқ берувчи эканлиги улуғланган.

Тангри кудратини англашга интилиш, уни ўз асарларида ифода қилишга оид ўринлар Комёб асарларида ҳам учрайди. Жумладан, бир маснавийсида гўзалнинг хусну латофати, қадду қоматини тасвирлаб, юзи тўғрисида мана бундай ёзади:

¹ Қаранг: Воҳидов Р. Алишер Навоий ва илоҳиёт.–Бухоро: Бухоро, 1994. – Б. 7; Рустамий А. Адиблар одобидан адаблар. –Т.: Маънавият, 2003. – Б. 64-66.

² Рустамий А. Кўрсатилган асар, кўрсатилган бет.

³ Бу тўғрида қаранг: Рустамий А. Адиблар одобидан адаблар. –Т.: Маънавият, 2003. – Б. 65.

Юзи сориға боқдим ногаҳони,
Ҳақиқат нуридур онда аёни.

Ушбу байтда “ҳақиқат нури” сўзининг мазмуни нима эканлигига шоир девони кўлёмалари хошиясида изоҳ битилган. Фикримизча, изоҳ муаллифнинг ўзи томонидан ёзилган. Чунончи, 1005 рақамли кўлёмзада бу иборага изоҳ: “яъни, Аллоҳ Таолонинг килки сунъининг нури” (96-варақ) тарзида берилади. 3730 рақамли кўлёмзада эса “тасвири қудратнинг нури” (178а-варақ) дейилган. Гарчи иккала кўлёмзадаги изоҳ матнида тафовут мавжуд бўлса-да, иборатга юкланган мазмуннинг вазифаси Тангрининг яратувчилик, санъаткорлик, мусаввирлик қудратини англатиш эканлигини билдириш учун етарли бўлган.

Шарқ мусулмон адабиётида Муҳаммад алайҳиссаломни таъриф ва тавсиф этишга алоҳида эътибор қаратилади. Бундай таърифларнинг аксарида ул зотнинг ҳаёти ва фаолиятига доир бир мавзу турлича қуйланади. Чунончи, шеърятда пайғамбарни макташ, уни яхши сифатлар билан тасвирлаш наът дейилади¹.

З.Ғаффорова наът шеърларни васф, меърожнома ва шафоат деб ажратади. Саййид Ҳомид тўра асарларида Муҳаммад (с.а.в)нинг комиллик сифатларини очиб бериш учун анъанавий васф, меърожнома, ундан мадад истаб ёзилган муножот ҳамда шафоат билан бирга, ул зотнинг уммати эканлигидан фахрланиш руҳи билан йўғрилган фахрия наътлар ҳам учрайди.

Комёб пайғамбар умматларининг бахтли эканлигини ёзар экан, Тангри улар қаторига юрти аҳолисини ҳам қўшганлигига шукроналар айтади ва ўзининг шу жумладан эканлигидан фахрланади. Бу фахр мана бундай ифодаланган:

Бихамдуллоҳ, килай шукрин они ман,

Онга уммат этиб Хивақда маскан

(1005, 116^б-117^а- варақлар).

Манго берди бу янглиғ манзилат ҳам,

Тараххум қўб этиб Ҳақ, марҳамат ҳам.

(1005, 117^а-варақ).

Булар билан бир қаторда, шоирнинг дин моҳияти, арконларига муносабатини кўрсатувчи байтлари ҳам учраб туради. Хусусан, унинг “Рамазон” радифли ғазали эътиборли. Унда шоир:

¹ Бу тўғрида қаранг: Р. Воҳидов. Алишер Навоий ва илоҳиёт. – Бухоро: Бухоро, 1994. – Б. 208; Ғаффорова З. Навоийнинг ҳамд ва наът ғазаллари. – Т.: Маънавият, 2001. – Б. 62.

Қилди Ҳақ бандасига, сўфи, не фармон рамазон,
Рўзадорни қилур тонглада хандон рамазон.
Рамазон оий етушгач, ёғадур раҳмати абр,
Олама кун била тун бахшиши Субҳон рамазон –

(1005, 84а-варақ)

деб, диққатини муқаддас рамазоннинг руҳий покланиш, ибодат оийи эканлигини баён қилиш, яна бу ой яхши хулқ ва фазилатларни камол топтириш оийи эканлигини кўрсатиб беради.

“Таворих ул-хавонин”да тасаввуф таълимоти вакилларининг одобу ахлоқи, қонун-қоидаларига нисбатан муносабат билдирар экан, аввал шариат, сўнгра тариқат деган ғояни қуйидаги йўсинда ўртага ташлаган:

Нақшбанд ҳам кубравия, жаҳрия ҳам махфия,
Тўрт тариқ ҳам яхшидур, бўлса мувофиқи шаръия.

(7717, 200 а-варақ)

Байт мазмунига кўра тасаввуфнинг йўллари турлича бўлса ҳам, мақсад моҳияти жиҳатдан шариат аҳкомларидан чекинмаслиги керак, деган хулосани билдирган.

Умуман олганда, Комёбнинг диний-маърифий мавзудаги асарларида Тангрининг қудрати, Муҳаммад пайғамбарнинг сифатлари, Исломи динининг моҳияти, диний арконларнинг мазмуни каби масалаларни ёритишга асосий эътиборини қаратган.

Ахлоқий-таълимий ва ижтимоий-сиёсий мавзулар. Комёбнинг ижтимоий-сиёсий ғоялари марказида адолат масаласи туради. Унингча, ҳар қандай давлатда адолат меъёрлари бузилса, пойдеворида зарар етади ва фуқаронинг норозилигига сабаб бўлади. Шу боис у адолат масаласига алоҳида эътибор билан қарайди. Давлат сиёсатида адолатнинг устувор бўлишини ижтимоий тенгликни таъминловчи омил деб ҳисоблайди. Булар билан бирга давлат абдийлиги, аввало, давлат бошлиғининг сиёсатида боғлиқ деб ҳисоблайди. Шунинг учун ҳукмдорнинг адолатли, халқпарвар, давлатпарвар бўлишини истади. Худди шу маънода Ферузга бағишланган қасидасида хондан раият устида адлу инсоф билан сиёсат юргизиш, унинг асосий маслага бўлмоғи кераклигини эслатади. Бу борада эса хулафойи рошидин хислатларини ўзлаштирмақ зарурлигини уқдиради.

Алишер Навоий “Ҳайрат ул-аброр”да ҳукмдорнинг яхши ном билан эсланишида диний эътиқодини эмас, балки унинг амалга оширган хайрли ишларини биринчи ўринга қўйиб:

Шоҳки адл ила бунёд этар,

Адл бузуқ мулкини обод этар.

Кофири одил ани обод этиб,

Мўъминни золим ани барбод этиб, —

дейди¹. Бу борада Комёб ҳам “Таворих ул-хавонин” асарида ўзининг Навоий билан якдиллигини билдирган. Чунончи, ҳар бир инсон, хусусан, шоҳларнинг халқ хотирасида яхши ном билан қолиши тўғрисидаги қарашларини қуйидагича маълум қилади: “Аммо, оқил улдурки, бу дунёи бевафода бир неча кун баҳори умрин ғанимат онглаб ва охират сафари азимати учун солиҳ ишларга бел боғлаб, лутфу эҳсон эшигин очса ва ҳалимлик била ошно ва бегонаға сўз дуррин сочса, онинг учунким яхши ишларга ҳар ким журъат кўргузса, ондин инқирози оламғача яхши от ёдгор қолғусидур. Ва ҳар ким сафоҳат ишларга рағбат кўргузса, ондин ҳам ямон от ёдгор қолғусидур. Ва Ҳажжож мусулмон эрди, аммо золим киши эрди. Онинг овозаси тамом оламда ул жихатдин ямон от била шоедур. Ва Нуширавон ва Ҳотам агарчи кофир эрдилар, бири адл ва бири саховат сабабдин атрофи оламда яхши от била зоиъдурлар. Қитъа:

Жаҳонда яхшилиғ яхши экандур,

Кўрунғ Ҳажжожу Нўширвону Ҳотам.

Ямонликда бириси от чикормиш,

Иккиси яхшилиқда сурмиш адхам.

(7717, 66-7а-варак).

Комёб адолат борасидаги қарашларини “Мунтахаб ул-воқеот”да Саййид Муҳаммадхон вафотидан кейин тахтга ўтирган Муҳаммад Раҳимхон аркони давлат томонидан салтанатни бошқаришни қўлига олиши ва адолатли бўлиши зарурлиги ҳақида айтганлари билан боғлиқ ҳолда ҳам қайд этади. Ўша ўринда Комёб аркони давлатнинг адолат тўғрисидаги фикрларини ривожлантириб, давлат барқарорлиги, фуқаронинг садоқати ва осойишталиги подшоҳнинг адолатпарварлигига боғлиқлиги ҳақидаги қарашларини мана бундай ўртага ташлайди: “... Нединким, ҳар мамла-

¹ Алишер Навоий. Ҳайрат ул-аброр. Асарлар. Олтинчи том. — Т.: Бадиий адабиёт, 1965. — Б. 224.

катда подшохи аъзамнинг маъмур сиёсати бўлмаса, мулк бунёди хароб, харос маъдалати бўлмаса, фуқаро иши изтирор ва изтироб бўлмай” (За-варақ).

Шоирнинг адолат масаласи билан боғлиқ фикрлари “Таворих ул-хавонин”нинг иккинчи бобида кенгроқ қамровда баён этилган. Комёб ўтмишдаги туркий ҳукмдорлар, уларнинг фаолияти, давлатчилик тарихи тўғрисида маълумот берар экан, ҳар бирининг ўзига хос жиҳатларини кўрсатиб, ўша жиҳат давлати тараққиёти ва узоқ яшашининг бош омили бўлганлигига урғу беради. У берган урғулар асосан ҳукмдорларнинг адолатига қаратилган. Чунончи, Ёфас ўғли Туркнинг вафоти тўғрисида ёзиб, ушбу китъани келтиради:

Чун Турк жаҳонда сурди хонлиғ,

Адли бирла даҳр бўлди маъмур. (7717, 67а-варақ)

Мўғулхон зикридан кейин:

Мўғулхон йиллар шаҳаншоҳ эди,

Адолат рамузидин огоҳ эди. (7717, 72а-варақ)

Темурбийнинг зикрида:

Темурбий неча кун тутуб даҳрни,

Адолат бирла ёрутуб даҳрни. (7717, 80а-варақ)

Шу билан бирга, Комёбнинг фикрича, давлатни бошқаришда ҳукмдорнинг доимо ҳушёрлиги, барча жараёнлардан огоҳлиги ҳам биринчи ўринда турувчи омиллардан ҳисобланади. У бу борадаги қарашларини “Мунтахаб ул-воқеот”да бир муддат Қўнғиротни эгаллаб, Хивадан ажратиб олган Тўрамурад сўфининг фаолияти билан боғлаб кўрсатган. Асарда ёзилишича, сўфи шаҳарни қўлга олгандан сўнг ҳушёрликни йўқотади, айшу ишратга берилади ва оқибатда мағлубиятга учрайди. Бу тўғрида мана бундай ёзилади: “Тўрамурад сўфи фоҳиша била базм тузуб ғафлат жомидин сармаст эди. Назм:

Амире ким бўлур сармасти ғафлат,

Қилур ондин видоъ иқболи давлат.

Бориб аъдосиға мулку диёри,

Ўлур ёхуд бўлур ҳар ён фирори.

(3730/II, 182а-варақ, ҳошия)

Шоир асарларида Шарқ адабиёти анъанасига қатъий амал қилган ва бу анъанадан чекинмаган ҳолда Муҳаммад Раҳимхонга адолат билан сиёсат юритмоқ кераклиги, адолатли шох бўлиш тўғрисида фикрлари асарларининг турли ўринларида бевосита ва

билвосита ишоралар орқали айтилганлигини кўп учратишимиз мумкин. Шу боис у бирор асариди хонни тўғридан-тўғри ёки рамзий сўзлар орқали ноҳақликда айблаганлигини сезмаймиз. Лаффасийнинг тазкирасида хон саройига яқин бўлган шоирлар, жумладан, Комёб шеърятти борасида гапирилиб, у Ферузнинг вазир ва амалдорларидан норози бўлиб шеърлар ёзганлигини қайд қилувчи сўзлари эътиборли¹. Г.Исмоилова изҳор қилинган фикрларга муносабат билдириб, ўша давр шеъряттида бундай қарашларнинг пайдо бўлиши отасидан каттикқўлрок бўлган Асфандиёр билан боғлиқ бўлса керак деган хулосани айтади². Айни ўринда тазкиранинг совет тузуми даврида ёзганлиги, ундаги айрим фикрлар бирёқлама ва бевосита ўша тузум мафкураси тарғиботига мослаштирилганини ҳам назардан қочирмаслик керак бўлади. Таъкидлаб ўтилганидек, Саййид Ҳомид тўра бевосита Феруз ҳомийлигида таълим ва тарбия олган. Воқеан, ижтимоий мавқеи жиҳатдан ҳам ўз биродари ва ҳомийсига нисбатан бундай муносабат билдириши мантиқан тўғри бўлмас эди. Комёбнинг тарихий асарлари ва девони дебчасидан ташқари, шеърларида ҳам Ферузга нисбатан ўта самимий ва хайрихоҳ муносабатда эканлигини қуйидаги байтда кўришимиз мумкин:

Эй Комёб, ҳамиша муайян мушфиқинг сенинг,
Шоҳи замони Соний Муҳаммад Раҳимдур

(1005, 43а-варақ).

Ушбу далилларнинг ўзиёқ шоирнинг Муҳаммад Раҳимхонга муносабати масаласида узил-кесил керакли хулоса чиқаришимизга асос бўлади.

Комёб асарларидан ижтимоий тенгсизликка бўлган муносабат мазмунларини кўрсатиб беришга бўлган уринишларни Б.Абдуллаеванинг мақоласида ҳам ўқишимиз мумкин. Жумладан, у мана бундай: “Комёб ишқий мавзу воситасида халқ турмушини, ҳаётини ёритиш, яъни ишқий норозиликка социал норозиликни қўшиб ифодалаш усулини қўллайди. Комёб ғазалларида ёр зулми, жабру ситами, бевафолиги баён қилинади. Шоир маъшуканинг жафокашлигини ўзи яшаб турган давр ситамкорлиги билан қиёслайди”, – деб қуйидаги байтлардан ижтимоий тенгсизликка муносабат маъносини ахтаради:

¹ Лаффасий. Тазкираи шуаро. – Урганч: Хоразм, 1992. – Б. 29.

² Кўрсатилган манба. – Б. 37.

Ғами хижрон ичра зор ўлубман,
Жаҳондин ҳам вале безор ўлубман.
Юрарга қувватим йўқ ғам юкидин,
Мадад истаб лабидан хор ўлубман.
Умид айлаб лабининг шаккаридин,
Мудом ошуфтаву бемор ўлубман.
Карам қилмас менинг ҳолимга бир дам,
Бу ишдан қайғулик бисёр ўлубман¹.

Матндан кўриниб турганидек, сўз маъшуқанинг ошиққа етказётган жабру ситами борасидадир. Унда ошиқнинг “жаҳондан безорлиги”, “юрарга қувватининг йўклиги”, маъшуқанинг “карам қилмаслиги” каби тасвирлар муболаға санъатига асосан билдирилган. Шубҳасиз, бу тасвирлардан ижтимоийликни кидириш ноўриндир.

Худди шундай талқин ушбу мақоласининг бошқа ўрнида яна келтирилади. Айни шу мисолларнинг ўзини Э.Мадраҳимов ҳам ўз мақоласида такрорлаган².

Кўриб ўтилган далиллар шоир асарларининг ижтимоий-сиёсий ғояси марказида адолат масаласи турганлигидан гувоҳлик беради. Ушбу ғояни Комёб Шарқ адабиётида бўлгани каби анъанавий тарзда, яъни подшоҳга адолатнинг давлат сиёсатидаги ўрнини кўрсатиш, ўтмишдаги давлатларнинг узок яшашида адолат ва адолатсизликнинг нечоғли аҳамият касб этганлиги борасида сўзлаш орқали билдиришга интилган. Унинг асарларида ҳукмдорни очиқдан-очиқ адолатсизликда айбловчи ёки ижтимоий тенгсизлик хусусида сўз юритувчи ўринларни кўрмаймиз.

Саййид Ҳомид тўранинг ахлокий-таълимий мавзудаги асарларида умрнинг ўткинчи, бу дунёдаги айш-ишратларнинг вақтинчалигини эслатиш, уларни деб боқий дунё тадоригини ёддан чиқармасликка даъват, нафс тарбияси, у билан курашишга чорловлар ҳам кўп бор такрорланади. Жумладан, унинг “Шукриллилох, туши-ма кирган чоғи бўлдим чу шод” мисраси билан бошланадиган ғазалида лирик қаҳрамоннинг тушига севгилиси кирганлиги, гўё тушида у билан тонггача айшу ишрат, базм қилганлиги тўғрисида ёзади ва мактаъда:

¹ Абдуллаева Б. Комёб ва унинг қўлёзма девонлари // Адабий мерос.-Т.: 1988. – № 2. – Б. 54-58

² Мадраҳимов Э. Комёб / Хоразм ҳақиқати, 1991. 31 авг.

Уйкудин бедор бўлғач топмадим ул хурни,
Комёб, тушинг бу дунёдир, анго йўқ эътимод, –

(1005, 386-варақ)

дейди. Шоир бу билан тушида кўргандек саробга айланадиган бу дунёнинг ўткинчи шодликларига кўнгил боғлаб қолиш тўғри эмас, у ҳақиқий дунё фароғати олдида ҳеч нарсага арзимаслигини билдиради. Бу ғоя шоирнинг “Бу кеча” радифли, “Бир окшом бахту икболим кўб шодком айлаб” мисраси билан бошланадиган ғазали ва “Ҳамдинг дегали сурдим қалам” деб бошланадиган 124 байтдан иборат маснавийсида ҳам давом эттирилган. Шоир маснавийда ошиқнинг маъшуқа билан кечирган висол лаззати, кечирган тотли лаҳзалар, айш-ишрат онлари, маъшуқа гўзаллигини таърифлайди. Гўзал унинг аҳволини сўраб айтган ширин сўзларидин бениҳоят шодлигини билдиради. Лекин, лирик қаҳрамон айна дамда ўзи маъшуқасининг бу ширин сўзларига ишонмасликка даъват этиб “улар ёлғон, улар ҳам гўё ўткинчи дунё сингаридир”, дейди. Шоир булар орқали нафақат ўткинчи дунё сингари маъшуқанинг ёлғон сўзларига, балки айна ўша ёлғон дунёнинг ўзига ҳам ишониб қолмаслик, унинг алдовларига учмасликка чорлайди:

Бу сўз била қилма дилни шод,
Бу дунёга йўқтур эътимод.
Бу сўздек эрур ҳамиша дунё,
Қўйма онга жону дилни асло.
Қилғай сани Тангри кўнглингни шод,
Лутф ила икки жаҳонда ҳам ёд.

(1005, 1156-варақ).

Комёб инсонга тарихдан сабоқ олиш зарурлигини эслатиб туради ва факатгина яхши ном билан кишилар ёдида қолиш лозим деб ҳисоблайди. У тарихий асарларида ана шундай гўзал хулқ эгалари борасида ёзар экан, уларнинг намунали хислатларини батафсилроқ санаб ўтишга, кўпроқ фикр билдиришга ҳаракат қилади. Жумладан, “Мунтахаб ут-воқеот”да Али султон ҳақида куйидагича сўзлайди: “Аллоқ баҳодир, Оқотойхон анга тарбият қилиб атоси мансабин сурғоли этти, бағоят баҳодир, шужоъ киши эрди. Аксар авкот Али султонким, Адонишхоннинг ўғлидур, онинг била қизилбош ғазотиға бориб, диловарлик додин берди, ҳеч маърака анго муқобил бўлғон омон бўлолмади. Аммо, Али султон хушхўй ва ширинкалом, жавонмард ва сохибсаранжом, шужоъ ва саховатлиг,

одил ва сиёсатлиғ шахзода эрди... Андоқким, ўлгунча аъзосидин бир узвини ихтиёри била кишига кўргузмади. Ва хилват ерда таҳорат қилур эрди” (3730/II, 416- варақ).

Сайид Ҳомид тўра яхши фазилатларни кадрлаб, шундай фазилат эгалари тўғрисида сўз юритар экан, уларга бир томонлама баҳо беришга интилмади. Аксинча, объективлик меъёрларига амал қилишга ҳаракат қилади. Унингча, ёмон кишиларнинг ҳам феъли бутунлай ёмонликдан иборат эмас. Зеро, улардаги яхши хислатларни кўра олиш керак. Чунончи, “Мунтахаб ул-воқеот”да Исмоил мирохўр деган шахс ҳақида мана бундай: “Исмоил мирохўр агарчи хиёнаткор ва қомати ниҳоятсиз, гирдаст эрди, аммо чобуқликда ғоятсиз эрди”, – деб, бир сафарда ботқоққа ботиб кетиши муқаррар бўлиб турган шериги ва отини шижоат кўрсатиб қутқариб қолганлигини таъсирчан воситалар билан ҳикоя қилади. Унинг гарчи ёмон хислатлари бўлса ҳам, шундай қийин вазиятда шеригини қутқариб қолганлиги учун олқишлайди. Йўлга чиққан ҳар қандай йўловчининг мирохўр сингари ўрни келганда жасур ва зарур вазиятда шериги учун ўзини ҳам аямайдиган ҳамроҳи бўлишини тилаб, қуйидаги байт билан фикрини яна бир марта асослайди:

Кишига ҳамроҳ ўлса марди чолок,
Онга йўл офатидин йўқтур бок.

(3730/II, 2716- варақ).

Хуллас, Сайид Ҳомид тўра ахлоқий-таълимий асарларида нафсу ҳавога берилмаслик, умрнинг ўткинчилигини унутмаслик, молу дунё ҳамиша ҳам инсонга вафо қилмаслигини эслатиш каби-лар асосий мезон ҳисобланади. Шунингдек, шоир асарларида мардлик, жасурлик, дўстлик, биродарлик, ақл билан иш кўриш сингари юксак инсоний фазилатлар қадрланади.

Шоирнинг тасаввуфий руҳдаги асарларининг салафлар ижоди билан ғоявий муштарак томонларини кўрсатиб ўтиш ҳам муҳим.

Комёбнинг тасаввуфий шеърларининг асосини кузатадиган бўлсак, уларда анъанавий тарздаги Ҳаққа етишиш, унинг жамолини кўришга мушарраф бўлиш мотивларини кўриш мумкин. Бунинг учун у май, мутриб, майхона, муғбача сингари тасаввуфий истилоҳлардан фойдаланган. Шуни ҳам қайд этиб ўтиш ўринлики, шоирнинг яссавия тариқатига эътиқоди бўлса ҳам, асарларида Яссавий ва унинг издошлари ижодига хос ҳикмат услубининг таъ-

сири сезилмайди. Лекин, Яссавий ғоялари билан уйғунлик кўзга ташланади. Жумладан, Яссавий:

Ишқ йўлида кеча-кундуз йиғлағонлар,
Жондин кечиб белин маҳкам боғлағонлар,
Хизмат қилиб ҳақ сиррини англағонлар,
Тун уйқусин ҳаром қилиб нолон бўлур, –

деб ёзади. И.Ҳаққулов мисралар мазмунини қуйидагича шархлайди: “(юқоридаги шеър назарда тутилмоқда – Ж.Ж.) каби поэтик эътирофларида Аллони таниш ва унинг ишқини идрок қилиш эҳтиросларида ўртанган ошиқларни назарда тутган. У шу ошиқларга “ишқ сиррини баён” қилади. Бу сирнинг мушоҳадасига берилган ошиқ, аввало, “ҳақиқатни маъносига етишган киши”. У “кеча-кундуз ишқ” истайди. “Бир соат ҳам ҳақ ёдидан ғофил”лик йўқ унда. У имонда собит. Унингча, “Тан сўзламас, жон сўзламас, имон сўзлар”¹. Комёб:

Эй кўнгил, зуҳд аҳлиман деб урма лоф,
Лоф урсанг бу сўзинг асру газоф.

матласи билан бошланадиган ғазалида ушбу фикрни ривожлантириб, зуҳд йўлига кириб, бу йўлда собитқадам бўлолмаётган, айна чоғда ўзини тақводор деб ҳисоблайдиган зоҳидларни танқид тиғи остига олиб, илоҳий ишқ йўлида қатъий бўлишга чакирган:

Кеча-кун ғафлат била умр ўткариб,
Қилмадинг нафсинг била бир дам маоф.
Нафсинг ройича токай иш этиб,
Зуҳд ишига айламассан эътироф.
Кўнглинг уйин фисқу исён ёмғири,
Айламиш тўш-тўшидин, билкул шикоф.
Кечалар бедор, сахарлар уйқулабон,
Дерсан, зуҳд ичраман кўнгли соф, –

(1005, 62а-варақ)

Аллоҳга етиш йўлига кирган ошиқ ўз мақсадига етишмоқ учун машаққатларга бардошли бўлмоғи лозим. Мақсад йўлидаги юзлаб тўсиқларни ошиб ўтиш керак. Ана шундай тўсиқлардан мардона ўта олган ошиқ ўз муҳаббатида собит бўлади, ишқ лаззатини тотади. Шоирнинг мана бу мисраларида лирик қаҳрамон-ошиқ кўзланган манзил сари интилар экан, ўзини тўсиқларни баргараф этишга чоғлайди:

¹ Ҳаққулов И. Шеърят-руҳий муносабат. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1989. – Б. 8.

Оҳким, бошимда ишқ, кўнглумда юз дарду алам,
Кечкусидур бу сифат оху маломат бирла ҳайф.
Комёб ошиқ дединг, ҳам ишрат иёдат қилмайин,
Умринг ўткардинг, бу ёнглиғ хоби ғафлат бирла ҳайф.

Бу мисраларда шоир шунингдек, “кўнгилдаги дарду аламлар”дан кутуломоқ мақсадга етишнинг чораси деб “ишрат иёдат қилиш” деб билади. Ишрат иёдат қилишдан мурод – май ичишдир. Шеър мазмунига кўра, ишрат қилиш билан ёр васлига яқинлашиш мумкин. Шу боис, ишрат тузиш, май – бода ичиш шоир шеърларида ёр васлига етиштирувчи воситалар сифатида талқин этилади.

Бу фикрнинг изчил баёни етти байтдан иборат куйидаги ғазалда мана бундай ифодаланган:

Соқийё, гул чоғидур, қўлға олиб гулгун май,
Ёр ила нўш айлайин, тут узмайин бир лаҳза май.
Ишрат этмак вақтидур бўстон аро дўстон ила,
Мутриби хушлаҳн ила танбуру даф ҳам бўлса май.
Хилват айлаб гўшаи гулшанда, эй дил, шодком,
Ману ёру май бўлуб, бўлмаса онда ўзга кай.
Яхшидур айёми гул, ёз ичра ондин қил киёс
Ком олди бўлғуси оламға фарахбахш вақти май.

Ғазалнинг дастлабки тўрт байтида лирик қаҳрамон соқийга мурожаат этиб, гул чоғи эканлиги, баҳор, яъни уйғониш фаслида ёру дўстлар билан май ичмоқ учун яхши фурсат эканлигини билдиради. Яна унинг айтишича, айна шу пайтда ёр билан бирга май ичиш энг маъқул давр.

Кейинги – бешинчи байтда шоир-лирик қаҳрамон майу май ичиш мавсумидан муддаосини нима эканлигини очик баён қилишга киришади:

Майдин мақсуд: зикри ёрдур – ёди Ҳақ,
Мавсуми гулдин мурод: вақти саҳардин топса шай.

(1005, 96а-варақ)

Комёб бу байт орқали Навоийнинг:

Сен гумон қилғондин ўзга жоми май мавжуд эрур,
Билмайин нафи этма, бу майхона аҳлин, зоҳидо!¹ –

деб ёзган мисраларидаги талқинни илгари суради. У ҳам Навоий сингари май ва гул чоғини зикр қилишдан мурод бошқа эканли-

¹ Навоий Алишер. Бадосъ ул-бидоя. ЎЗР ФА Алишер Навоий номидаги Адабиёт музейи. Инв. 111. 8-б варақ.

гини уқтирмоқда. Шеърда ёзилганидек, май ичиш чоғи – Ҳақ ёди, гул чоғи баҳор эса, саҳар вақтидир. Аллоҳга ибодат қилиб, ундан эзгу тилакларни тилаш учун энг мақбул пайт саҳар вақти ҳасобланади. Шоирнинг саҳар вақтини гул чоғи-баҳорга, дарахт ва ўсимликларнинг гуллаш пайтига қиёслашига сабаб шуки, бу пайтда дарахтлар қанчалик гуллашига қараб берадиган мевасини чамалаш мумкин бўлади.

Шоир кўриб ўтилган ғазалдагидек “ишрат тузмоқ”ни ҳамма ўринда ҳам тасаввуфий истилоҳ сифатида қўллайвермайди. Айрим ҳолларда мазкур истилоҳнинг воқеъ ҳаётдаги айш-ишрат маъноларида истифода этган мисраларга ҳам дуч келамиз. Хусусан, шоир “Ўтди умрим тоат этмай фикри ишрат бирла ҳайф” мисраси билан бошланадиган ғазалининг келтирилган мисрасида зуҳду тақво билан машғул бўлмай, нафс домига гирифтормигидан ўзига маломат қилиб, ишрат сўзини ҳақиқий маънода ишлатиб, ўша ўринда “ишрат қилиш”, “ишрат иёдат қилиш” сўзларига тасаввуфий маъно юкламаган.

Ошиқнинг мақсадга – Ҳаққа етишиши учун тинмай билимини ошириб бориши, маърифатга эришмоғи лозим бўлади. Бунинг учун эса, кўнгил, ақл ва ҳушнинг яқдиллигини таъминлаш даркор бўлади. Зеро, кўнгил ишққа бошловчи раҳнаомидир. Лекин, ушбу раҳнаманинг ёлғиз ўзи ошиқнинг мақсадига етиши учун кифоя эмас. Кўнгил истаклари кўпинча ақл ва ҳушнинг қарашларига мос келмайди. Шу боис, мақсад сари яқинлашиш учун яқдиллик зарурдир. Шоир бу борадаги қарашларини “Мунтахаб ут-воқеот” таркибидаги “Ҳикоят манзума”да ўзига хос тарзда изҳор қилган. Манзума сабаби назм тарзидаги уч байтдан сўнг:

Қилай энди ҳикоят сори оғоз,

Этай ақл ила ҳушимни дамсоз, –

дейди ва кўнгилни тан қалъасидан чиқиб ишқ саҳроси томонга йўл олганлиги, ақл ва ҳуш уни қидириб йўлган тушганлини айтади. Кўнгилнинг тан шаҳридан ишқ саҳросига қараб йўл олганлиги ёзилгандан кейин, шоир унинг қай аҳволда зору саргардон кезиб юрганлигини айтади. Кўнгилни қидириб ишқ саҳроси томон йўлга тушган ақл билан ҳушга тафаккур, хаёл, хирад, андиша, идрок, иқбол, фаҳму дониш, фикрат кўмакчилик қилади. Улар биргаликда ақл билан ҳушга йўлларда учраши мумкин бўлган хавфу хатардан огоҳ қилиб туради. Ниҳоят, иккиси дарё, денгиз ва кўп ерлардан ўтиб бир ерга етадилар. Муаллиф у ерни қуйидагича тасвирлаган:

Кўринди бир биёбони балохез,
Эрур бошдин аёқи оташангез.
Ҳавосида тамуғ ўтидин афзун,
Басуи закқум, йўкса жигар хун.
Шажарлар ақдин бўлмиш саросар,
Самар бўлмиш анга дарду бало-сар.
Билинди – ишқ водийсидур ул,
Онга тушган бўлур бир лаҳзада кул.

Шундан сўнг иккала ҳамроҳ водийда бир гумбазни кўрадилар. У худди оҳ ўтининг дудидек. Гунбазнинг ичига кириб кўнгилни мана бу ҳолатда кўрадилар: бошдин аёғи урёну ларзон, сабру қарори кетган, иниси ғам, ёри қайғу, мулозими ғусса, меҳнат туни унга роҳат, бошига аламдан тож, унга дарду ғамдан зийнат, жафову жаврдин таоми, шароби нобга ғуссадан жом.

Икки ҳамроҳ кўнгилни бундай ҳолатда кўриб, нима учун уларни ташлаб кетганлигини сабабини сўраганларида, кўнгил ишққа мубтало бўлганлигини айтади. Ишқ водийсида бошидан кечирганларини изҳор қилиб, ёлғизликда қийинчиликларга дучор бўлганини, айтади ва “агар сизлар менга ёрдам берсангиз, муродимга етар эдим”, дейди. Кейин улар бирлашиб ишқ водийси мушкулотларини баргараф этишга аҳдлашадилар ва шундан сўнг катта тўю тантана бўлади:

Нечун ким барчаси чун жамъ бўлди,
Менинг жоми умидим айшға тўлди.
Бу янглиғ ижтимоъ мақсудим эрди,
Бу лаҳза мақсудимни Тангри берди.

Юқорида келтирилганидек, шоирнинг фикрича ишққа етишиш учун кўнгилнинг хоҳиш-истағи етарли эмас. Чунки, бу йўлда кўтлаб хавфу хатар, ғам андуҳлар мавжуд. Уларни ақл ва ҳуш каби садоқатли кўмакчиларсиз енгиш мушкул. Булардан кейин Комёб ишқдан мақсад, унга етиш йўлидаги кўнгил, ақл ва ҳуш яқдиллигига эришмоқдан муродни мана бундай хулоса билан яқунлайди:

Ғараз, маънини билмак – Ҳақни топмоқ,
Керак ҳам шуғли зардин кўзни ёпмоқ.
Насиб ўлса санга гар топмоқ они,
Икки дунёда ҳам топғунг жинони.

(3730/II, 116-12а-варақлар, хошия)

Хуллас, Комёбнинг тасаввуфий мавзудаги асарларининг асосий қисмини ошиқона мавзу ташкил этади. Уларда шоир Аллоҳга ошиқлик, унинг висолига етишиш истакларини тараннум этади. Бунинг учун у анъанавий тасаввуфий истилоҳлардан фойдаланиш баробарида, рамзий образларга ҳам ўрин берган.

Комёб шеъриятида ҳам умумшарқ адабиётига хос тарзда ишқ-муҳаббат мавзуи салмоқли ўринни банд қилади. Шоир ишқ-муҳаббат борасида ёзар экан, унинг эҳтиросли, ҳис-ҳаяжонга тўла онларини тасвирлашга ҳаракат қилади. Ҳижрон азоби, висолнинг тотли лаҳзаларини, маъшуқа билан бўлган ширин суҳбат сингари ишқий кечинмалар билан боғлиқ ҳолатларни баён қилиб, китобхоннинг завки ва латиф туйғуларини жонлантиришга уринади.

Сайид Ҳомид тўра ҳам салафлари асарларида бўлгани каби ўта муболағали бўёқларда маъшуканинг хусну жамолда тенгсиз, шу билан бевафо, золимлиги, ошиқнинг эса барча жабру ситамларига бардошли, жафокаш эканлигини кўз олдимизга келтиради. Шоир маъшукасини тасвирлар экан, гўё унинг чиройи ою куёш, Лайлию Ширин, ҳатто гўзаллик тимсоли бўлган Юсуфдан ҳам ортиқ, қадду қомати сарв ва жаннатдаги Тўби дарахтидан ҳам зиёда. Ошиқ эса севгилисига етишиш йўлидаги кийинчиликларга дучор бўлишда Манжуну Фарходлардан ҳам ошиб тушади.

Унинг ишқий мавзудаги асарларининг ҳам асосий тимсоллари анъанавий ошиқ, маъшуқа ва албатта, уларнинг висолига тўсқинлик қилувчи рақибдир.

Комёбнинг ишқий мавзудаги асарларини қуйидагича таснифлашимиз мумкин. Уларнинг биринчисида ошиқ висолга етишиш учун кийинчилигу дардларни мардонавор кечираётган, маъшуканинг эса рақиблар томон интилиб, бечора ошиқни висол умидидан бебаҳра қолдириб, ғаму ғуссасини оширган тушқун ва изтиробли, ширин суҳбати билан шод этишини тиловчи онларни тасвирлайдиган ҳолатлар. Иккинчи гуруҳда эса ошиқнинг маъшукаси гўзаллиги, хусну латофатини васф этувчи шўх ва ўйноқи кайфиятлар қаламга олинади. Уларнинг бир қисмида ёр гўзаллигига мафтун бўлиб лирик қаҳрамон таҳсину офаринлар айтса, иккинчи қисмида бутун олам, жонли ва жонсиз нарсаларнинг ҳаммаси маҳлиё бўлиб, рашк билан қарайди.

Шоирнинг қуйидаги ғазалида ошиқнинг маъшукаси жамолини кўришга кимлар тўсқинлик қилаётганлигини тасвирланган. Мат-

лаъда севгилиси жамолини кўришига монёълик қилаётган ағёр-рақиб деган фикр айтиб, кейинги байтларда ўша ағёрнинг кимлиги, қандай қилиб унинг максадига етишиши учун тўсқинлиқ қилаётганлиги тасвирланган. Гоҳ унга, ўзининг хурсандчилик ёшлари, гоҳ ҳижрон шои монёълик қилади:

Қачон ҳуснинг кўрар бўлсам, бўлур ағёр анго монёъ,
Тараҳхум айлаб, эй дилбар, етур васлингға ломонёъ.
Юзингдин зулфингни олғач кўрарга боқдим ул соат,
Кўзумга бўлди ашки шодлиғ, эй махлиқо, монёъ.
Қуёшдек оразингни очибон кулбамға кел ногаҳ,
Бу ҳижрон шомига бўлсун бу дам нури зиё монёъ.
Жамолинг партави бирла гаҳ базмимни мунаввар қил,
Ки асло бўлмасун ағёрнинг макри анго монёъ.
Мани васлингда ондоқ, эй нигоро, масти хандон қил,
Висоли суҳбатингда бўлмасун ҳеч ким манго монёъ.
Манго бир кўрмак умид, манъ айлар рақиблар, лек,
Илоҳо, бўлмасун ушшоқға мундоқ бало монёъ.
Қуёшосо жамолин Комёб эткоч назарни алҳол,
Булутдек кокилин юз узра ёпти, парчо монёъ.

(1005, 596-60а-варақ)

Барча шоирлар ижодида ошиқнинг ўз маъшуқасига нолаю фиғонини етказишда сабога, дўстларга мурожаати, севгилисининг рақиблар суҳбатидан юз ўгириши, фақат у билан висол онларини ўтказиши учун Тангрига илтижо қилиш, ундангина умидворлик анъанавий лавҳалардан ҳисобланади. Қуйидаги ғазалда Комёбнинг мазкур мотивлар билан боғлиқ анъанавий поэтик образлар силсиласига пайғамбар Муҳаммад алайҳиссаломни олиб кирганлиги, унинг бу йўналишга ижодий ёндаша олганлигини белгилайди. Ғазалда лирик қаҳрамон висол йўлида чеккан дард-ситамлари тасвирланади. Беш байтдан иборат ғазалнинг тўрт байти ҳижрон азобидан ғам-ғуссага ботган, бу ҳолатни кўриб турган бағритош, бераҳм маъшуқанинг раҳм қилишдан кўра баттар бераҳмлигининг ошишини англаган, тушкун кайфиятли ошиқнинг ички кечинмаларини кўз олдимишга келтиради:

Ҳажр ғамидин бўлубман ҳазин,
Ғуссада ман васлиға бўлмай қарин.
Қилмоғодин манго жонон қарам,
Жонға эрур фитнаи олам яқин.

Тушти фирок ичра тополмай висол,
Кўнглума юз минг журму қошига чин.
Қилмай тарахҳум ҳолима арз айладим,
Кўнгли қаттиғ эркон онинг, офарин.

Сўнги байтга келиб, умид чечаклари бутунлай сўлаёзган ошиқнинг юзи бир оз ёришиб, дардининг чораси топилгандай, тошбағир ёрнинг зулмини неча бор кўрган ва раҳмсизлигига амин бўлган бўлса-да, ундан умидворлик учқунлари қайта алангалангандай бўлади. Бунинг боиси бор, албатта. Ҳижрон азобида кийналган ошиқ ўша зolim маъшуқанинг зулмидан халос қила оладиган биргина киши-Расулulloҳ борлиги ёдига тушади ва у зотни бу дунёда бераҳм ёр азобларидан ҳам қутқара олувчи сифатида тасвирлайди:

Не ғам, ўлур бўлса шафеъи Комёб,
Икки олам ичра Расули оламин

(1005, 83а-варақ).

Шуниси ҳам эътиборлики, Комёб суюклиси гўзаллиги, ҳусни, жабру ситамларини тасвирлашда асар тилининг соддалигига эришишга ҳам ҳаракат қилган. Қўлланган услубнинг равонлиги, маросим қўшиқларига ўхшаб кетиши билан улар халқона оҳангларга яқин туради. Чунончи, олти байтдан иборат куйидаги:

Ассалом, эй дилбари ширин калом,
Умрим ўтди топмайин бир лаҳза ком

(1005, 776-варақ).

матлаъи билан бошланувчи газал байтларининг биринчи мисраси бошида (иккинчи байтдан боши ва охирида) “Ассалом” сўзи такрорланиб, бадиий тизимнинг қатъий қўлланишларидан бири тасдиқини юзага келтирган¹.

Комёбнинг ишқий мавзуда ёзилган асарларининг яна бир эътиборли жиҳати шундаки, уларда шоир маҳбубасининг васлига ета олмасдан жабру ситамларни тортиб юраверишни ҳамиша ҳам маъқул кўравермайди. Балки, ўз севгилисига етиш учун интилиш, курашиш лозимлигини изҳор этади ва фаолликка чорлайди:

Ошиқнинг бўлса уёти, ошиқ ўлғондин на ҳаз,
Васлиға етмай саботи, бўлса жонондин на ҳаз.
Ҳар киши минг ёшаса олам аро, эй дўстлар,
Бўлса ишратсиз ҳаёти, онго даврондин на ҳаз.

¹ Бобоев Т. Шеър илми таълими. – Т.: Ўқитувчи, 1996. – Б. 281.

Эй пари, ман зорға лаъли зулолинг бўлмаса,
Хизрнинг оби ҳаёти эткон эҳсондин на ҳаз.

(1005, 59а-59б-варак)

Умуман, Саййид Ҳомид тўранинг ишқ-мухаббат мавзуидаги шеърларида ошиқнинг маъшуқасига етишиш йўлида чеккан дарду ситамлари, ағёрнинг қаршилиги, ёрининг гўзаллиги, ҳуснда яктолиги каби талқинлар кузатилади. Шоир улар орқали ошиқнинг севгилисига етишиш учун сабру бардошли, чидамли бўлиш лозимлигини уқтиради. Ўз навбатида, сабру бардош билан муродга етишиб бўлмайди. Ошиқ висолга етишиши учун курашмоғи, шижоат, диллик кўрсатмоғи керак. Шундагина у ёр висолдан баҳраманд бўлади, деган ғояни олға суради.

Табиат ва фасллар тасвири. “Мўъжизакор табиат ва объектив борлиқ тасвирига бағишланган ғазаллар – пейзаж ғазаллар функцияси классик адабиётда асосан икки мақсадга қаратилган: биринчидан, ишқий ғазалларда ошиқ ва маъшуқа муносабатларини поэтик ифодалашда, порсонажлар кайфиятини ёрқин акс эттиришда фусункор табиат лавҳаларидан қиёсий фойдаланади; иккинчидан, бевосита пейзаж тасвири лирик қаҳрамоннинг борлиққа, жамиятга муносабатини очиб беришга йўналтирилади. Тўғри, кўплаб ғазал асосда шаклланган мустазод ва маснавийларда ва мухаммасларда, шунингдек, алоҳида қасида ва дostonларда борлиқ, табиат лавҳалари мафтункор бир тарзда ўз аксини топган. Аммо, бевосита ғазал мисраларида бу лавҳалар ўз мусиқий таронасига, мунис бир мадҳиясига эга бўлиб, ғазал жанрининг янги хусусиятлари билан боғйиди ва ранг-баранглашди”, – деб ёзади туркий адабиётда пейзаж мавзуи юзасидан умумлашмалар билдирган М.Пирназаров. Тадқиқотчи ўз фикрини давом эттириб, бевосита табиат ва коинот, олам ва жамият тасвирлари уйғунлашиб кетган асарлар намунаси Навоий даврида шаклланганлигини эътироф этади¹. О.Носиров эса Навоийга қадар туркий адабиётда пейзаж ғазалларнинг оз сонли бўлганлигини ёзади². Ушбу ўринда Навоийнинг туркий адабиётда мавжуд пейзаж мавзуига янгича руҳ бағишлаганлигини эътироф этиш ўринли³.

¹ Пирназаров М. Поэтик жанрлар типологияси. – Т.: Фан, 1989. – Б. 17-18.

² Носиров О., Жамолов С., Зиёвиддинов М. Ўзбек классик шеърини жанрлари. – Т.: Ўқитувчи, 1979. – Б. 104.

³ Шоирнинг мазкур мавзуига доир ғазалларининг ўзига хослигини Ё.Исҳоқов куйидагича кўрсатади: “Албатта, Навоий салафлари ғазалларида (асосан, форсийнавис шоирлар)

Н.Жумаев эса пейзаж мавзуидаги асарларга куйидагича талабларни қўяди: “Пейзаж асарлар, аввало, мавзу эътибори билан батамом пейзажга бағишланган бўлиши лозим. Иккинчидан, асарда муайян манзара тасвир этилади. Учинчидан, бу поэтик манзара шоир ёки лирик қаҳрамон кечинмалари орқали баён этилади. Тўртинчидан, пейзаж асарларда муаллифнинг гоёвий муддаоси табиат гўзалликларини мадҳ этиш (баъзан эса, табиатдаги оғир дамларнинг изтиробли тасвири ҳам учрайди) ва кишиларни табиатдан завқланишга чорлашдан иборатдир”¹.

Пейзаж мавзуидаги асарларда М.Пирназаров қайд этганларни ҳам акс этишини кўрсатиб ўтиш тўғри бўлади: “...Баҳор ва ёз тавсифи қатори куз ва қиш таронаси ҳам мўйян ижтимоий маъно ташишга, халқ ҳаётининг айрим кўринишларини реал тасаввур этишга қаратилган бўлиб, XIX аср шеърий жанрлар мундарижасида кўп-лаб учрайди. Айниқса, қиш мавсуми қийинчиликлари, оч-юпун элнинг қиш қаҳатчилиги туфайли янада озор чекиши мотивлари озарбайжон, туркман шоирларининг гошма ва гошиглари, маснавийларидан, ўзбек шоирларининг кўпчилик ғазалларидан жой олган”².

Туркий адабиётдаги пейзаж мавзуида битилган асарлардаги гоёвий яхлитлик юзасидан билдирилган умумлашмалар шунини кўрсатадики, уларда шоир ёки лирик қаҳрамон мақсади табиат гўзаллигидан завқланиш, яшашга, яратувчанликка бўлган иштиёқни, ҳаётни севишга бўлган ҳис-ғуйғуларни оширишга қаратилади, инсон ва табиат борасидаги фалсафий мушоҳадаларга чорлайди. Пейзаж мавзуидаги асарларда лирик қаҳрамоннинг ички кечинмаларини очиб беришга қаратилган тасвирлар билан биргаликда реал ҳаётнинг воқелик ҳам ўз аксини топиб, ўша давр кишилари ҳаёти тўғрисида ҳам тасаввур бериб, ижтимоийлик касб этади.

пейзаж элементларига бир ёки бир неча байтга ғазаллар мавжуд. Лекин, Навоийда изчил ва тугал мавзу (тема) сифатида яхлит ғазал формасига эга бўлди. Бошқача айтганда, бир ғазалда табиатнинг турли ҳолатлари ва кўринишлари эмас, балки муайян фасл (баҳор, куз) ёхуд пайт, момент (масалан, ёмғирли тонг пайти) асос қилиб олиниб, унинг барча муҳим деталлари билан изчил таҳлил қилинади.

Навоийнинг шу темага доир ғазаллари учун характерли иккинчи муҳим жиҳат – пейзажнинг муҳим ижтимоий-ахлоқий функция адо этишидир. Навоийда табиатнинг бой ва хилма-хил кўринишлари шунчаки бир завқ олиш манбаи эмас”. Исҳоқов Ё. Навоий лирикаси ва янги давр поэтикаси // Навоийнинг ижод олами. – Т.: Фан, 2001. – Б. 109.

¹ Жумаев Н. Мунис ғазалиёти. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1991. – Б. 104.

² Юқорида кўрсатилган асар. – Б. 20.

Умунан, лирик ва эпик асарларнинг баъзан кўпроқ, баъзан айрим ўринларида табиат билан боғлиқ лавҳаларнинг қўлланиши, унинг ҳаётийлиги, лирик кечинмаларнинг тўлақонли ҳис этилишини таъминлайди.

Хива шоирлари ижод маҳсулида ҳам баҳор фаслига бағишланган асарлар талайгина. Улар ичида Мунис асарлари етакчи ўринда туради. Н.Жумаев Мунис шеърятда ишқий кечинмаларни янада ёрқинроқ ифодалаш мақсадида пейзаж деталларидан унумли фойдаланиб, гўзал ташбеҳ, ташҳис ва бошқа қатор шеърый санъатларни ҳосил қилганлигини кўрсатиб бериш баробарида, улардаги бош ғоя кишиларни чиройли манзараларга чиқиб ҳаёт лаззатини суришга чорлашдан иборат, деган хулосага келади¹.

Огаҳийнинг “Наврўз” радифли учта ғазали бор. Бу ғазалларда баҳорнинг келганидан қувониш туйғулари акс эттирилади. Бутун халқнинг Наврўз сайлига, шоду хуррамлик қилишга отлангани, бу кунларни кўрган ошиқларнинг висолга етишиш шавқида ўзгача нафосат ва гўзаллик кашф этган ҳолати баён қилинади. Шунингдек, ўша кунларда бўладиган халқ ўйинлари, баҳорга зўрға етишган ва ундан баҳра олишга имконияти йўқ халқнинг ҳаёт тарзи ҳам тасвирланган.

Мунис ва Огаҳийлар қаторида кейинги авлод Хоразм шоирларининг асарларининг ҳам айрим ўринлари билан биргаликда, бевосита баҳор мавсумига бағишланган шеърлар туркумини ўқишимиз мумкин. Булар жумласига Тўрамурод тўра Муродийнинг “Ҳақ лутфидин кийибдур фасли баҳор сабза” мисраси билан бошланувчи қасидаси, Саййид Асфандиёрхон Фаррухнинг “Навбаҳор айёми келди, киш кетиб ҳам бўлди ёз”, Носир тўра Султонийнинг “Чун баҳор айёми келди зийнатафзо бўлди боғ” ва “Ичмак эрур баса хуш фасли баҳор шарбат”, Табибийнинг “Муждаким, келди туман нузҳат бирла фасли баҳор”, Оқилнинг “Фасли баҳор айёмидур, ҳар ён очиб гул бу кун” мисраси билан бошланувчи ғазалларини санаб ўта оламиз. Саййид Ҳомид тўра Комёбнинг баҳорга бағишланган “Эй пари, оламға кўб файз еткурур ҳар дам баҳор”, “Навбаҳор ўлғоч ўзин элга намоён этти гул” мисраси билан бошланган ғазаллари мавжуд. Шеърларнинг барчасидаги умумийлик, баҳор мавсумидан завқланиш, унинг гўзаллигини ҳис қилишга чақирик, баҳор севги ва муҳаббат оловининг янада алангалантира-

¹ Жумаев Н. Мунис ғазалиёти. – Т: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1991. – Б.105-130.

диган, ошиқ дилларни қайтадан жунбушга келтирадиган фасл эканлиги билдиришга қаратилганлигидир.

Комёбнинг “Эсдалиқлар”ида киш манзараси ҳам кўп бор тасвирланади. Воқеалар баёнидаги эҳтиросли ва бўрттирма тасвирлар табиат манзараси билан бирга ўша давр кишилари турмуш тарзи, жамият дунёқарашини ҳам ўқувчи кўз ўнгида гавдалантиради. “Эсдалиқлар”да Саййид Ҳомид тўра 1294 йил қиши тўтрисида: “Ва сана минг икки юз тўқсон тўртга (1877) таъвил қилғонда, мувофиқ сафар ойи (февраль) ва қурбон ийди куни эрдиким, совуқ ҳадди эътидолидин ўтуб, шиддати сахро ва биёбонларда юруган ўтунчи ва йўлчиларнинг аксар касрати совуқ шиддатидин ажал домига гирифтор бўлди ва талаф водийсиға борди. Ва баҳор ҳам буғдой ер батнидин раъси нишин тулуъ этдуrolмай бартараф бўлди. Ва кўб мевалиқ ва мевасиз дарахтлар ҳам рахти била қуруб, берахт бўлди. Ва чўкир (тикан-Ж.Ж.) ҳам ер бисотидин бош чиқара олмай ер тахтада хилватнишин бўлди. Барф ва ёмғур ҳам бемаврид кўб бўлди. Ва дай шитоб султони лашкарин шитоб издиёди ваҳими биймидин рабиъ хоқони наботот изҳори осори аскари рам ила иъдоди аксари барҳам ва мубҳам бўлуб, қуруғ чўп бўлди,-дейди ва бу воқеалар баёнига қуйидаги назмий хулосани илова қилади:

Совуқ килди олам аро бешумор,
Бори мевалар бўлди тору мор.
Дема бу сифат бўлғонмудур совуқ,
Совуқ солди аҳли жаҳонға овуқ.
Яна барфу ёмғир бўлуб ашқош,
Дарахту гиёҳлар кўпин этди лош”.

(3730/Ш, 151а-б-варақ)

Буларнинг барчаси, Комёб ва унинг замондошлари ижодидаги пейзаж мавзуи, табиат манзараси, у билан боғлиқ ҳолатларни тасвирлаш баробарида, ўзида ижтимоий маъно, жамият, кишилар ҳаёти, дунёқарашига алоқадор ҳолатларни ҳам мужассам этган. Шунингдек, уларнинг лирик асарларининг айрим ўринларида пейзаж билан боғлиқ тасвирлар қўлланиб, персонажлар ички кечинмаларини очиб беришга хизмат қилган.

Ушбу фаслдаги илмий кузатишлар қуйидаги назарий умумлашмаларга олиб келади:

1. Шоир асарларида кўпроқ мумтоз адабиётда анъанага айланган диний-маърифий, ахлоқий-таълимий ва ижтимоий-сиёсий, та-

саввуфий, ишк-муҳаббат, табиат ва фасллар тасвирига оид мавзулар ёритилган.

2. Саййид Ҳомид тўра мазкур мавзулар доирасида юрт қайғуси, Ватанни севиш, жамият барқарорлиги, инсоний комиллик, инсон қадри ва кимматини юксалтириш, кишиларнинг бир-бирларига нисбатан яхши муносабатда бўлиши кераклигини уқтириш, ҳаётни севиш, шу билан бирга, ўткинчи дунё маишати йўлида нафс қулига айланиб қолмасликка даъват сингари қадриятларни тасвирлайди.

Комёбнинг бадий маҳорати

Комёб ҳам ўз асарларида салафлари каби қаҳрамонини ниҳоятда кучли, ҳижрон йўлида чекаётган дарду аламларини тасвирлашга қалам ожиз, маъшукани эса жозибадор, хусну латофатли, сабр ва матонатда тенги йўқ қилиб кўрсатишда муболаға ташбиҳ, тамсил, муқобала, киноя, тажнис, ийҳом, таносуб, иштиқок, тазод сингари маънавий, лафзий ва ҳарфий санъатлардан асарларининг турли ўринларида фойдаланган.

Шоир шеърда таъсирчанликка эришиш учун маънавий санъатлардан гоҳо ошириб-тошириш усулини ишга солади, гоҳ кичрайтириш, камайтириб кўрсатиш приёмларини қўллайди. Бу муболаға деб аталади¹.

Муболағали тасвир, асосан, икки принцип асосида юзага келади: ҳаракат ва ҳолатни бўрттиришга қаратилган тасвир берилади. Бундай белги ва хусусиятларни кучайтиришга хизмат қиладиган муболаға замирида ташбиҳий боғланиш бўлади².

Комёбнинг қуйидаги ғазалида лирик қаҳрамоннинг тушида икки жононини кўрган тундан бошланган ишқий изтироблар ақл бовар қилмайдиган даражадаги (муболағанинг ғулув даражасида) тасвирлар билан бошланган. Кейинги байтларда қўлланган тасвирий воситалар ҳам бутунлай матлаъдаги кўтаринки тасвирнинг изчил давоми, унга изоҳловчи сифатида келиб, тўласича муболаға санъати асосидаги тасвирлар билан берилган ўзига хос композицияга эга.

Биринчи байтда гўё қаҳрамон икки гўзалини реал ҳаётда эмас, балки тушида кўриб турганини билади ва уйқудан уйғониб кетиб,

¹ Қаранг: Адабиёт назарияси. II-том. – Т.: Фан, 1979. – Б. 249.

² Бобоев Т. Шеър илми таълими. – Т.: Ўқитувчи, 1996. – Б. 283.

уларни яна йўқотиб кўйишдан кўркиб “андуху афгон” чекади. Унингча, бу чекаётган андуху афгонининг қаттиқлиги, шиддати шунчаликки, унга ҳатто кўк гумбази ҳам дош бера олмайдиган, бузулиб кетадиган даражада. Албатта, реал ҳаётда инсон овози, ҳайкиригининг тарқалиш тезлиги, етиб бориш чегараси ёинки физик хоссалари кўпчиликка яхши маълум:

Гирд айлар тушим аро ул икки жононим бу тун,

Бузғудек кўк гунбазин андуху афгоним бу тун.

Иккинчи, учинчи, тўртинчи ва бешинчи байтлардаги бир кинининг йиғлашидан таъсирланиб, кўпчиликнинг йиғлаши, фалак жабрининг бир инсонга беҳисоб ёғилиши, маъшуқасига етишиш учун ишқ йўлида жон беришга тайёр инсоннинг жон талашиш ҳолатлари ҳаётда бўлиши мумкин, лекин ақлга тўғри келмайдиган муболағанинг таблиғ даражасидаги тасвирлардир:

Тушгали онлардин ойру ҳолима фарёдким,

Йиғлатур хайли малакни оҳи нолоним бу тун.

Эй фалак, Тангри азобиға гирифтюр ўлғасен,

Зулминг ила ғамға тўлди айшу давроним бу тун.

Жисм бирла жон талош айлаб тилар тўзмоғима,

Тан юбормас, кетгали парвоз этар жоним, бу тун.

Зулмингни подошича, ё Раб, сани узғай фалак,

Борди жабринглон алохону аломоним бу тун.

Сўнгги икки байтда ўта муболағали тасвир “дўзах ўти” воситасида берилган. Қалбдаги ишқ алангасининг Дўзах ўтидан ортиклиги, уни кул қилиши ёки реал ҳаётда ишқ йўлида чеккан ғамнинг Дўзах оловидан баттар бўлиши ҳақиқатда тўғри келмайдиган муболағанинг гулув даражасидаги тасвирлардир:

Кўнглим ўти ёнида Дўзах ўти бир сахл эрур,

Дўзах ўтин кул қилур бу ўтлиғ хижроним бу тун.

Комёбо, не балолиғ кунда халқ этмиш Худо,

Дўзах ўтидин батардур байт ул-эхзоним бу тун.

(1005, 896-90а-варақ)

Комёб муболаға санъатининг ҳар хил даражаларини, асосан, ёр фироқи, хижрон азоби шиддати мотивларини кўрсатиб берувчи тасвирий воситалардан бири сифатида асарларининг турли ўринларида лирик қаҳрамон руҳиятини очиб беришда фойдаланганлигини кўрамыз. Чунончи, айрим ғазаллари юқорида кўрсатилганидек бутунича муболағага асосланган тасвирлар воситасида яратилган

бўлса, бошқаларида муболага ғазалнинг биринчи байтида келиб, кейинги байтлардаги тасвирий воситалар лирик қахрамон ички рухиятини белгилашда, ўқувчи диққатини биринчи байт таъсири остида тутиб туришда муҳим рол ўйнайди. Ёинки, бунинг аксича, сўнгги байтдаги муболага санъати поэтик фикрни кульминацияга етказишда бир восита бўлиб хизмат қилади.

Ижодкор маъшуқасининг хусну латофати, лабининг ширинлиги, кўзининг жодулиги, қошининг камонлиги, қадининг сарвдан ҳам ортиқлиги тасвирлашда *ташбиҳ*нинг турли кўринишларидан фойдаланган.

Шоирнинг “гул” радифли ғазалида қўлланган ташбиҳида лирик қахрамон гулнинг бир неча сифатларини ўз ёри гўзаллигига ўхшатади. Баъзан гулнинг ҳолатларини ўзига менгзайди. Ташбиҳ санъатининг жилосини очиб беришда *раддул ажсуз ас-садр, таносуб, тажнис, иштиқоқ, муболага* каби шеърий санъатлар ҳам иштирок этган:

Боғ сори айлаб хиром илкига олғоч, ёр, гул,
Гул юзинг ёнида бўлди аксидек рухсор, гул.
Ҳар тараф гулшан аро қилдинг шитоб ноз айлаюб,
Қай чаманга боқдинг, ўлди ғунчаси афгор, гул.
Гул дема афгор бўлгон, балки менман, сийнасини
Нетар боқиб айласанг, бир ханда шаккарбор, гул.
Менинг ишқимдин бу кун булбулки бўлди гунгу лол,
Санинг хуснинг ёнида хор ўлди, эй дилдор, гул.
Гул била бир ерда турдинг бокибон гул хуснига,
Ранги рўйидин айрилиб ёнингда бўлди, зор гул.
Сан гулу ман булбулу бу гулшан ичра, эй пари,
Эмди васлинг жомидин маст эт мани, хуммор гул.
Гулшан ичра маст ўлуб ағёрсиз базм айлобон,
Комёбға сан мудомо очғил, эй дийдор гул.

(1005, 76а-варақ)

Ғазалда поэтик тасвир лирик қахрамон ёрининг боғ сайрига кириб, кўлига гул олиши ва ана шу ҳолатда кўз олдимизда намоён бўлган манзара – ёр ва гулнинг юзма-юз келишидан бошланган. Иккинчи мисрада гул ташбиҳ жузвига айланиб, ёрнинг юзини чиройлилигини кўрсатишда *мушаббихун биҳ* бўлиб келган.

Иккинчи байтда гулшанга гўзал кириб, атрофга қарашидан ғунчалар очилган. Бу ғунчаларнинг очилиб, гулнинг қизиллиги

намоён бўлиши, гўё ўқ (гўзал нигоҳи ўқи) тегиб кўксидан қон оқаётган инсонга ташбиҳи киноя қилинган. Бунинг мантиқий давоми кейинги байтда кўринади. Унда лирик қаҳрамон ўша нигоҳинг ўқи тегиб кўксидан қон оқаётган гул эмас, балки менман деб, ўзини гулга ўхшатади. Кейинги байтларда қўлланган “менинг ишқим”, “санинг хуснинг”, “сан гулу ман булбул”, “хуммор гул” ташбиҳларида ҳам “гул” асосий мушаббихун биҳ сифатида қўлланади. Худди шундай *занжирли (мусалсал) ташбиҳ* қўлланган мусамманнинг бир бандига диққат қилайлик:

Орази узра лаби мисли намоён, ўт эрур!
Шавқидин кўнглим аро ҳар лаҳза пинҳон, ўт эрур!
Ҳам кийиб гулгун либос, бу лаҳза хўбон, ўт эрур!
Шуъласидин ҳам таним урёну ларзон, ўт эрур!
Офтоб хуснидур, атрофи жонон, ўт эрур!
Кокилидур ким суманд, сайри ҳар ён, ўт эрур!
Ўзгалар бирла сўзлашур, ман зора даврон, ўт эрур!
Доимо топмай юрурман илтифоти лаззатин!

(1005, 1406-варақ)

Мусамман мисраларида гўзалнинг лаби, кийган кийими, хусни, кокили, ошиқнинг маъшуқа иштиёқидан ўртанишидан қалбида кечираётган лирик кечинмалари, ёрининг карамсизлик килиб у билан сўзлашмаганидан ўзгалар билан суҳбатлашаётган вақти, хуллас, барчаси ўтга-оловга *ташбиҳи мутлақ* қилинган. Умуман, Комёб шеърлятида ташбеҳи мусалсал кўпроқ мусамманларида қўлланади ва ўзига хос композицияни ҳосил қилади.

Шоир асарларида *ташхис*¹ санъатидан ҳам хилма-хил ўринларда фойдаланганлигини кўрамыз.

Шоир бу санъатдан фойдаланиб севгилисини ниҳоятда гўзал, тенги йўқ этиб тасвирлаб муболаға қилади. Унинг тасавурида маъшуқасининг хусну латофатига нафақат одамлар, балки атрофидаги жонсиз мавжудотлар ҳам рашк билан қарайди, унинг тенгсизлигига тан беради. Ҳатто гўзаллик тимсоли бўлган гул, сарв, ҳилол, қуёш ҳам унинг олдида туришга уялади. Баъзан рашкига чидаёлмай ёқа йиртади:

Кун хижолатдин бўлур ҳар тун шафак ичра ниҳон,
Ўзда кўрмай зеб ул гул оташин рухсорича.

(1005, 1496-варақ)

¹ Ташхис тўғрисида қаранг: Фитрат А. Адабиёт қондалари. – Т.: Ўқитувчи, 1995. – Б. 68.; Раҳмонов В. Шеър санъатлари. – Т.: Ёзувчи, 2001. – Б. 13.

Байтда шоир куёшнинг шафақ ортига одатий ботишини гўзалнинг қизил юзлари олдида дош бера олмай ботишидир, деб ўзига хос жонлантириш яратган. Байтда ушбу санъатнинг тўлақонли юзага келишида муболаға ва ташбих ҳам иштирок этган.

Оламда ерга яқин масофада куёшдан кўра ҳароратли ва ёруқроқ юлдузнинг йўқлиги шоир яшаган давр китобхони учун ҳам маълум. Комёб севгилисини гулга, унинг юзидаги қизилликни оташ-оловга ташбих қилиб, унинг оташи тафти олдида ҳатто куёш ҳам дош бера олмади деб муболаға қилади:

Айлар ҳар дам офтоб ўзин булут ичра ниҳон,
Кўрса жонон чехрасини боғ аро гар ҳар сабоҳ.

(1005, 163а-варақ)

Ушбу байтда қўлланган ташхис санъати ҳам реал воқеъликка асосланган. Унда шоир куёшнинг юзини булут тўсишини, севгилисининг гўзаллиги олдида тура олмай уялишидан деб ҳисоблайди. Шу билан бирга шоир байтда қўллаган поэтик тасвирга кўра, жононнинг ҳар куни эрта билан юз кўрсатиши куёшнинг чиқишига, у чиққан пайт ҳақиқий куёшнинг булут ортига ўтиши, бирор даврага ўзидан ҳам гўзалроқ қизнинг келганини кўриб, рашкига чидай олмай қочган гўзалга ташбих қилинган.

Факат бугина эмас. Шоир бу санъатини қўллашда бир байтни ўзида бирдан ортиқ поэтик образ ва тасвирдан истифода этган, ташхисни кетма-кет икки байтда ўзига хос тарзда қўллаган ҳолатларни ҳам кўришимиз мумкин:

Гул яқо чок айлабон бошиға шабнам сочиб,
Баргидин ҳам айрилиб қолғоч, камолин истадим.

(1005, 33а-варақ)

Бу байт “Вақти субҳ эрдик, ман дилбар жамолин истадим” мисраси билан бошланган етти байтдан иборат ғазалнинг бешинчи байти. Унга қадар шоир тонг чоғида маъшуқасининг қоши ҳилолини кўриш истагида бўлганлигини ёзади. Кейин, уни излаб гулшанга қайта-қайта назар қилганлиги, шунда ногаҳон севгилисининг гул ёнида турганлигини кўради. Ўша лаҳзада лирик қаҳрамон гоҳ маъшуқаси, гоҳ гулнинг хуснига ҳайрат билан қараб турганда, гул гўзалнинг хусну латофатини кўриб, аламдан ёқа йиртади, бошига шабнам сочади. Бу ерда икки ҳолат-очилган ғунча ва унинг устига шудрингнинг тушиши воситасида ташхис санъати ҳосил қилинган.

Ёнида сарвни хам, наргисни шабнам бирла ёш
Тўкдуруб зор айлагон ул хурпайкарму экан.
Ой ҳилолидин хижил этиб, кун жамолидин уят,
Ул пари ёнида онлар зору музтарму экан.

(1005, 177а-варақ)

Мисолда кўриниб турганидек, ташхис санъати бир газалда кетма-кет икки байтида қўлланган. Шу билан бирга ҳар бир байтда ташхис санъатини ҳосил қилишда бир йўла иккитадан поэтик образ иштирок этган.

Ташхис санъатига функционал жиҳатдан яқин бўлган *интоқ* санъати ҳам Комёб асарларида бир мунча ўрин эгаллайди. “Интоқ (нутқ билан боғлиқ) – нутқсиз нарсаларни нутқ эгаси сифатида тасвирлаш”¹. Жумладан, “Мунтахаб ул-воқеот”даги 82 байтдан иборат “Ҳикояти манзума” тўлиқ интоқ санъати асосига қурилган. Унда кўнгил, ақл ва ҳуш ўртасидаги суҳбат мана бундай тасвирланади:

Ки эй ки баданнинг подшоҳи,
Ки бизлар бошиға зилли илоҳи.
Не зоди ғам аро ўзни кўюбсан,
Недин бизларни кўздин ўтубсан.
Деди очиб кўзин онларға боқиб,
Не сўз базмини сабза дилға боқиб.
Бўлибман ишк аро зору гирифтор,
Висоли ёр бўлмиш манга душвор.

(3730/ II, 11а-12б-варақ, ҳошия)

Мисолдаги кўнгил, ақл ва ҳуш образлари аслида жонли ва сўзлаша оладиган, ҳаттоки моддий нарсалар эмас, шоир эса уларни инсон каби сўзлатган.

Интоқ санъатининг моҳиятида жонли ва жонсиз нарсаларни гапиртириш ётса-да, аслида бу усул асосан образлилик яратувчи фаол бадиий восита, зеро, шеърятнинг жони – образлиликдир.

Шоир асарларида кенг қўлланган бадиий санъатлардан бири *талмиҳдир*. Талмиҳ (“назар солмоқ”) шеър ёки насрда машхур тарихий воқеалар, афсоналар, адабий асар ёки мақолларга мурожаат қилмоқ санъатидир.

Талмиҳда ижодкор Шарқда машхур қисса ва достонларнинг қаҳрамонлари номига ишора қилади ва бу орқали лирик қаҳра-

¹ Бобосев Т. Шеър илми таълими. – Т.: Ўқитувчи, 1996. – Б. 212.

моннинг ҳолати, ички кечинмалари, ўз шахсий майлларини қисқа ва лўнда, айни чоғда жонли тарзда ифодаланига ҳаракат қилади¹.

Лайлову Мажнун ила Фарҳоду Ширин ишк аро,

Сан била мендек афсона бўлмай, бўлмағай?

(1005, 1046-варақ)

Тўққиз байтли ғазалнинг, еттинчи байтида келган талмих санъати олдинги байтлардаги ошиқ ўз маъшуқасининг гўзаллигини васф этиш ва ўзининг ошиқлиги, унинг марҳаматидан умидворлигини баён этишга қаратилган ишқий кечинмалар боис, улар тўғрисидаги муҳаббат қиссаси эл ўртасида шу қадар машҳур бўлиб кетганлигини кучли тарзда билдиришга қаратилган. Талмих санъати орқали Лайли ва Мажнун, Фарҳод ва Ширин тўғрисидаги машҳур қиссаларни эсга олиш билан ўзларининг муҳаббат тўғрисидаги қиссаси уларникидан ҳам ўтиб кетганлигини айтиб, энди уларникидек қисса бўлмаса керак, деб муболаға қилади.

Алишер Навоий шеърятининг таъсири сезилиб турган унинг куйидаги:

Жон ато элга қилурди борҳо Хизру Масих,

Лекин, анфосинг кўруб бўлди хафо Хизру Масих!

(1005, 356-варақ)

магълабли ғазалида қўлланган талмих санъати ҳам эътиборли. Шоир ҳар байтда Ҳазрати Хизр ва Масих-Исо алайҳиссалом тўғрисидаги қиссаларни эслаш билан ўз маъшуқасининг гўзаллиги, унинг ҳар бир сўзи, лабининг ширинлиги Исо алайҳиссаломнинг ўликни тирилтирувчи нафасидан, Ҳазрати Хизрни кўрган кишига насиб этадиган абадий ҳаётдан ҳам зиёда деб муболаға қилади. Ғазалда қўлланган талмих санъати ўз навбатида муболағага ҳам замин бўлган.

Шоир талмих санъатидан айниқса, мухаммас, мурабба, мусамманлари таркибида ўзига хос силсилавий тарзда истифода этиб, лирик қаҳрамоннинг ишқий кечинмалари, хоҳиш-истакларини муболағали, кўтаринки тарзда тасвирлашдаги бир восита сифатида фойдаланган. Куйидаги мусамманнинг бир бандида талмих санъати силсилавий тарзда қўлланган:

Қилмағай эрдим назар рухсори олингни кўруб,

Жон куши бўлди асир дона холингни кўруб,

¹ Талмих ҳақида қаранг: Ҳожиаҳмедов А Шеърый санъатлар ва мумтоз қофия. – Т.: Шарк, 1998. – Б. 41-42.

Бўлмишам Фарходдек Ширин мақолингни кўруб,
Доғи ҳам Мажнун каби Лайли жамолингни кўруб,
Вомиқи бечорадек Узро мисолингни кўруб,
Дил аро Яъқубдек Юсуф хаёлингни кўруб,
Хаставу беморман лаъли зулолингни кўруб,
Этмайин бир дам даво дардимни чандон айладинг.

(1005, 1496-варақ)

Шоир биринчи ва иккинчи мисрада ўз севгилисига бир ногаҳоний назар орқали ошиқ бўлганлигини ёзади. Кейинги мисраларда Фарходнинг Ширинга етишиш учун бошидан ўтказганлари, Мажнуннинг Лайли жамолига мушарраф бўлиш йўлидаги кечирган захматлари, Вомиқнинг Узро висолига эришиш, Яъқуб алайҳиссаломнинг фарзанди Юсуфни кўриш учун чеккан азобларини ёдга олади бу орқали ўз севгилисининг ниҳоятда гўзаллиги ва ўзининг ошиқлигини қай даражада эканлигини ўқувчи тасаввур қилиши учун улардан муболағали тасвир сифатида ҳам фойдаланади.

Комёб асарларида *ружуъ санъати* асар ғоясининг моҳиятини очиб бериш, қавариқ тарзда ифодалашда етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. “Шоир–адиб ўз туйғуларини онглатиб тургон чоғда гўё бирдан ифодалашнинг етишсизлигини билган бўлиб, сўзидан қайтади-да, ундан кучлироқ бир ифода билан сўйлайдилар. Бунга қайтариш (ружуъ) дейдилар”¹. Шоир ружуъ санъатидан турли хил мавзудаги шеърларида фойдаланган. Масалан:

Еткурди бу кеча бир-бирини,
Бири дема, Зухраю Муштарийни.
Онларни дема, еткурди бир хур,
Базм аро берди бир ажиб нур.
Хур ила малойик демагил они,
Де они Азизи Мисри соний.

Бу ўринда шоир гўзални ниҳоятда чиройли эканлигини тасвирлаш учун бир неча қайта ружуъ санъатига мурожаат қилади. Дастлаб уни Зухра билан Муштарийга қиёслаб, бундан ҳам кўнгли тўлмайди. Кейин хур билан малакка ўхшатади. Ундан ҳам зиёда, яъни Азизи Мисри сони деган хулосада тўхтади. Бу билан шоир гўзални талмех санъати воситасида Миср Азизи-Юсуф алайҳиссаломга ўхшатади. Яхши маълумки, дунёнинг ўндан тўққиз қисм гўзаллиги

¹ Фитрат А. Адабиёт қондалари. – Т.: Ўқитувчи, 1995. – Б. 74.

Юсуф алайҳис саломга берилган. Шоир ана шуларни эслаш билан кўнгли тўлгандай бўлади.

Мана бу байтнинг биринчи мисрасида ружуъ санъати орқали муаллиф гўзалнинг кулок ва зулфларига тақилган тошлар қиммат-баҳо дур эканлигини айтиш билан кифояланмай, кейинги мисрадан улар фақатгина оддий дур эмас, балки жон дури деб муболага қилади:

Кулоқу зулфларига дурлар осилғон,
На дурдур, жон дурри онго осилғон.

(7717, 146-варақ)

Қуйидаги ҳамд мисраларда истифода этилган ружуъ санъатига эътибор қаратайлик:

Яратти қудрати сунъи жаҳонни,
Жаҳонни дема ёлғиз, осмонни.

(1005, 63а-варақ)

Комёб Тангрининг яратувчилик қудратини васф этишда даст-лабки мисрада уни жаҳонни яратди деб, қай даражада куч-қудрат соҳиби эканлигини кўрсатишга ҳаракат қилган бўлса, иккинчи мисрада бу айтганлари мақсадини тўлақонли очиб бера олмагандай бўлиб, нафақат жаҳонни, балки бундай жаҳонларни ичига олган осмонни яратган, дея тасвирни яна ҳам бўрттиради. Яна бир мисол:

Эй, қилиб ҳамдинг била кўнглумда бир файзе асар,
Гулшани табъимға етти бир насим ила хабар.
Не хабардур, жони жоний эрур гўйиё,
Шод этиб берди бу дам турлик маъоний тоза-тар.

(1005, 46б-варақ)

Шеърнинг бошланишиданоқ унинг ҳамд ғазал эканлиги билиниб турибди. Биринчи байтда шоир Тангрига ҳамд айтиш лозимлиги кўнглидан ўтганлигини гўё бир хабарга ўхшатади. Иккинчи байтда эса бу шунчаки хабар эмас, гўё жонларга жон бағишловчи хабар эди деб, аини пайтда ҳамднинг маърифий аҳамиятини очиб беришга ҳаракат қилади.

Комёбнинг лирик ва тарихий асарларида *ирсоли масал* санъати воситасида ўз фикрини далиллашга қаратилган бир қанча ўринларни кўрамиз. Бу санъат тўғрисида Атоуллоҳ Ҳусайний: “Ирсолу-л-масал машҳур қавлга кўра бир байтқа бир масал келтурур. Бу икки йўл била бўла олар. Биринчи ва афзали улдурким, масалнинг сўз ва тартибин ўзгартирмай бергайлар, андоқким”, – деб машҳур сўзлар-

дан ўзгаришсиз ишлатилган бир байтни мисол келтиради. Муаллифнинг ёзишича иккинчи тур ирсолу-л-масалда ўша иборалар ўзгаришга учрайди. Яна Хусайнийнинг билдиришича бир байтда икки мисол келтирилиши ҳам мумкин бўлиб, у ирсолу-л-масалайн дейилади¹. Мисол учун Комёбнинг “Ноз ила оразинг...” деб бошланадиган етти байтли ғазалида лирик қаҳрамон-ошиқ ўз маъшуқасининг бераҳмлиги, васлини насиб этмаётганлигидан арз қилади. Олтинчи байтга келиб лирик қаҳрамон ўз-ўзига танбеҳ бериб, ирсолу-л-масал санъатининг биринчи усулига кўра ҳосил қилади:

“Сабр мифтоҳу-л-фараҳ” дур, билгил, эй кўнгул,

Бесабрлик айлабон ҳажрида қилмай изтироб,-дейди

(1005, 756-варақ)

Бу санъат араб тилидаги “Ас-сабру мифтоҳу-л-фараҳ” - “Сабр хурсандчилик калитидир” деган мақол асосида яратилган. Унга кўра, сабр имон мустаҳкамлигини кўрсатувчи муҳим омиллардандир. Инсон бошига тушадиган турли хил синовлар, унинг Яратганга бўлган ишончи, муҳаббатини тафтишдан ўтказади. Охир-оқибатда бундай синовларни матонат билан бопидан ўтказган киши Яратганнинг марҳаматига сазовор бўлади. Гарчи, байтда шоир “бесабрлик айлаётган” қаҳрамонга мурожаат қилаётган бўлса ҳам, унинг тубидаги ғоя жамиятнинг барча қатламига қаратилган. Муаллиф ҳар қандай тадбирда шошмаслик, сабр ва матонат билан иш тутиш лозимлиги, охир оқибатда мақсадга етишиш аниқлигини билдиради.

Куйидаги ирсол масал халқ орасида машҳур “Булбулга гул керак” қабилдаги иборадан олинган:

Бир дам юзингни кўрмасам доим бўларман лол, бил:

“Булбулга гулшан бўлмаса, қилмас наво”, қошу кўзинг.

(1005, 65а-варақ)

Ўз фикрини бундай мақоллар асосида изҳор қилиш Комёбнинг девондан ташқари “Таворих ул-хавонин” ва “Мунтахаб ут-таворих” асарларида ҳам мавжудлигини асар хусусиятига бағишланган биринчи бобда гапириб ўтган эдик. Шу сабабли бу тўғридаги маълумотларни тақрорлаб ўтирмаймиз.

Комёб асарларида фаол истифода этилган маънавий санъатлардан яна бири *муқобаладир*. “Муқобала “қарши келиш” маъносини ифодалайди ва шеър байтларида бир-бирига зид тушунчаларни

¹ Атоуллоҳ Хусайний. Бадойиғу-с-санойиғ. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1981. – Б. 135-136.

англатувчи сўзларни келтириб, улар воситасида муайян бир ғоя, фикрни таъсирчан ифодалаш санъати саналади”¹. А.Ҳожиаҳмедов муқобалани икки турга, яъни тақобили зид ҳамда тақобили ижобу салбга ажратиб кўрсатади. Саййид Ҳомид тўра асарларида муқобаланинг мазкур икки тури асосида яратилган ўнлаб байтларни учратишимиз мумкин. Мисолларни кўриб ўтамиз:

Авалло ношод қилса, сўнгра ул шод айлаюр,

Комёб, Аллоҳ Таоло сани ношод айламас.

(1005, 556-варақ)

Шоир байтда муқобала санъати орқали ўқувчига Тангрининг бу дунёда ўз бандаларини “ношод қилиши” - турли қийинчиликларни юбориш орқали уларни синовдан ўтказиши, бу синовларни сабр-бардош билан енгганлар, унинг марҳаматига сазовор бўлиши мумкинлиги тўғрисидаги ақидани эсга солади. Байтда муқобаланинг *тақобили ижобу салб* тури қўлланган ва унинг иккала жузви ҳам байтнинг биринчи мисрасидан ўрин олган. Муқобала санъатини очиб беришда кўмаклашувчи жузвлар эса иккинчи мисрада келган. Қуйидаги тақобили тазодга кўра ҳосил қилинган муқобала санъати композицион жиҳатдан бунинг акси:

Кўзи жоду, қоши ёдур, каломидур Масиҳодек,

Тараҳхум айлар, аммо ғамзаси дилни фигор айлар.

(1005, 48а-варақ)

Биринчи мисрада лирик қаҳрамон ўз севгилисининг кўзу қоши, каломини васф этиб, иккинчи мисрада уларнинг меҳрибончилик қилиши, жон бағишлашини айтади. Шу билан бир вақтнинг ўзида унинг боқишидан дилининг яраланишини айтиб, ўқувчида унинг ниҳоятда ҳусну латофатли, нигоҳлари ғамзага тўла эканлигини тасаввур қилишга асос яратган. Қайд этиш жоизки, шоирона нур ва соялар ўйинига асосланган ушбу санъатнинг таъсирчанлик яратишда, асарнинг ўқимишлилигини таъминлашда чексиз имкониятлари бор.

Шоир шеърларида муқобала санъатининг кетма-кет бир ғазалнинг икки байтида ёки бир байтнинг икки мисрасида иштирок этган ҳолатлар ҳам тез-тез учраб туради.

Шарқ мумтоз шеърлятида “саволу жавоб” санъатига кўра шеър ёзиш анъанаси ҳам ўзига хос тарихга эга. Атоуллоҳ Ҳусайний ушбу санъатни иккига бўлади. “Биринчи навъи улдураким, саволу

¹ Ҳожиаҳмедов А. Шеърлий санъатлар ва мумтоз қофия. – Т.: Шарқ, 1998. – Б.57.

жавоб бир кишининг калимасида бўлур, масалан, бир шеърда бир мисра саволу иккинчиси жавоб ўлур. Иккинчи навъ улдурким, саволу жавоб икки кишининг каломида воқеъ бўлур”. Яна унинг ёзишича, ушбу санъатнинг биринчи навъи Шарк шеърлятида кўпроқ кадрланади¹.

“Лирик асарларда саволу жавоб кўпинча бир-икки мисрада ифодаланади. Лекин бошдан оёқ шу усулда битилган лирик шеърлар ҳам учраб туради”².

Буларга шуни қўшимча қилиш мумкинки, бу санъат қўлланган шеърларда, юқорида муаллифлар кайд қилганидек, савол-жавоб аксар ҳолларда бир мисра савол иккинчи мисра жавоб тарзида бўлса, бир байт савол, иккинчи байт жавоб бўлиши мумкин. Яна бу санъат А.Ҳожиаҳмедов таъкидлаганидек, кўпроқ лиро-эпик асарларда истифода этилади. Шу билан бирга лирик асарлардаги ўрни ҳам ўзига хосдир. Уларда бу санъат лирик қаҳрамон ички кечинмаларини очиб беришда муҳим омил бўла олади. Инобатга олиш жоизки, тасвирда диалоглар – саволу жавоблар иштироки, матнга жонлилиқ ва ўзига хос жозиба, ҳаётийлик бағишлайди.

Комёб асарларида “саволу жавоб” санъати иштирок этган байтлар билан бирга бутунича шу санъатга асосан ёзилган ғазаллар ҳам кўзга ташланади. Масалан:

Лутф қил боқиб, – дедим, дилрабо деди манго:

– Лутф қилғум, сабр қил, – ишванамо деди манго.

(1005, 216-варақ)

матлаъли тўққиз байтли, етти байтли

Ёрима арзимни дегач ул кулибон манго деди:

– Ҳажрима тоқат этмасанг, тухмати ишк санго,

(1005, 102а-варақ).

матлаъли ҳамда “Ёрима арзимни дегач ул кулибон манго деди” мисраси билан бошланган ғазаллар ҳам бошдан оёқ саволу жавоб санъати асосида ёзилган. Байтларининг биринчи мисрасида опикнинг саволи иккинчи мисрасида маъшуқа жавоби тарзида тuzилган. Бу савол-жавоб асосида шеърда байтма-байт лирик қаҳрамон ва унинг маъшуқаси ўртасидаги муносабат, конфликт сабаблари очиб борилади. Булардан ташқари айрим байтларда иштирок

¹ Хусайний Атоуллох. Бадойиъу-с-санойиъ. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1981. – Б. 189.

² Ҳожиаҳмедов А. Шеърый санъатлар ва мумтоз кофия. – Т.: Шарк, 1998. – Б. 61.

этган саволу-жавоб санъати ҳам худди шу мақсадни ниҳоялашга ўзига хос тарзда хизмат қилиб келган.

“Келгоч” радифли тўққиз байтли ғазалдаги саволу жавоб санъати ҳам ўзига хос. Ғазалда бу санъат 6, 7, 8-байтларда бир байт савол, бир байт жавоб тарзида берилган. “Халқа-ҳалқа” деб бошланувчи 9 байтли ғазалнинг беш байтида, “Ё Раб, ўлғайму муяссар манго жононғинамиз” мисраси билан бошланадиган 11 байтли ғазалнинг 8, 9, 10-байтларида мазкур санъат қўлланган. “Ажаб бир дилрабо кўрдим, жаҳонда мисли йўқ они” мисраси билан бошланувчи 11 байтли ғазалнинг тўққиз байти саволу жавоб тарзида ёзилган. Мазкур тўққиз байтнинг саккиз байтида бир байт савол, бир байт жавоб бўлса, бир байтнинг бир мисраси савол, иккинчи мисраси жавоб шаклида берилган. Булардан ташқари шоирнинг бу санъатдан фойдаланишдаги маҳоратини мухаммас ва тахмисларда ҳам кўришимиз мумкин.

Маълумки, тахмис қилинаётган ғазалдаги фикрларга мос фикр топа билиш, уни давом эттириш, қўлланган бадиий санъатларга мос санъатни уйғунликда қўллаш билиш шоирдан катта билим ва маҳоратни талаб қилади. Комёбнинг бу борадаги маҳоратини Ферузнинг саволу жавоб санъати қўлланган “Кулуб деди манга бу кеча дилдор” мисраси билан бошланувчи ғазалига боғланган тахмисида кўрамиз. Комёб ғазалда Феруз қўллаган саволу жавоб санъатига ўзи томонидан ижод қилинган саволу жавоб санъатини ҳам гўзал тарзда асл матн руҳига сингдириб, ундаги ғояни ривожлантира олган.

Лафзий (сўз) санъатлар юзаки қараганда матнда сўз, бирикма, ибора, мисра такрорлари сифатида зухур этади. Аслида, эса бу тизимдаги санъатлар ўқувчидан сўзга эътиборни, сўз ўрнига, такрорига эътиборни, муҳими маъносига эътиборни талаб қилади.

Шоир асарларида лафзий санъатларнинг бир неча кўринишидан сўзнинг таъсирчан ва бадиий гўзаллигини таъминлаш учун фойдаланганлигига ҳам гувоҳ бўламиз. Хусусан, Комёб тажниснинг турли хилларини истифода этган. Тажнислар шоир асарларининг маъно ифодасининг ортиши ва мусиқийлигини таъминлашга хизмат қилган. Битта мисол келтирамиз:

Кетиб эрди андин ато давлати,
Яна қилди Тангри ато давлати.

(7717, 1386 варақ)

Ушбу байт “Таворих ул-хавонин”да Саййид Муҳаммадхон отаси вафот этгач эгалик қилиши керак бўлган отамерос тахтга Аллохкули, Раҳмонкули, Абдуллохон ва Қутлукмуродлардан кейингина ўтирганлиги воқеаси баёнидан сўнг хулоса сифатида берилган маснавийдан олинди. Унда ҳақиқат ўз ўрнида қарор топганлиги изҳор этилади. Бу ҳолат маснавийда “ато” сўзидан тажниси томм яшаш орқали гўзал тарзда ифодаланган. Яъни, биринчи мисрада “ато давлати” бирикмаси, Саййид Муҳаммадхоннинг қўлидан отасининг меросий давлати кетганлигини билдирган. Иккинчи мисрадаги “ато давлати” бирикмаси эса, унга Тангри томонидан ўша давлатнинг қайтадан ҳаёти этилганлигини англатилмоқда.

“Иштиқоқ” синиш маъносидадир. (Иштиқоқ ... шундайки, ёзувчи ҳарфлари бир-бирига яқин ёки ҳаммаси ҳамжинс бир сўздан келиб чиққан сўзларни келтиради)¹. Аслида, бу санъат моҳиятида ўзакдош сўзлардан фойдаланиш маҳорати ётади. Бир ўзакдан ясалган икки ёки ундан ортик сўзларни байтда қўллаш матн мазмунига уйғунлик ва мутаносиблик бағишлайди. Ушбу санъат ҳам Комёб асарларида қўплаб ўринларда ишлатилган.

Қўймағил ман зорни йўлингда сан зор йиғлатиб,
Кулбама бир дам келиб, қилма мани ёр интизор.

(1005, 47а-варақ)

Мисраларга назар солсак, шоир биринчи мисрадаги икки сўз - “зор” такроридида маънолари ҳар хил бўладиган том тажнис қўлланган. Байтда бир ўзакли “зор” ва “интизор” сўзлари ўзакдош бўлганликлари туфайли иштиқоқ санъати ҳосил қилинган. Ўз навбатида лирик қаҳрамон маъшуқасидан айни дамда уни кўришга зорлиги, келмасдан баттар интизор қилмаслигини сўраб муболаға ҳам қилмоқда.

Жон қушини бўйнига зулфингни солиб судрадинг,
Ўйлаким, сайд айлабон сайёд оху элтадур.

(1005, 135б-варақ)

Бу байтдаги бир ўзакли “сайд” ва “сайёд” сўзлари иштирокидаги иштиқоқ санъати ўз навбатида истиора ва ташбеҳга асос яратади. Айни шу сўзлар ёрдамида ҳосил қилинган иштиқоқ санъати қуйидаги байтда янгича композиция ва мазмун касб этган:

Қўнглумни сайд айлабон кеттики, ул ой банд этиб,
Қўюбон кетмак недур, ҳеч бирки сайёд айламас.

(1005, 55б-варақ)

¹ Адабиёт назарияси. I том. – Т.: Фан, 1978. – Б. 396.

Тарди акс¹ санъати ҳам Саййид Ҳомид тўра асарларининг нафосатини белгиловчи шеърӣ санъатлар сирасига киради. Жумладан, “Таворих ул-хавонин”да кўнғиротнинг улуғларидан бўлган Амир Нўқай нўённинг тилидан ҳокимият учун ҳаракат бошлаётган шахзодаларга қарата айтган сўзи тарду акс санъати воситасида қуйидагича изҳор этилади:

Хирадманде агар берса санга **панд**
Эшит **панд**дини бор эрсанг **хирадманд**.

(1005, 37а-варақ)

Тарди акс санъатининг назарӣ моҳиятида байтда ишлатилган икки сўзнинг ўринларини алмаштириб такрорлаш усули ётади. Ушбу байтдаги “хирадманд” ва “панд” сўзлари тарди акс тарзида қўлланилганлиги китобхон эътиборидан четда қолмайди, Пандни хирадманддан тинглаган киши донишманд бўлади, деган улуғвор ҳикмат ифодаси ушбу санъат орқали намоён бўлмоқда. Таъкидлаш жоизки, тарди акс санъати гарчи икки сўзни такрорига асосланган лафзий санъат бўлса-да, шу ўринда мазмунга дахл этиб, таъсирчанликни юзага чиқарган.

Қуйидаги тарду акс санъати ҳам эътиборли:

Сабр хуш ўлди, талаф йўлида чиқти жон,

Кўйи бошида бошим кўйи сабукбор ҳануз. (1005, 536-варақ)

Байтда лирик қаҳрамон ўзининг маъшуқаси васлига етишиш учун сабру хушидан айрилган, жони чиққан ҳолатда бўлса-да, ҳамон бошини унинг учун сабукбор - фидо қилишга тайёр эканлигини мазкур санъат воситасида таъсирчан ифода эта билган. Яна бир мисол:

Ишқи жонни **ёра** этмиш, кўнғлумни ҳам **поралар**,

Дегали топмас ул ой**пора** бирла **ёра** арз.

(1005, 58а-варақ)

Комёб асарларида ҳарфӣ санъатларни қўллашга ҳам эътибор берилган. Шоир девонидаги “Бу кеча ҳуснига бокиб...” деб бошланадиган мухаммаснинг олтинчи банди қуйидагича:

Айш этиб маҳбуб ила доим шакарханд айлагил,

Боқибон маҳв айлаб ўзни лаҳза хурсанд айлагил,

Маҳв аёгин йўқ этиб, мадни онго банд айлагил,

Ҳам яна мино аёгин бошга пайванд айлагил,

Бу сифат келсанг топарсан исми жонон, эй кўнғил!

(1005, 67а-варақ)

¹ Қаранг: Ҳожиаҳмедов А. Шеърӣ санъатлар ва мумтоз қофия. – Т.: Шарқ, 1998. – Б. 89.

Ушбу банднинг учинчи ва тўртинчи мисраларида исм яширилган бўлиб, у мана бундай ҳосил қилинади. Дастлаб “Маҳв аёғин йўқ этиб” ишорасига кўра, *محو* сўзининг “оёғи”, яъни охирги ҳарфи бўлган *و* *исқот* санъатига асосан йўқ қилинади. Ундан *مح* қолади. Кейин “мадни онго банд айлагил” ишораси билан *ن* ни қолган бирикмага “*тахрик ва таскин*” санъатига кўра қўшсак-ҳаракатга келтирсак *محمد* чиқади. Тўртинчи мисрадаги “Мино аёғин бошга пайванд айлагил” ишораларига кўра, *مينا* сўзининг охирги ҳарфи-“аёғи”ни қалб санъати асосида олдинга ўтказсак, яъни “бошига пайванд қилсак”, *امين* бўлади. Жами “исми жонон” – *محمد امين* бўлади.

Бу шеърда муаммо жанри унсурлари мавжуд. Яъни, муаммо жанрида бўлган исқот, таҳлик ва таскин, қалб санъатлари иштирок этиб, охирги мисрада исм чиқариш кераклиги айтилган. Аммо, жанр талабига кўра исм кўрсатилмаган. Шу боис уни муаммо шеър деб бўлмайди¹.

Булар билан бирга Комёб девонида бошқа салафлари ва замондошлари ижодида кам учрайдиган етти байтли ғазал матни таркибида берилган шеърий санъат ҳам мавжуд.

Ғазал байтлари доира ва унинг ичига чизилган еттита ёйсимон қўшчизик (параллель чизик) ичига жойлаштирилган. Шамс Қайс Розий “Ал-мужамъ” ва Атоуллоҳ Ҳусайнийнинг “Бадойиъу-с-санойиъ”сида муъаққад санъатига берилган таъриф ва мисол эътиборга лойиқ². Атоуллоҳ Ҳусайний, берилган таърифда: “Муъаққад” деб андоқ шеърни айтурларким, ёзувда хандаса шаклларида бирига кўярлар, андоқким...” деб, беш қиррали юлдуз шаклида қилиб ёзилган бир шеър кўрсатган³.

Шамс Қайс Розий берган таърифида Ҳусайний айтганларига бир оз қўшимча тарзда бундай санъатга асосланган чизмалар ичида берилган шеърларнинг бир-бирини кесиб ўтган ўринлардаги сўзлар кетма-кетликка кўра жамланганда яна бошқа бир шеър ҳосил бўлишини ҳам билдирган. Розий саккиз жойидан бир-бирин кесиб

¹ Шу кўринишдаги шеърий санъатнинг қўлланишини Феруз шеъриятида ҳам кўришимиз мумкин. Қаранг: Феруз Муҳаммад Раҳим. Элга шоҳу ишққа қул. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1994. – Б. 135.

² Муъаққад сўзи “Персидско-русский словарь”да қуйидаги маънолар билан берилган: 1) боғланган, боғли, бир тизимга боғланган. 2) мураккаб, чалкаш. Персидско-русский словарь. II том. – М.: Русский язык, 1985. – С. 534.

³ Атоуллоҳ Ҳусайний. Бадойиъу-с-санойиъ. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1981. – Б. 109-110.

ўтишидан геометрик шакл ҳосил қилувчи қўшчизиклар ичида ёзилган шеърни келтирган. Шунингдек, мазкур чизикларнинг кесишган жойидан ўрин олган сўзлар йигиндисидан қандай қилиб бир байт шеърнинг ҳосил қилиниш йўли ҳам кўрсатилган¹.

Иккала муаллиф келтирган мисол гарчи шаклан Комёбнинг ёзилган шеърига ўхшамаса-да, таърифга кўра моҳиятан, яъни геометрик чизмалар ичида жойлаштирилганлиги билан бир хилдир².

Булардан хулоса қиладиган бўлсак, муъаққад санъати билан ёзилган шеърлар хилма-хил кўринишдаги ўзаро бир-бирини кесиб ўтишидан геометрик шакл ясовчи чизмалар ичида жойлаштирилади. Бу луғатда айтилганидек, бир тизимга боғланганга ўхшайди. Комёб ғазалида қўлланган шеърини санъат эса муъаққад санъатининг кўринишларидан биридир³.

Маълумки, Навоийнинг муаммо жанридаги шеърлари туркий тилда мазкур жанрда яратилган асарларнинг юксак намунаси ҳисобланади. Туркий адабиёт тарихида шоирларнинг алоҳида ёзилган муаммоларидан ташқари ғазал, қасида ва дostonлар таркибига кирган намуналари Навоий ижодидагина учрайди⁴.

Жумладан, Комёб шеъротида 14 та алоҳида ёзилган муаммо мавжуд. Саййид Ҳомид тўранинг булардан ташқари Алишер Навоийники каби бошқа жанрдаги асарлари таркибига кирган муаммоси ҳам учрайди. Жумладан, олдинги бобда айтиб ўтилган Муҳаммад Раҳимхонга бағишланган қасида таркибида “Муҳаммад Раҳимхон” номига ёзилган муаммо бор.

Аввало, шеърда берилган муаммонинг хусусияти борасида: Гарчи бу ўринда исм муаммо жанри талабига кўра, алоҳида ажратиб кўрсатиб ўтилмаган бўлса ҳам, қасида Муҳаммад Раҳимхонга бағишланганлиги ва “Мадҳингни сўнгғича исми ҳумоюннинг

¹ Қаранг: Шамси Қайси Розӣ. Ал-муҷамъ. – Душанбе: Адиб, 1991. – Саҳ. 317-319.

² Р.Мусулмонқулов намуна келтирмаган ҳолда геометрик шаклларга таяниб ҳосил қилинадиган бундай санъатларнинг X-XV асрларда форс-тоҷик шеъротида энг машҳурларидан бўлган олтигасини санаб ўтган: мураббаъ (тўрт бурчак), мусаддас (олти қаторли), мусамман (саккиз қаторли), мудаввар (доира шаклида), муъаққад (чалқаш), мушажжар (дарахтга ўхшаш). Қаранг: Мусулманқулов Р. Персидско-таджикская классическая поэтика X-XV вв. – М.: Наука, 1989. – С. 44.

³ Муъаққад санъатининг Комёб қўллаган шаклига асосан ёзилган бошқа битта шеърни шоирнинг Оқил тахаллуси билан ижод қилган жияни Отабек тўранинг девонида кўришимиз мумкин. Қаранг: ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги Давлат Адабиёт музейи. 36-рақамли босма китоб.

⁴ Бу тўғрида қаранг: Зоҳидов Л. “Рисолаи муфрадот” Алишера Навои и его муаммо. Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Т., 1970. – 33 с.

учун, ўзда кўргузди умид айлаб муаммо сурати” сўзларининг ишорасига кўра, ушбу қўлланган шеърӣ санъат муаммо эканлиги ҳамда ундан Муҳаммад Раҳимхон исми чиқиши англашилади. Бу эса муаммо жанри талабларига мос келади¹.

Комёбнинг муаммосидан дастлаб “Муҳаммад”, “Раҳим”, “хон” номлари чиқади. Саййид Ҳомид тўра, Огаҳӣй сингари “халлада, мулкаху, абадан” сўзларига махсус муаммо ёзиб ўтирмай, уларнинг мазмунига мос “Халлад аллоҳи таоло зияда умра мулкаху” дуоси билан ишга хотима ясаган ва буни қасиданинг байтига киритиб кетган².

Яна қасида хусусидаги фикримизни давом эттириб, унинг бошқа бир хусусияти борасида сўз юритамиз. Унда Навоийнинг “Ҳар тунинг кадр ўлубон, ҳар кунинг ўлсин Наврўз”³ иборасидан салх⁴ санъати асосида байт битган. Бу байт қасида руҳига ниҳоятда мос келади:

Ҳар кунинг саъд ичра ийду, ҳар тунинг кадр оқшоми
Ёнглиғ ўлуб, бордур онда ҳар бирин хосияти.
Эй, узоринг ийдидин олам топиб амнияте,
Вэй, жамолинг моҳидин офоқ ародур беҳжате.

(1005, 110а-варақ)

Қайд қилиб ўтилганидек, Комёб ҳам муаммо жанрида қалам тебратиб, мазкур жанрнинг ўзбек адабиётидаги давомийлиги ва ғоявий-бадӣий такомиллигига ўзига хос ҳисса қўшган.

Шоир муаммоларида ишқ-муҳаббатни куйловчи, ҳижрон азобини изҳор қилувчи ва инсоний комилликни тарғиб қиладиган

¹Ушбу ўринда Навоий услуби билан биргаликда Огаҳӣйнинг Муҳаммад Раҳимхонга бағишлаб ёзган муаммолар силсиласининг таъсири ҳам сезилади. Қаранг: Матёкубова М. Огаҳӣй муаммолари // Адабиёт кўзгуси, 1998. – № 4. – Б. 165-167.

²Комёбнинг худди шундай, бошқа асар таркибида келган яна бир муаммоси ҳам бор. Бу муаммо “Ораз очиб баногоҳ...” деб бошланадиган тўққиз бандли мусамман таркибида берилган. Ферузга бағишланган мазкур муаммодан “Шаҳи Хивак” сўзлари чиқади.

³Шу ибора асосида салх санъатини юзага келтириш намунасини Огаҳӣй, Феруз ва Фаррух ижодида ҳам учратамиз. Бу тўғрида қаранг: Жумаев Н. Наврўз фарзанди / Ватанпарвар, 2004. 20 март; Ҳафт шуаро. Фаррух ғазаллари қисми. Ўз Р ФА Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейи. 36-рақамли босма китоб. 14 а-варақ.

⁴Салх-бошқа шоир асаридан айрим парчапи маъно ёки таркибдан буюз ўзгартириш орқали келтириш санъати. Салхнинг луғавий маъноси счиб олиш ёки терини шилиш. Қаранг: Атоуллох Хусайний. Бадойиъ ус-санойиъ. – Б. 267; Исҳоқов Ё. Навоий поэтикаси. –Т.: Фан, 1983. – Б. 116; Мусаульманкулов Р. Персидско-таджикская классическая поэтика X-XV вв. – М.: Наука, 1989. – Саҳ. 129.

дидактик мавзулар ҳам акс эттирилган. “Юсуфжон” исмига ёзилган муаммо:

Тийг ичра кўюб олтини ҳазини паришон айласанг,
Ул шўх исми топилур, сўнгда фидои жон айласанг.

(1005, 1556-варақ)

Шеър мазмунига кўра, шоир ошиқни, маъшуқасига етиш учун узоқ машаққатли йўлдан ва жонни фидо қилиш орқали ўтиши зарурлигини билдирмоқда. “Юсуфжон” исмини чиқариш йўли: “тийг ичра кўйсанг олтини” дейилаётган ишораларга кўра, “тийг” сўзидан *тародиф* амалига кўра, унинг маънодоши “сайф”ни олиб, ичига “олти”ни кўшамиз. “Олти”дан мақсад “вов” ҳарфи бўлиб, бу *ҳисоб амали* қондасига кўра ҳосил қилинади. Кейин эса ҳосил бўлган ҳарфларни “ҳазини паришон” қилсак, яъни қалб амали қондасига кўра, ҳарфларни керакли ўринларга жойлаштира сак, “Юсуф” ҳосил бўлади. Исмнинг қолган қисмини топишга иккинчи мисрадаги “Ул шўх исми топилур, сўнгда фидои жон айласанг” ишораларига кўра ҳосил қилинади, яъни “Юсуф”нинг охирига “жон” сўзини қўшсак, “Юсуфжон” чиқади.

“Ражаб” номига ёзилган муаммо:

Жаврингни кўрса жабри фалак,
Боши сори аёкин элтса керак. (1005, 1556-варақ)

Ишқ-муҳаббатга оид лирик асарларда фалакнинг жабри ошиқ ва маъшуқларнинг висолига етишишда энг кўп монелик қилувчи тўсиқ сифатида тасвирланади. Ушбу шеърда ўша ҳолатни ёдга олиб, ошиқ маъшуқанинг етказаётган жабри ҳаддан ошганидан, ҳатто буни билиб турган “фалак жабри” ҳам бетоқат эканлиги, тескари бўлиб кетаёзганига ишора қилаётир.

Муаммонинг ечими биринчи мисрадаги “жабр” сўзи восита-сида ҳосил бўлади. Ишорага кўра, “жабр” бошини оёғига етказса, яъни сўз охиридаги “ре” ҳарфи биринчи ўринга ўтса яширилган “Ражаб” исми чиқади. Бунинг учун муаммонинг қалб амали истифода этилган.

“Отожон” исмига ёзилган муаммо:

Кўрсанг оё нуқтасин устида ҳамроҳи жон ила,
Матлабинг ҳосил бўлур, бўлма кўнгил афғон ила.
Васлиға етқумдур умид ила шому сабох,
Комёб, хушнуд бўл, базм айлагунг жонон ила.

(1005, 155а-варақ)

Шеърда шоир маъшуқа васлига етишдан ҳафсаласи пир бўлган ошиққа ҳижрон азобидан кутулишнинг йўлини кўрсатмоқда.

“Отожон” номи қуйидагича ҳосил қилинади: “Кўрсанг оё нуқтасин устида” ишорага асосан “оё” сўзининг нуқталари пастдан юқорига кўйилади ва бу билан ё ҳарфи те ҳарфига айланиб, “Ото” ҳосил бўлади. “Ҳамроҳи жон ила” ишорасига кўра “Ото”га “жон” сўзини улаш кераклиги билинади. Натижада “Отожон” номи чиқади.

“Сойиб” номига ёзилган муаммо:

Ёрнинг васлига етмак истасанг, саги муддаи
Жисми афгорингни тишлар, эй кўнгил, дафъини қил!
Билки ёрони шойеъ тилга қилмоқ истасанг,
Йипга банд айлаб бошин ул сагни сўнг бағрини тил!

(1005, 1556-варақ)

Шеърда муаллиф ёр васлига етишда душманларининг ити томонидан қаршилиққа учраётган ошиққа бундан кутулиш йўли қандай бўлиши кераклигини билдирмоқда. Исмни чиқариш: шеърда “саги муддаи” изофий бирикмаси бўлиб, унинг исмни чиқаришда восита сўз бўлишига “дафъини қил” сўзлари билан ишора қилинган. Кейин ўша итни бошини ип билан боғлаш ва бағрини тилиш уқтирилган. Бунга кўра “саг”ни “бағрини тилсак”, “саг” сўзи икки ҳарфга ажралади. Унинг биринчи ҳарфи “син” “саг”нинг боши бўлиб, ундан тасмия қоидасига кўра “со” ҳосил қилинади. “Йип” эса тасҳиф қоидасига кўра, “йиб” бўлади. Унга “со”ни уласак, “Сойиб” номи чиқади.

Булардан ташқари таъкидланганидек шоир муаммоларида дидактик мавзулар ҳам ўз аксини топган. Мисол тариқасида “Ҳалим” номига ёзилган муаммони айтиш мумкин:

Кийубон телфак килур худбинлиг жоҳ ҳақим,
Телфакин бошидин олғил, шояд ул бўлғай ҳалим.

(1005, 156а-варақ)

Муаммода инсондаги энг ёмон камчилик, худбинлик тўғрисида сўз боради. Шоир ушбу муаммода кўчма маънода кишини худбинлиги, манманлигига сабаб бўлувчи нарса сифатида “телфак”ни кўрсатади. Шу билан бирга айни чоғда кишидаги худбинликни йўқотиш йўлини ҳам кўрсатиб беради¹.

¹ Муаммонинг счими тўғрисида қаранг: Жўрасв Ж. Хоразм шоирлари ижодидаги муаммо жанри ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти. –Тошкент, 2001. – №. 4. – Б.47-49.

Комёб чистон жанрида ҳам ижод қилган. Унинг девонида учта чистон бор. Қуйида “Ханда” чистонинини кўриб ўтайлик:

Ул на қушким, олти юз бошдур, эллик гардани,
Ошёни шодлиғ, тўрт бел, беш куйруқ анго.
Гуссадин безордур, кўздин гаҳи нихондур,
Бил, на ёнглиғ турфа қушдур бу сифат буйрук анго¹.

(1005, 156а-варақ)

Комёбнинг чистонида яширилган нарсани ҳам икки йўл билан топиш мумкин. Чистондаги таърифлардан ўша “қуш”нинг ханда эканлигини биламиз. Шунингдек, чистонда муаммо жанрига хос тарзда исм кўрсатилган ҳолда “қуш”нинг боши, гардани, бели ва куйруғи тўғрисида гапириш орқали ҳарфларнинг жойлаштириш ўрнига ишора қилинган. Бу муаммонинг *интиқод* қондасига, айтилганлар нечага тенглигини билдириш эса ҳисоб амалига тўғри келади. Ҳисоб амали қондасига кўра, хе-600, нун-50, дол-4, хойи ҳавваз-5 га тенг. Комёбнинг яна “Боғ” ва “Шеър” номи топилиши керак бўлган чистонлари ҳам худди шу услубга асосланган².

Атоуллоҳ Ҳусайний луғз, яъни чистон борасида гапириб, Комёбнинг чистонларидагига ўхшаш, муаммо унсурлари ҳам истифода этилиб, “Шайх” исмига ёзилган луғзни мисол тариқасида келтириб, уларнинг муаммо жанрига алоқадор эмаслигини кўрсатиб ўтган.³ Шунингдек, Ҳусайний муаммога таъриф бериб, шеър муаммо талабига жавоб бериши учун исмнинг кўрсатилиши шарт деб ҳисоблайди⁴. Чистонда исмнинг кўрсатилиши шарт қилинмаган.

Ушбу фаслдаги илмий кузатувлар қуйидаги хулосаларга келиш имконини беради:

¹ Ушбу чистон Огаҳийнинг “Вафо” чистонида қўлланган усулга асосланган. М.Матякубованинг ёзишича, “Вафо” чистонидан исмнинг ҳосил қилиниши муаммо жанри қондаларига ҳам мос келади. Қаранг: Матякубова М. Огаҳий ижодида кичик шеърини жанрлар: Филол. фанлари номзоди ... дис. автореф. – Т., 2000. – Б. 5-16; Ф.Ғанихўжаев эса, Огаҳий бу чистонларни ёзишда таърих жанрида бўлгани каби абжад ҳисобидан ҳам фойдаланган, деб қайд этади. Қаранг: Ғанихўжаев Ф.А. Огаҳийнинг “Таввиз ул-ошиқия” девони ва унинг илмий-танқидий матни: Филол. фанлари д-ри ... дис. – Т., 1998. – Б. 22.

² Б. Абдуллаева шоирнинг “Шеър” чистонининг ечимини изоҳлаб, уни ишоралардаги сонларни ҳарфларга алмаштириш йўли билан ечилади, деб кўрсатиб, бошқа хусусиятлари устида тўхталмаган. Қаранг: Б. Абдуллаева. Комёб ва унинг кўлёма девони. –Т.: Адабий мерос, 1988. – №. 2. – Б.58.

³ Ҳусайний Атоуллоҳ. Бадойиъу-с-санойиъ. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1981. – Б. 206.

⁴ Қаранг: юқорида кўрсатилган асар. – Б. 192.

1. Саййид Ҳомид тўра шеърий санъатларни қўллашда, салафлари анъаналари йўлидан бориш билан бирга, уларга ижодий ёндашади, қўлланган шеърий санъатнинг янги қирраларини кашф этишга интилади. Ўз навбатида шоир шеърий санъатларни қўллашда бадиий меъёр, шакл ва мазмун уйғунлигига ҳам эътибор қаратади. Унинг асарларида шаклбозликка берилиб, мазмун қурбон қилинмаган.

2. Комёбнинг шеърий санъатларни қўллашдаги бошқа бир жиҳати ўзи яшаган давр ўзбек шеъриятида истеъмолдан чиққан айрим шеърий санъатларни янгича талкин қилиш орқали фойдаланиш, ўша шеърий санъатнинг ўзбек шеъриятидаги ўрни ва давомийлигини таъминлашда кўринади.

ХУЛОСА

Комёб ҳаёти ва ижодий мероси манбалари тадқиқи қуйидагича хулосалар чиқариш имконини беради:

1. Саййид Ҳомид тўра ибн Саййид Муҳаммадхон тўра – Комёб Хива хонлари сулоласига мансуб ижодкорлардан. Унинг шоир ва муаррих сифатида қолдирган асарлари Феруз даври адабиёти ва тарихнавислигини ўрганишда муносиб ўрин тутади. У 1861-1926/30 йиллар оралиғида Хивада Феруз раҳнамолигида яшаб ижод қилган. Ундан шеърӣй девон, иккита тарихий асар ва эсдаликлар етиб келган.

2. Шоирнинг назмӣй меросини ўзида жамлаган девоннинг тўртта қўлёзма нусхаси ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти фондида 2627, 3730/IV, 1257, 1005 рақамлари билан, шунингдек, бир нусхаси Россия ФА Шарқшунослик институти фондида В 2324 (Nov 1513) тартиб рақами остида сақланади. Уларни қиёсий ўрганиш 2627 рақамли қўлёзманинг шоир дастхати асосида кўчирилган таянч нусха эканини кўрсатади.

3. Комёб девонига ғазал, қасида, маснавий, мустазод, мухаммас, мусаддас, мураббаъ, мусамман, таркиббанд, таржиъбанд, рубоӣй, қитъа, туюқ, муаммо, чистон, фард, таърих сингари 17 жанрдаги 6000 мисрадан зиёд шеърлари кирган. Бу эса, шоирнинг мумтоз шеърӣятнинг деярли барча жанрларида асарлар яратганидан далолат беради.

4. “Таворих ул-хавонин” асарининг учта қўлёзма нусхаси маълум. Улар 3730/I, 7717 ва 853/III рақамлари остида ЎзР ФА Шарқшунослик институти фондида сақланмоқда. Асар беш бобдан иборат бўлиб, сўнгги – бешинчи боби ўзига хос ва қимматли маълумотларни жамлаган. Унга Хива хонлигининг XIX аср охири – XX аср бошларида ўзбек хонликлари, қўшни Афғонистон, Эрон сингари давлатлар билан олиб борган дипломатик, иқтисодий алоқаларига доир ҳамда хонликнинг Россия томонидан истило қилинишига оид муаллифнинг ўзи гувоҳ бўлган воқеалар бадӣй талқин этилган. Шунингдек, мазкур бобда, хонликда мавжуд турли хил тасаввуфӣй тариқатлар, уларнинг пирлари, тасаввуф одоб-ахлоқи, пир ва мурид муносабатлари, сўфӣйлар ҳаётига оид қимматли маълумотлар берилган. Булардан ташқари, шайхларнинг давлат сиёсатида туган ўрни хусусида ҳам муҳим қайдлар келтириб ўтил-

ган. Ўз навбатида, асар адабиётшунослик ва адабий манбашунослик нуқтаи назардан ҳам маълум аҳамиятга моликдир. Унда муаллифнинг турли жанрдаги асарлари билан биргаликда бошқа қаламкашларнинг ижод намуналари ҳам берилган.

5. “Мунтахаб ул-воқеот” – Комёбнинг бизгача етиб келган иккинчи тарихий асари. Унинг бизга маълум ягона қўлёзмаси ЎЗРФА Шарқшунослик институти фондида 3730/II рақами билан сақланади. “Мунтахаб ул-воқеот” турли тарихий воқеалардан саралаб тузилган асар бўлиб, уч бобдан иборат. Биринчи бобда Одам алайҳиссаломдан Нуҳ алайҳиссаломгача, иккинчи бобда Ёфасдан қўнғирот уруғигача бўлган воқеалар баён қилинган. Учинчи боб икки фаслдан таркиб топган. Биринчи фасл Элтузархоннинг Хоразмда хонликни эгаллаши ва ҳукмронлик даврини ўз ичига олса, иккинчи фасл турли даврларда яшаган таниқли кишиларнинг ҳаётига оид қайдлар, улардан чиқарилган хулосалардан иборат.

Асар туркий халқлар тарихи, ўтмишига оид этнографик ва фольклор материалларига бойлиги билан ҳам қимматлидир. Ундаги материаллар туркий элатларнинг пайдо бўлиши, номланиши, тарқалишига оид маълумотларни таққослаш, тарихнавислик ва XX аср бошлари ўзбек насрий асарлари тили, лексик қатламини текшириш, бошқа давр муаллифларининг асарлари билан қиёсий ўрганишда ҳам муҳим манба сифатида хизмат қилади.

6. Комёбнинг “Эсдалиқлар”и ҳажман кичик бўлишига қарамай, шоирнинг атроф оламдаги табиат ҳодисаларига муносабати, олам ва одам ҳақидаги билимлари, ўша давр кишиларининг эътиқоди ва дунёқарашини ўрганишда алоҳида аҳамиятга эга. “Эсдалиқлар”да муаллиф табиат ўзгаришлари борасида ёзар экан, уларни бошқариб турувчи илоҳий кучнинг мавжудлиги хусусида мушоҳада юритади.

7. Шоир асарларида кўпроқ мумтоз адабиётда анъанага айланган диний-маърифий, ахлоқий-таълимий ва ижтимоий-сиёсий, тасаввуфий, ишқ-муҳаббат, табиат ва фасллар тасвирига оид мавзулар ҳам ёритилган. Бу мавзулар чуқур мазмун ва бетакрор бадиият уйғунлигида тасвирланган.

8. Ижодкор асарларининг қимматини белгиловчи омиллардан яна бири унинг шеърларида хилма-хил бадиий санъатлардан маҳорат билан фойдаланидир. Шоир шеърларида муболаға, ташбих, инток, тамсил, муқобала, киноя, тажнис, ийҳом, таносуб, ишгиқоқ,

тазод сингари санъатлар кўпроқ учрайди. Бу санъатлар Комёб асарларининг таъсир кучи ва бадииятини оширишга хизмат қилган. Шуни ҳам айтиб ўтиш зарурки, шоир асарларининг барчаси ғоявий ҳамда бадиий жиҳатдан бирдек юқори даражада, деб бўлмайди. У девонга ижодининг илк маҳсулларини ҳам ўзгаришсиз киритганлиги боис, баъзан шеърларида мавзу ёки шеърини санъатлар муносиблиги борасида такомилга етмаган мисралар ҳам учрайди.

9. Саййид Ҳомид тўра ибн Саййид Муҳаммадхон тўра – Комёб асарларида у яшаган давр руҳи теран ифодаланган. Ижодкор асарларининг адабиёт тарихида тутган ўрни ўзига хос. Унинг воқеликка муносабати шеърларида ёрқин бадиий шаклда акс этган. Шоир шеърларининг салафлари ижодидан фарқли ҳамда муштарак жиҳатларини қиёсий ўрганиш Комёбнинг ижодкор сифатидаги ўзига хос эканини кўрсатади.

10. Комёб асарларида инсон камолоти, маънавий юксалиши, унинг жамиятдаги ўрни, ўзликни англаши, Ватанга муҳаббат мавзулари ҳам қаламга олинган. Шоирнинг лирик меросида ишқ-муҳаббатга бағишланган ғазаллар салмоқли ўринни эгаллайди. Саййид Ҳомид тўра турли мавзулардаги асарлари орқали жамият барқарорлиги, миллат келажаги, давлат мустақамлиги, фуқаро садоқати, улар устидан адолатли сиёсат юргизиш, бунинг учун амал қилиниши зарур бўлган қоидалар, подшоҳнинг бу борадаги фаолияти масалаларини гўзал бадиий шаклда талқин этган. Ижодкор асарларида ёритилган мавзулар жамият аъзоларини, айниқса, ёш авлодни инсонпарварлик, Ватанга муҳаббат, аждодлар ўтмишини билишга қизиқиш, уни ҳурмат қилиш руҳида тарбиялашга, ҳаётни севувчи, келажакка ишончи баланд, комил шахсларни етиштиришга хизмат қилади.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎХАТИ СИЁСИЙ АДАБИЁТЛАР

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамыз. Тошкент, 2017 -488 б
2. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик-ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. – Т., “Ўзбекистон”. 2017 й. – 104 б.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони / Халқ сўзи. 2017 йил. 8 февраль.
4. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008. – 176 б.

ИЛМИЙ ВА ОММАБОП АДАБИЁТЛАР

1. Абдуллаев В. Ўзбек адабиёти тарихи. – Т.: Ўқитувчи, 1980. – 344 б.
2. Абдуғафуров А. Буюк бешлик сабоқлари. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1995. –179 б.
3. Абдуғафуров А. Қалб қаъридаги қадриятлар. – Т.: Ўқитувчи, 1998 –216 б.
4. Абрамович Г.П. Введение в литературоведение. – М.: Просвещение, 1975. – 350 с.
5. Аваз Комил. Олис оҳанглар. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1997. – 207 б.
6. Адабиёт назарияси. I-том. – Т.: Фан, 1978. – 414 б.
7. Адабиёт назарияси. II том. – Т.: Фан, 1979. – 443 б.
8. Адабий тур ва жанрлар. Уч жилдлик. 1-жилд. – Т.: Фан, 1991. – 381 б.
9. Адабий тур ва жанрлар. Уч жилдлик. 2-жилд. – Т.: Фан, 1992. – 246 б.
10. Айёмий. Ўт чақнаган сатрлар. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1983. – 182 б.
11. Алишер Навоий асарларининг тошбосма нашрлари тавсифи / Тузувчи Бобоҳон Қосимхонов. – Т., 1988. – 59 б.
12. Ахунджанов Э. Письмо и книга. – Т.: Узбекистан, 1983. – 73 с.

13. Аҳмедов Б. Ўзбекистоннинг атоқли тарихшунос олимлари. – Т.: Чўлпон, 2003. – 107 б.
14. Баёний Муҳаммад Юсуф. Шажарайи хоразмшоҳий. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1994. – 103 б.
15. Баҳодирхон Абулғозий. Шажарайи тарокима. – Т.: Чўлпон, 1995. – 47 б.
16. Бертельс Е.Э. Навои. – М., – Л.: Издательство академии наук, 1948. – 269 с.
17. Бобоев Т. Шеър илми таълими. – Т.: Ўқитувчи, 1996. – 342 б.
18. Бобур девони. Кобул нашрига такмила. – Т.: Шарк, 2004. – 63 б.
19. Брагинский И.С. Из истории таджикской и персидской литератур. – М.: Наука, 1972. – 413 с.
20. Былинский К.И., Розенталь Д.Э. Литературное редактирование. – М.: Искусство, 1957. – 337 с.
21. Валихўжаев Б. Ўзбек адабиётшунослиги тарихи. – Т.: Ўзбекистон, 1993. – 191 б.
22. Воҳидов Р. XV асрнинг иккипчи ярми – XVI асрнинг бошларида ўзбек ва тожик шеърляти. – Т.: Фан, 1983. – 141 б.
23. Воҳидов Р. Алишер Навоий ва илоҳиёт. – Бухоро: Бухоро, 1994. – 208 б.
24. Дмитриева Л.В. Описание тюркских рукописей института Востоковедения. III том. – М.: Наука, 1980. – С. 131-132.
25. Жалолов А. XIX аср охири - XX аср бошларидаги ўзбек адабиёти. – Т.: Фан, 1991. – 155 б.
26. Жувонмардиев А. Ҳарф ва ракам. – Т.: Фан, 1971. – 32 б.
27. Жумаев Н. Мунис ғазалиёти. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1991. – 159 б.
28. Жумахўжа Нусратулла. Феруз маданият ва санъат ҳомийси. – Т.: Фан, 1995 – 90 б.
29. Жумахўжа Н. Адизова И. Сўздин бақолироқ ёдгор йўқдур. – Т.: Ўзбекистон, 1995. – 151 б.
30. Зоҳидов В. Ўзбек адабиёти тарихидан. – Т.: Бадиий адабиёт, 1961. – 204 б.
31. Зоҳидов Л. Алишер Навоий ижодида муаммо жанри. – Т.: Фан, 1986. – 64 б.
32. Иброҳимов А. XVI аср ўзбек адабиётининг асосий хусусиятлари. – Т.: Фан, 1976. – 206 б.

33. Иванов М. Очерки истории Ирана. – М.: Госполитиздат, 1952. – 467 с.
34. Иванов П.П. Архив хивинских ханов XIX в. – Ленинград: Издание государственной публичной библиотеки, 1940. – 147 с.
35. Исмоилова Э. Искусство оформления Среднеазиатской книги XVIII-XIX веков. – Т.: Узбекистан, 1986. – 76 с.
36. Исломиёв Х. Алишер Навоий ва Хоразм авлиёлари. – Т.: Фан, 1998. – 68 б.
37. Исҳоқов Ё. Алишер Навоийнинг илк лирикаси. – Т.: Фан, 1965. – 38 б.
38. Исҳоқов Ё. Навоий поэтикаси. – Т.: Фан, 1983. – 167 б.
39. Исҳоқов Ё. Нақшбандия таълимоти ва ўзбек адабиёти. – Т.: Халқ мероси, 2002. – 119 б.
40. Йўлдошев И. Ўзбек китобатчилиқ терминологиясининг шаклланиши. – Т., 2003. – 134 б.
41. Каталог фонда института рукописей. I-том. – Т.: Фан, 1989. – 412 с.
42. Каталог фонда института рукописей. II-том. – Т.: Фан, 1988. – 387 с.
43. Комилов Н. Тасаввуф. Биринчи китоб. – Т.: Ёзувчи, 1996. – 270 б.
44. Комилов Н. Тасаввуф. Иккинчи китоб. – Т.: Адабиёт ва санъат хамда Ўзбекистон, 1999. – 203 б.
45. Комёб. Девон. – Т.: Университет, 2002. – 56 б.
46. Комёб Саййид Ҳомид тўра. Таворих ул-хавонин. – Т.: Академия, 2002. – 116 б.
47. Лаффасий. Тазкираи шуаро. – Урганч: Хоразм, 1992. – 118 б.
48. Лихачёв Д. С. Текстология. – М.: Наука, 1964. – 102 б.
49. Мажидий Р. Огаҳий лирикаси. – Т.: Фан, 1963. – 137 б.
50. Мажидий Р. Истеъдод ва бурч. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1974. – 329 б.
51. Майман Е.А. Опыты литературного анализа. – М.: Просвещение, 1972. – С. 205.
52. Муниров Қ. Мунис, Огаҳий ва Баёнийнинг тарихий асарлари. – Т.: Фан, 1960. – 169 б.
53. Мунис. Сайланма. – Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1980. – 364 б.

54. Мусульманкулов Р. Персидско-таджикская классическая поэтика X-XV вв. – М.: Наука, 1989. – 238 с.
55. Муталов О. Хива хонлиги Оллоқулхон даврида. –Т.: Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институти, 2005. 141 б.
56. Неъматов Т. Хива ва Россия муносабатлари тарихидан. – Т.: Бирлашган нашриёт, 1959. – 38 б.
57. Огаҳий. I жилд – Т.: Адабиёт ва санъат, 1971. – 390 б.
58. Огаҳий. V жилд. – Т.: Адабиёт ва санъат 1978. – 206 б.
59. Огаҳий. Таъвиз ул-ошиқин. – Т.: Фан, 1960. – 642 б.
60. Огаҳий асарларининг тавсифи. – Т., 1986. – 125 б.
61. Огаҳий Муҳаммад Ризо. Ишқ аҳлининг тумори. – Т.: Халқ мероси, 1999. – 319 б.
62. Огаҳий. Зубдату-т-таворих / Нашрга тайёрловчи Н.Жабборов. – Т.: Ўзбекистон, 2009. – 238 б.
63. Огаҳий. Шоҳиду-л-икбол / Нашрга тайёрловчи Н.Шодмонов. – Т.: Муҳаррир, 2009. – 334 б.
64. Огаҳий. Фирдавс ул-икбол / Нашрга тайёрловчилар Н.Жумахўжа, С.Рўзимбоев, А.Аҳмедов. – Т.: Ўқитувчи, 2010. – 372 б.
65. Орзибеков Р. Ўзбек поэзиясида ғазал ва мусаммат. – Т.: Фан, 1976. – 118 б.
66. Орзибеков Р. Лирикада кичик жанрлар. –Т.: Адабиёт ва санъат, 1976. –168 б.
67. Орзибеков Р. Ўзбек шеърятисида сирли-синкретик жанр ва шакллар. –Самарқанд, 1990. – 59 б.
68. Персидско-русский словарь. I том. – М.: Русский язык, 1985. – 800 с.
69. Персидско-русский словарь. II том. – М.: Русский язык, 1985. – 864 с.
70. Пирназаров М. Поэтик жанрлар типологияси. – Т.: Фан, 1989. – 122 б.
71. Раҳмонов В. Шеърый санъатлар. – Ленинобод, 1972. – 180 б.
72. Раҳмонов В. Шеър санъатлари. – Т.: Ёзувчи, 2001. – 71 б.
73. Розий Шамс Қайс. Ал-мўъжам. – Душанбе: Адиб, 1991. – 463 сах.
74. Русгамий Алийбек. Адиблар одобидан адаблар. – Т.: Маънавият, 2003. – 109 б.
75. Рустамов А. Қофия нима? – Т.: Фан, 1976. – 35 б.

76. Рустамов Э.Р. Узбекская поэзия в первой половине XV в. – М.: Восточная литература, 1963. – 365 с.
77. Садыков А.С. Россия и Хива в конце XIX - в начале XX вв. – Т.: Фан, 1972. – 211 с.
78. Саидкулов Т. Очерки историографии истории народов Средней Азии. – Т.: Ўқитувчи, 1992. – 186 с.
79. Самандарова С. Лаффасий тазкираси ва унинг қўлёзмалари. – Т.: Хази́на, 1995. – 30 б.
80. Самандарова С. “Тазкираси Қайюмий”– қўлёзма манба. – Т., 1996. – 21 б.
81. Самойлович А. Два отрывка из “Хорезм-намэ”. – Санкт-Петербург: Типография императорской академии наук, 1909. – 20 с.
82. Саримсоков Б. Ўзбек адабиётида сажъ. – Т.: Фан, 1978. – 152 б.
83. Серикова Л.Н. Малые формы лирики Алишера Навои. – Т.: Фан, 1986. – 94 с.
84. Семенов А.А. Описание рукописей прозведений Навои. – Т.: Гостехиздат, 1940. – 44 с.
85. Синхронистические таблицы для перевода исторических дат по хиджре на европейское летоисчисление. – Москва-Ленинград: Изд-во. АН, 1961. – 285 с.
86. Султон Иззат. Адабиёт назарияси. –Т.: Ўқитувчи, 1980. – 390 б.
87. Тарроҳ Бобожон. Хоразм навозандалари. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1994. – 92 б.
88. Темур тузуқлари. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа бирлашмаси, 1991. – 109 б.
89. Университет таълими учун ўзбек филологияси мутахассислиги бўйича ўқув дастури. – Т.: Университет, 1997. – 346 б.
90. Фитрат А. Адабиёт қоидалари. – Т.: Ўқитувчи, 1995. – 111 б.
91. فرهنگمه ادبی فارسی. جلد دوم. تهران. سلزمان چاپ و انتشارات وزرات. فرهنگ و ارشاد اسلامی. 1537 ص.
92. فرهنگ زبان فارسی. انتشارات: مهر دانش-بهباد. 1374. 1090 ص.
93. Феруз Муҳаммад Раҳимхон. Не бўлди ёрим келмади. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1991. – 64 б.
94. Феруз Муҳаммад Раҳимхон. Элга шоҳу ишққа кул.–Т.: Адабиёт ва санъат, 1994. – 157 б.

95. Хожа Аҳмад Яссавий. Девони ҳикмат. – Т.: Мовароуннаҳр, 2004. – 176 б.
96. Холлиев Г. Фуломов Х. Ўзбекистон тарихи. XVIII - XX асрнинг биринчи чораги. – Т.: Университет, 1997. – 117 б.
97. Хоразмда битилган қўлёзмалар / Тузувчи: Г. Машарипова. – Т.: Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти, 1997. – 30 б.
98. Худойназаров Ҳ. Абулғозий Баҳодирхон тарихчи ва адиб. – Т.: Ўзбекистон, 1994. – 51 б.
99. Шамсиев П. Ўзбек матншунослигига оид тадқиқотлар. – Т.: Фан, 1986. – 164 б.
100. Шамухамедов А. Традиции татаббу в творчестве Алишера Навои. – Т.: Фан, 1984. – 134 с.
101. Шайхзода. Асарлар. Олти томлик. Тўртинчи том. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1972. – 370 б.
102. Чўлпон. Адабиёт надур. – Т.: Чўлпон, 1994. – 239 б.
103. Эркинов А. Матншуносликка кириш. – Т., 1997. – 50 б.
104. Юсупов М. Сахий қаламлар. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1975. – 174 б.
105. Юсупов Ю. Хоразм шоирлари. – Т.: Бадиий адабиёт, 1967 – 138 б.
106. Яссавий Аҳмад. Девони Ҳикмат. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1992. – 208 б.
107. Ўзбек адабиёти тарихи. Тўртинчи том. Биринчи китоб. – Т.: Бадиий адабиёт, 1960. – 462 б.
108. Ўзбекистон тарихи. 1-қисм. – Т.: Университет, 1997. – 337 б.
109. Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқ қўлёзмалари каталоги, 7-жилд. – Т.: Фан, 1964. – 551 б.
110. Қобулов Н, Мўминова В, Ҳаққулов И. Аваз ва унинг адабий мухити. – Т.: Фан, 1987. – 197 б.
111. Ғаффорова З. Навоийнинг ҳамд ва наът ғазаллари. – Т.: Маънавият, 2001. – 62 б.
112. Ҳабибуллаев А. Адабий манбашунослик ва матншунослик. – Т.: Тошкент Давлат Шарқшунослик институти, 2000. – 172 б.
113. Ҳайитметов А. Шарқ адабиётининг ижодий методи тарихидан. – Т.: Фан, 1970. – 330 б.

114. Ҳайитметов А. Навоийхонлик суҳбатлари. – Т.: Ўқитувчи, 1993. – 214 б.
115. Хайём Умар. Рубоийлар. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1971. – 303 б.
116. Ҳакимов М. Алишер Навоий асарларини кўчирган ҳатготлар. – Т.: Фан, 1991. – 50 б.
117. Ҳамидова М. Қўлёзма баёзлар–адабий манба. – Т.: Фан, 1981.– 123 б.
118. Ҳасаний Мажид. Туркистон босқини. –Т.: Нур, 1992. –45 б.
119. Ҳасанов С. Хоразм маърифати – олам кўзгуси. – Т.: Ўқитувчи, 1996. – 294 б.
120. Ҳаққулов И. Шеърят-руҳий муносабат. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1989. – 237 б.
121. Ҳаққул Иброҳим. Аҳмад Яссавий. –Т.: Адабиёт ва санъат, 2001. – 62 б.
122. Ҳожиаҳмедов А. Огаҳий даҳосининг олмос кирралари. – Т.: Халқ мероси, 1993. – 169 б.
123. Ҳожиаҳмедов А. Шеърый санъатлар ва мумтоз қофия. – Т.: Шарқ, 1998. – 158 б.
124. Ҳомидий Ҳ, Абдуллаева Ш, Иброҳимова С. Адабиёт-шунослик терминлари луғати. – Т.: Ўқитувчи, 1967. – 300 б
125. Hofman H. Turkish literature a bio-bibliographical survey. Sektion III. Utrecht, 1969. – P. 18-19
126. Ҳусайний Атоуллох. Бадойиъ-с-санойиъ. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1981. – 397 б.

МАҚОЛА ВА ТЎПЛАМЛАР

127. Абдуллаева Б. Комёб ва унинг қўлёзма девонлари //Адабий мерос. – Тошкент, 1988. – № 2. – Б. 54-58.
128. Абдуллаев В. Сайланма. Адабий-танқидий мақолалар. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1982. – 438 б.
129. Абдуғафуров А. “Ҳазойин ул-маоний” жумбоқлари // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1998. – № 6. – Б. 8-9.
130. Адабий манбашунослик // Қўлёмалар институти олимларининг 1988 йилда бажарилган илмий ишларининг преперити. – Т., 1989. – 53 б.
131. Жумаев Н. Фазал композицияси ҳақида // Адабий мерос. – Тошкент, 1983. – №3. – Б. 63-68.

132. Жумаев Н. Ошиқлар тумори // Шарқ юлдузи. – Тошкент, 1989. – № 12. – Б. 188-192.
133. Жумаев Н. Наврўз фарзанди / Ватанпарвар. –Тошкент, 2004. 20 март.
134. Жўраев Ж. Хоразм шоирлари ижодидаги муаммо жанри хақида // Ўзбек тили ва адабиёти. –Тошкент, 2001. – № 4. – Б. 47-49.
135. Иброҳимова Э. Огаҳий адабий муҳити // Адабий мерос. – Тошкент, 1982. – № 1 (21). – Б. 62-64.
136. Иброҳимова Э. Огаҳий лирикасининг бадиий хусусиятлари // Адабий мерос. – Тошкент, 1982. – № 3 (23). – Б. 58-62.
137. Иброҳимова Э. Навоий традицияларининг XIX аср Хоразм шоирларидаги айрим кўринишлари // Ўзбек тили ва адабиёти, 1966. – № 2. – Б. 61-63.
138. Исҳоқов Ё. Алишер Навоий лирикаси ва янги давр поэтикаси // Навоийнинг ижод олами. – Т.: Фан, 2001. – Б. 46-66.
139. Каримова Ф. Навоий ва мумтоз дебочанавислик // Алишер Навоий ва форс-тожик адабиёти. – Т.: Халқ мероси, 2002. – Б. 6.
140. Каримова Ф. Хоразм адабий муҳитида дебочанавислик // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2004. - №3. – Б. 36-37.
141. Кубро Шайх Нажмиддин // Мақолалар. – Т.: Ёзувчи, 1995. – 77 б.
142. Мадраҳимов Э. Комёб / Хоразм хақиқати. - Урганч, 1991. 31 авг.
143. Маткаримова Н. Меърож ва бадиий ижод // Ўзбек тили ва адабиёти. –Тошкент, 1999. – №. 4. – Б. 48-50
144. Навоий ва адабий таъсир масалалари // Илмий мақолалар тўплами. – Т.: Фан, 1968. – 351 б.
145. Навоийга армуғон // Илмий мақолалар тўплами. – Т.: Халқ мероси, 2000. – 109 б.
146. Нуржонов К, Ҳасан Р. Исён фитнаси / Ватан. –Тошкент, 1996. – № 2 (144). – 14-21 март.
147. Текстология славянских литератур. –Ленинград: Наука, 1973. –237 с.
148. Ўзбек тилшунослиги ва адабиётшунослиги масалалари. – Т.: Фан, 1973. – 259 б.
149. Шамсиев П. Ўзбек матншунослигига оид тадқиқотлар. – Т.: Фан, 1986. – 164 б.

150. Ҳамроев У., Каримов У. Хива шоирлари тазкирасининг нухалари // Адабий мерос. –Тошкент, 1981. – № 4. – Б. 77-80.

151. Ҳожиева Р. Комил Хоразмий - хаттот ва ношир // Адабий мерос –Тошкент, 1978. – № 11. – Б. 61-63.

ДИССЕРТАЦИЯ ВА АВТОРЕФЕРАТЛАР

152. Абдурахмонов А. Алп Эр Тўнга (Афросиёб)га оид адабий-тарихий манбалар: Филол. фанлари д-ри ... дис. автореф. Т., 1997. – 49 б.

153. Далимов У. Жизнь и творчество узбекского поэта-просветителя Ибрата: Автореф. дис. канд. филол. наук. –Т., 1971. – 25 б.

154. Жабборов Н. Фурқат асарларининг кўлэзма манбалари: Филол. фанлари номзоди ... дис. автореф. –Т., 1994. – 26 б.

155. Жумахўжа Н. Миллий мустақиллик мафкураси ва адабий мерос (XVII-XIX асрлар ўзбек шеърятти асосида): Филол. фанл. д-ри. ... дис. автореф. –Т., 1999. – 52 б.

156. Захидов Л. “Рисолаи муфрадот” Алишера Навои и его муаммо”: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Т., 1970. – 33 с.

157. Зоҳидов Л. Алишер Навоий муаммолари за “Рисолаи муфрадот” асари: Филол. фанлари номзоди дис. – Т., 1970. – 204 б.

158. Ирисов А. Литературное наследие Ибн Сины: Автореф. дис.... док. филол. наук. – Т., 1996. – 44 с.

159. Исломов З. Маҳмуд Замахшарийнинг “Муқаддамагу-ладаб” асарининг кўлэзмалари ва арабча-туркий феллар сўзлигининг йиғма илмий-танкидий матни. (Тошкент кўлэзмалари асосида): Филол. фанлари д-ри ... дис. автореф. –Т., 1998. – 45 б.

160. Исмоилова Г. Феруз даври адабий муҳити: Филол. Фанлари номзоди дис. – Т., 1995. – 141 б.

161. Исҳоқов Ф. Гулханий “Зарбулмасал”ининг илмий-танкидий матни. Филол. фанлари д-ри ... дис. автореф. –Т., 1997. – 48 б.

162. Каримова Ф. Ўзбек адабиётида дебоча: Филол. фанлари номзоди дис. – Т., 1993. – 126 б.

163. Матякубова М. Огаҳий ижодида кичик шеърый жанрлар: Филол. фанлари номзоди ... дис. автореф. –Т., 2000. – 23 б.

164. Нуриддинов Ш.Б. Муалла Қўшок Мискин ҳаёти ва унинг адабий мероси: Филол. фанлари номзоди ... дис. автореф. – Т., 2011. – 26 б.

165. Пиримкулов А. Огаҳий маснавийлари: Филол. фанлари номзоди ... дис. автореф. –Т., 1998. – 24 б.

166. Салоҳий Дилором Исомиддин кизи. Алишер Навоий поэтик услубининг тадрижий такомил (ғазаллар матнининг қиёсий таҳлили асосида): Филол. фанлари д-ри ... дис. автореф. –Т., 2000. –38 б.

167. Самандарова С. XX аср ўзбек тазкиралари: Филол. фанлари номзоди ... дис. автореф. –Т., 1996. – 20 б.

168. Сулейманов Х. Текстологическое исследование лирики Алишера Навои: Автореф. дис. докт. филол. наук. – Т., 1961. – 67 с.

169. Турдиалиев А. Маҳмуд Ҳаким Яйфоний адабий ва илмий мероси манбалари: Филол. фан. ном. ... дис. – Т., 1997. – 133 б

170. Файзуллоев Б. Ўзбек шеърятда татаббуъ тарихи ва маҳорат масалалари (XVII-XIX ва XX аср бошлари ғазалчилиги асосида): Филол. фанлари номзоди ... дис. автореф. – Т., 2002. – 25 б.

171. Холлиева Г. Огаҳий мусамматлари: Филол. фанлари номзоди ... дис. автореф. – Т., 2000. – 24 б.

172. Шодмонов Н. “Шоҳиду-л-иқбол”нинг ўзбек бадиий-тарихий насри тараққиётидаги ўрни, манбалари ва матний тадқиқи: Филол. фанлари д-ри ... дис. – Т.: 2009, – 283 б.

173. Юлдашева М. Аваз шеърятда анъана ва маҳорат: Филол. фанлари номзоди ... дис. автореф. –Т., 2006. –22 б.

174. Ганихўжаев Ф.А. Огаҳийнинг “Таъвиз ул-ошиқин” девони ва унинг илмий-танқидий матни: Филол. фанлари д-ри ... дис. – Т., 1998. – 123 б (Диссертациянинг тадқиқот қисми ва икки жилдан иборат илмий-танқидий матн).

МАНБАЛАР

175. Аваз. Девон. Ўз Р ФА Шарқшунослик институти фонди. Қўлёзма. Сақланиш рақами 3451. 160 ғарф.

176. Аҳмад Табибий. Мажмуаи мухаммасот уш-шуарои Ферузшоҳий. Ўз Р ФА Шарқшунослик институти фонди. Қўлёзма. Сақланиш рақами 1134. 220 ғарф.

177. Баёний Муҳаммад Юсуф Шажараи хоразмшоҳий. Ўз Р ФА Шарқшунослик институти фонди. Қўлёзма. Сақланиш рақами 274. 517 ғарф.

178. Баёз. Ўз Р ФА Адабиёт музейи. Қўлёзма. Сақланиш рақами 582. 169 ғарф.

179. Баёз. Ўз Р ФА Адабиёт музейи. Қўлёзма. Сақланиш рақами 401. 311 варақ.
180. Баёз. Ўз Р ФА Адабиёт музейи. Қўлёзма. Сақланиш рақами 431. 282 варақ.
181. Баёз. Ўз Р ФА Адабиёт музейи. Қўлёзма. Сақланиш рақами 358. 323 варақ.
182. Баёз. Ўз Р ФА Адабиёт музейи. Қўлёзма. Сақланиш рақами 178. 519 варақ.
183. Баёз. Ўз Р ФА Шарқшунослик институти фонди. Қўлёзма. Сақланиш рақами 7699. 33 варақ.
184. Баёз. Ўз Р ФА Шарқшунослик институти фонди. Қўлёзма. Сақланиш рақами 6977. 175 варақ.
185. Баёз. Ўз Р ФА Шарқшунослик институти фонди. Қўлёзма. Сақланиш рақами 1157. 236 варақ.
186. Баёз. Ўз Р ФА Шарқшунослик институти фонди. Қўлёзма. Сақланиш рақами 6949. 135 варақ.
187. Баёз. Ўз Р ФА Шарқшунослик институти фонди. Қўлёзма. Сақланиш рақами 1183. 156 варақ.
188. Болтаев А. Хоразм тарихига оид материаллар. Ўз Р ФА Шарқшунослик институти фонди. Қўлёзма. Сақланиш рақами 9320. 93 варақ.
189. Девоний Комил. Девон. Қўлёзма. Сақланиш рақами. Ўз Р ФА Шарқшунослик институти фонди 901/Ш. 78 варақ.
190. Комёб. Девон. Ўз Р ФА Шарқшунослик институти фонди Қўлёзма. Сақланиш рақами 3730/IV. 311 варақ.
191. Комёб. Девон. Ўз Р ФА Шарқшунослик институти фонди. Қўлёзма. Сақланиш рақами 1005. 160 варақ.
192. Комёб. Девон. Ўз Р ФА Шарқшунослик институти фонди. Қўлёзма. Сақланиш рақами 2627. 64 варақ.
193. Комёб. Девон. Ўз Р ФА Шарқшунослик институти фонди. Қўлёзма. Сақланиш рақами 1257. 140 варақ.
194. Комёб. Таворих ул-хавонин. Қўлёзма. Сақланиш рақами. Ўз Р ФА Шарқшунослик институти фонди 7717/Л. 220 варақ.
